



А.Сағдулаев, Ў.Мавлонов

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШГАРУВИ ТАРИХИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

А.Сагдуллаев, Ў.Мавлонов

**Ўзбекистонда давлат
бошқаруви тарихи
(қадимги даврлардан XIX асрнинг
ўрталарига қадар)**

Ўкув қўлланма



«Akademiya»

Тошкент 2006

А.Сағдұллаев, Ә.Майдонов. **Ўзбекистонда давлат бошқаруши тарихы** (едемгі даврлардан XIX асрнинг ўрталариги қадар). Т., "Akademiya", 2006 й.

Күлланымда бошқарувининг иғисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, давлатчиликнинг илк босқичларидан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача бўлган тарихий ривожланиши қонуниятлари ва хусусиятлари, турли даврларда Ўзбекистондаги давлат бошқарувининг мазмун-моҳияти хусусида сўз боради.

Кўлланма Академия тингловчилари, аспирантлар ва талабалар ҳамда Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахрир ҳайъати

Назаров К.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А., Пахрутдинов Ш.И.,
Абулқосимов Ҳ.П., Аҳмедов О.М., Раҳимова Д.Н., Умарова Н.Т.,
Ҳасанов Р.Р., Умаров Б.З., Фаниев Ш.Б.

КИРИШ

Турли халқлар ўз давлатчилигининг шаклланиши босқичини ижтимоий, иқтисодий ва тарихий-маданий жараёнларга боғлиқ ҳолда турли тарихий даврларда босиб ўтдилар. Бир умумий географик минтақа – Ўрта Осиёда яшаб келган құшни қабила ва элатларни бирбирига яқын бұлған маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштириб турған. Улар турли күринишідеги ўзаро алоқалар асосида ривожланиб борған. Шунинг учун ҳам қадимги замонлардан бошлаб, Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдиди бир-бирига узвий боғланған. Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида қуийидаги фикрлар бу тарихий ҳақиқатнинг энг лўнда ифодасидир: “Тарихимиз каби, қадимги маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга қўплаб этник гурӯҳлар, эллатлар ўз улушини қўшган. Бу табиий ҳол, чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир”.

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг илк давлатчилиги чуқур тарихий илдизларга эга. Бу муаммони ўрганишда ёзма ва археологик манбалар кўп жижитдан ёрдам беради. Ўрта Осиёда илк давлатчилик туумига замин яратган бронза даврида (милоддан аввалги III-II минг йиллар) сугорма дехқончилик ва ихтисослишган ҳунармандчилик ривожланган давр бўлған. Бундан 3,5 минг йил аввал минтақадаги дехқончилик воҳалари асосида илк давлатчилик тизимиға ўтиш даври бошланған. Майда давлат ташкилотларининг ривожланиши асосида қадимги Хоразм ва қадимги Бақтрия каби йирик давлат уюшмалари пайдо бўлади.

Бир неча асрлар давомида маҳаллий халқлар, Шарқда босқинчилик урушлари натижасида вужудга келган давлатлар таркибига кирган (аҳамонийлар, македониялик Александр, салавкийлар, Юнон-Бақтрия давлатлари). Ўзбекистонда қадимги маҳаллий давлатчилик тарихи Хоразм, Қанғ ва Давон давлатлари ривожи билан узвий боғланган.

Ўрта асрларда ўзбек халқи давлатчилиги тарихида турли сулолаларнинг йирик давлатлари вужудга келди. Ушбу жараёнларнинг янги босқичи Амир Темур давлати билан боғлиқ бўлиб, марказлашган давлатда иқтисодий ҳаёт, маданият, илм-фан юксак даражада ривож топди.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё ҳудудида учта давлат – Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари пайдо бўлди. Аммо улар ўртасида бирлик бўлмай, сиёсий қарама-қаршиликлар, ўзаро курашлар авж олди. Бундай вазиятдан фойдаланган чор Россияси маҳаллий давлатларни истило қилиб, Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантириди.

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистон тарихида давлатчиликнинг ilk босқичларидан бошлаб XIX асрнинг ўрталарига қадар бўлган даврларни ўз ичига олган. Қўлланмада давлатчиликнинг турлари, бошқарув шакллари ва маъмурӣ тузилиши ҳақида қисқа умумий маълумотлар келтирилган. Қўлланма маҳсус маърузалар тингловчилари, талабалар, ўқитувчилар ва Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ушбу қўлланманинг I боби – А.Сагдуллаев, II-IV боблари Ў.Мавлонов томонидан ёзилган.

I боб. ИЛК ДАВЛАТЛАР ДАВРИ

1.1. Ёзма ва археология манбалари

Ёзма манбалар. Милоддан аввалги IX-VIII асрлар ўрта Осиё тарихида бронза давридан илк темир асрига ўтиш даври бўлган.

Ўрта Осиёning темир даври тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг камлиги ҳамда тулиқ эмаслигини эътиборга олиш лозим.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида муҳим ёзма манбалар – “Авесто”, (мил. авв. IX-VIII, VII-VI асрлар), аҳамонийлар даври (мил. авв. VI-V асрлар) ёзма ёдгорликлари ва қадимги юон тарихшунослари (мил. авв. V-IV асрлар) ҳикоя қиласди. Афсуски, “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Мазкур тўплам милодий III-VII асрларда таҳрир қилинган. “Авесто”нинг кейинги бизгача етиб келган қисмлари тўрт китобнигина ўз ичига олади. Ясна (“қурбонлик”, - дуолар ёки қурбонлик келтириш), Яшт (“қадрлаш”, “улуглаш” - маъбудалар учун мадҳиялар), Видеват (“девларга қарши қонун”), Виспрат (“барча ҳукмдорлар”). Бу китоблар ёзилган тил “Авесто” туфайлигина маълум бўлиб, авесто тили дейилади.

Кўп қатламли, муракқаб манба ҳисобланган, “Авесто” асрлар давомида шаклланиб борган. “Авесто”нинг энг қадимий қисмларида кенг ҳудудда жойлашган жамият тасвиrlанган бўлиб, мазкур жамият ҳақида ҳали ёзув мавжуд бўлмаган замонларга оид тасавурлар сакланган. Ўрта Осиё учун “Авесто” маълумотлари археологик манбалар билан солиштирилган ҳолда кенг даврий чегара оралигига - бронза давридан тортиб қадимги дунё - антик давргача бўлган ижтимоий-иктисодий тарихни ёритишида фойдаланилади.

"Авесто" зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, у Заратуштра (Зардушт) динидаги жалқларнинг шариат қонуилари мажмудан иборат. Заратуштра (юнонча Зороастр) исми билан аталған зардуштийлик (заратуштризм, зороастризм) Ўрта Осиёда ислом дини жорий этилишидан олдин кенг тарқалган. "Авесто"нинг баъзи бир қисмларида Заратуштра "заотара" ёки "атаурвон", яъни коҳин тарзида тилга олинади. Зардуштийлик дини тарихи бўйича етакчи мутахассислар мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратар эканлар, Заратуштра бу диннинг ягона асосчисидир, шунинг билан бирга, у ҳам коҳин, ҳам зардуштийларнинг пайгамбари эди, деб фараз қиласидилар.

"Авесто" Ўрта Осиё вилоятларининг қадимги тарихи, ижтимоий тузуми, иқтисодий ҳаёти ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манбадир. "Авесто"нинг энг қадимги ҳудудий географик номлари Ўрта Осиё вилоятлари билан боғланган (Яшт китоби, 10-боб). Рўйхатдаги биринчи мамлакат - "Арёнам Вайчах" ёки "Арёшайёна", "Арёнам Вайжо". У юртда кўпдан-кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур кўллар мавжуд бўлган. Яшт китобида Иската, Поруту, Моуру, Гава Сўғда (Сўғд макони) ва Хоразм каби бошқа мамлакатлар ҳам тилга олинган.

"Авесто" Видевдат китобининг биринчи бобида санаб утилган қўйидаги вилоятлар Яшт китобидаги мамлакатлар рўйхатидан анча фарқ қиласиди: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайя, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Хайтумант, Рага, Чахро ва Варна.

"Авесто"да Хоразм, Маргиёна, Сўғд, Бақтрия вилоятлари йирик мамлакатлар қаторида тилга олинган. Шунинг билан бирга, Арёнам Вайжони ҳам кенг ўлка сифатида тушуниш мумкин. У ерда баланд тоғлар - Помир, Ҳисор, Тангритоғ, чуқур кўллар - Каспий, Орол, Ис-

сиккўл, кенг дарёлар - Амударё ва Сирдарё жойлашган деб фараз қилинади.

“Авесто”да келтирилган қадимги маълумотлар Ўрта Осиёда ҳарбий-сиёсий бирлашмалар ташкил топган даврларга (мил. авв. IX-VIII асрлар) мансубдир. Шу давр аҳолисининг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бошқа бир гуруҳи эса кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтган. Улар ўртасидаги сиёсий қара-ма-қаршиликлар, кураш ва тинимсиз босқинлар “хона-доиларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ҳамда вайроналик келтирди”. “Авесто”да айнан ана шу даврда ҳукм сурган подшолар сулоласи - кавийлар (“Шоҳнома”да - кайёнийлар) рўйхати қуйидагича: Хашошъёнх (“Шоҳнома”да - Хушанг), Йима (Жамшид), Съёваршон (Сиёвш), Кави Хаосров (Кай-Хисров), Кави Виштасп, Кави Қават (Кай-Қубот), Кави Усан (Кайковус), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай-Ареш). Кави Виштаспдан бошлаб кейингилари Заратуштра таълимотининг тарафдорлари бўлган. Кави Хаосрав прийлар мамлакатларини бирлаштирувчи подшо бўлиб, “тур” - чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франгра-сён (“Шоҳнома”да-Афросиёб) билан жанг қилган. “Авесто”нинг Моуру, Сўғда, Бахди, Хоразм аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, “тур” қабилаларининг (ва кейин сак-массагет қабилаларининг) иқти-садий ҳаётида чорвачилик алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг даштлари ва тоғлари чорвачиликнинг ривожланишига қулай шароит яратиб берган.

“Авесто”да тилга олинган қабилаларнинг дастлабки ватани Арёшайёна (Арёнам Вайжо) ҳам яйловларга бой бўлган. Яшт китобининг ўнинчи бобида бундай хабар қилинади: “У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп ҳарбий юришлар қиласи, у ерда ўтлоқлар ва сувга сероб баланд тоғлар чорвачилик ҳаётига асос солган”.

Шунинг учун ҳам Арёнам Вайжо тангри Ахурамазда ифодаси билан яшаш учун энг яхши жой деб ҳисобланган ва “Авесто”нинг рўйхатларида бу ўлка биринчи навбатда тилга олинади. “Авесто”нинг географик тушунчалари қадимги форс тилида ёритилган аҳамонийлар даври ёзма манбаларида ва қадимги юон тарихшунослари асарларида такрор этилган. Милоддан аввалга II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда яшаб ўтган қабилалар янги этник жараёнларга асос солиб, шу худудда сұғдлар, бақтриялик, хоразмлик, марғиёналик ва сак-массагетларнинг пайдо бўлишларига сабабчи бўлган.

Аҳамонийлар михсимон ёзувлари Бекистун ва Накши Рустам қоятошлари, Суза, Ҳамадон ва Персепол шаҳарларидан топилиб, текширилганда, уларнинг қадимги форс тилидаги турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат эканлиги аниқланди. Аҳамонийлар даври ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида ҳам айrim маълумотлар бор.

Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида (540-530-522 йиллар давомида) Ўрта Осиё вилоятлари қадимги Форс давлати — Аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Улар Ўрта Осиёда икки юз йилча ҳукмронлик қилганлар.

Милоддан аввалги V-IV асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи қадимги юон тарихшуносларининг диққат марказига тушиб қолган. Бу борада Ўрта Осиё халқлари тўғрисида маълумотлар берувчи Геродотнинг “Тарих” китоби айниқса қимматлидир. Бу муҳим ҳамда дунёда машҳур манбада Бақтрия, Бақтра, бақтрияликлар, сак-массагетлар, сұғдлар ва хоразмликлар тилга олинган бўлиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида хикоя қилинган. Геродотнинг Ўрта Осиё

түгрисидаги маълумотлари турли масалалар билан бирги бевосита юонон-форс урушларига бориб тақалади. Форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари ҳамда Аксес Амударё дарёсининг сувларидан фойдаланиш түгрисидаги манбалар бундан мустаснодир.

Бошқа бир юонон тарихшуноси Ктесий Кичик Осиёдаги Книд шаҳридан бўлиб, у милоддан аввалги 414 йилдан бошлаб, Аҳамонийлар подшоси Артаксеркс II спройида табиб вазифасини бажарган. Ктесий ўзининг “Персика” деб номланган асарининг катта бир қисмини бақтрияликлар тарихига бағишлаган. Шунингдек, Ктесий асарида Бақтрияning шаҳарлари, унинг мустаҳкам мудофаа деворлари билан ӯралган пойтахти ҳақида, шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин түгрисида ҳикоя қилинади.

Бақтрияning оссурияликлар томонидан қамал қилиниши түгрисида яна бир юонон тарихшуноси — Ксенофонт ҳам маълумот беради. Аммо Ўрта Осиёning бошқа шаҳар ва манзилгоҳлари түгрисида қадимги юонон муаллифлари асарларида маълумотлар учрамайди. Мавжуд шаҳарлар уларга номаълум бўлган бўлса керак.

“Авесто”нинг энг қадимги қисмлари, аҳамонийлар ғузулари, Геродот, Ктесий ва Ксенофонт асарлари Ўрта Осиё түгрисидаги ёзма манбаларнинг илк турлари ҳисобланиб, улар ўлқамиздаги аҳоли, вилоятлар, алоҳида жойлар ва дарёлар номи, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузум түгрисидаги маълумотларни, аҳамонийлар подшоларининг Ўрта Осиёга юришлари, қадимги халқлар турмуши, дини, маданияти, қабилалар ҳаётини ёритувчи маълумотларни ўз ичига олади.

Археология манбалари. Ўрта Осиё илк темир даврига оид (мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми) моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўлкада кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар

натижасида топилиб, текширилган қишлоқ ва шаҳар харобалари қадимий маданий ўчоқлар ҳисобланади. Қуий Мурғоб, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳала-рида, Хоразм ва Фарғона водийларида илк темир даврига оид жуда кўп ёдгорликлар борлиги маълум бўлди.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликларидан Сурхондарёда Кучуктепа, Бандихон ва Қизилтепа, Қашқадарёда Сангиртепа, Узунқир ва Ерқурғон, Зарафшон воҳасида — Афросиёб ва Кўктепа, Фарғона водийсида Далярзин, Чуст, Бозтепа ва бошқалар ҳисобланади. Шу даврга оид хом фиштдан ва пахсадан қўрилган бинолар, меҳнат қуроллари, хунармандчилик буюмлари ҳамда бошқа топилмалар Ўрта Осиёда моддий маданият юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги кўчманчилар — сакларнинг ёдгорликлари Қуий Зарафшон, Амударё, Орол дengизи атрофида, Помир ва Тангритоғ ҳудудларидан топилган. Улар, асосан, мозор-қўргонлардан иборатdir. Топилмалар орасида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Ўрта Осиё ёдгорликлари бўйича ўтказилган қазилма ишлари натижасида топилган моддий манбалар марғиёналиклар, бақтрияликлар, хоразмликлар, саклар ва сўғдлар тарихини чуқур ўрганишга, шунингдек, уларнинг қўшни мамлакатлар халқлари билан ўзаро муносабатларини аниқлашга имкон яратади.

Археологик қазишлар натижасида маданий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган энг қадимги шаҳарларнинг харобалари аниқланди. Шаҳар ичкарисидан топилган турли қурилиш қолдиқлари савдо йўллари ёқасида жойлашган Афросиёб (Мароканда), Узунқир, Кўктепа, Қизилтепа, Ерқурғон каби ҳудудларнинг қалин мудофаа деворлари билан ўралганлигидан далолат беради.

Тарихий география. Ўрта Осиёда энг қадимги халқларнинг алоҳида шаклланиши ва этник ҳудудларнинг ажralа бошлаш масаласи жуда мураккаб илмий муаммо ҳисобланади. Бунинг сабаби, ёзма манбаларда қадимги халқларнинг ажralа бориш жараёни аниқ кўrsатилмаганидадир.

“Халқ” маъносини берувчи “этнос” сўзи Геродотнинг “Тарих”ида ва бошқа юон тарихшунослари асарларида жуда кўп учрайди. Бақтрияликлар, сүгдийларнинг номлари ёзма манбаларда босқинчиларга (Кир II, македониялик Александр) қарши турган халқлар сифатида тилга олинган.

Ўрта Осиёда аҳоли жойлашган вилоятларнинг номлари турли даврларга оид ёзма манбаларда сакланиб қолган. Биз кўриб чиқаётган ҳудудлар юон-рим муалифлари асарларида Маргиёна, Бақтриёна, Хорасмия, Сўғдиёна бўлса, шунга мос равишда қадимга форс ёзувларида Маргуш, Бақтриш, Хваразмиш, Сўгуда, “Авесто”нинг энг қадимги қисмларида эса Моуру, Бахди, Хваризам ва Сўгда деб аталган.

“Авесто”нинг Видевдат китобидаги рўйхатда Бақтриянинг Сўғдан кейин тилга олиниши ва аксинча қадимги форс ёзувларида Сўғднинг ҳар доим Бақтриядан сўнг санаб ўтилиши, улар орасида ҳудудий чегара бўлганлигини кўrsатади.

Македониялик Александрнинг юришлари (мил. авв. 334-325 йиллар) юон даври ёзма манбаларида, Мароқандага юриш қилаётган Александр қўшинлари йўлида (мил. авв. 329 й.) бу ҳудуд Амударё Бақтрия ва Сўғд ўrtасидаги чегара сифатида кўrsатилган. Юон муалифи Страбон “Окс дарёси Бақтрия ерларини Сўғдиёнадан ажратади” деб ҳисоблаган.

Қадимги юон тарихшуноси Аррианнинг ёзишига кўра, Окс дарёсидан ўтиш билан Сўғдиёна ерлари бошланган.

күргонлар қолдиклари топилган (Кизилчатепа). Улар пахса деворлар билан үралган ва хом гиштлардан қурилган уйжой, хұжалик хоналари, ошхоналардан ҳамда ички ҳовлидан иборат. Пахса деворлар билан мустаҳкамланган ташки қисмда эса подахона бүлган.

Үрта Осиёning даشت ва тоғлик жойларида яшаган саклар хұжалигиде чорвачилик катта аҳамиятта эга бүлган. Бу қабилалар күплаб қорамол, майда чорва ҳамда отларни урчиттандар.

Геродот шундай хабар беради: “Массагетлар отда ва пиёда жанг қиласылар. Массагетларнинг яроғ-аслахалари найза, болта ва үқ-ёйлардан иборатдир. Уларнинг барча нарсалари олтиндан ва мисдан ишланган. Болта, үқ ва найза учлари мисдан ишланган, уларнинг үз усти-бошлари олтин билан нақшланган. Темир ва кумушдан ясалған буюмлар уларнинг рўзгорида ишлатилмайди, чунки бу металлар массагетларнинг ерларида, умуман, учрамайди, аммо олтин ва мис уларнинг заминида жуда ҳам күпдир”.

“Авесто” китобларида қадимги чорвачилик ҳаёти ҳақида маълумотлар турли қисмларда сакланған булиб, уларда шундай дейилади:

“Биз Ахурамаздани улуглаймиз... Ахурамазда яратған барча нарсанинг ичида энг муҳим булиб, биринчи үринда чорва туради. Биз чорвага тинч үтлов ва емиш таъминлашга қақирамиз”.

Видеvдат китобида дәхқончилик савоб иш деб ҳисобланған: “Ким агар сўл ва ўнг қўли, ўнг ва сўл қўли билан бу заминга ишлов берса, О Спитама Заратуштра, у ерга манфаат келтиради”.

Хұжалик юритиш мақсадида дәхқонлар томонидан ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган булиб, улар ўзлаштирилмаган бепоён ерлардан фарқ қылгани ҳолда қадимги “маданий хұжалик воҳалари” деб аталған. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор ерлар ва сугориш

тизимидан ташқари уй-құрғонлар ва манзилгоҳлар, шунингдек, экин әкілмаган ерлар ҳамда яйловлар мавжуд бұлған. Қадимги дәхқончилик туманларининг ривожланиши табиий-географик, ижтимоий-иктисодий ва маданий мұхит билан бөглиқ булып, бу мұхит уларнинг қадимги маданий-хұжалик туманлари эканлигидан да-лолат беради.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярм�다 ахоли нисбатан зич жойлашган үтрең, воҳаларда дәхқончилик хұжалиги жадал ривожланған. Бу воҳалар ҳосилдор тоғолди текисликларида ёки дарё этакларида жойлашған булып, даштларга нисбатан дәхқончилик учун қулай шароитта эга булып, беради.

Үрта Осиё ilk темир даври йирик манзилгоҳларида ёки алоҳида уй-құрғонларида фалла туйгич, келисоп, ҳовончалар, металлдан ва тошдан ишланған үроқлар топилған. Ушбу қуроллар ҳар бир жамоанинг ишлаб чықарув қуроллари таркибига кирған. Уй-құрғонлар жамоаларининг асосий машғулотлари қышлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашдан иборат булып, беради.

Қадимги уй-жойлардан күп сонли сопол идишлар топилған. Арпа, бұғдой, тарық донлари ва улар учун кавланған ўралар, ун ва бұғдой сақлаш учун ишлатилған хұмлар ва хұмчалар жамоаларининг иктисодий ҳаётида мұхим аҳамиятта эга булып, көрсетади. Ерни ҳайдаб дәхқончилик қилиш, сунъий сугориши ишларини кенг йүлга қойиши, дон экиш, чорва учун хашак буладиган үсімликларни үстириш, мевачиликни ривожлантириш – ҳаёт манбай ҳисобланған.

Айрим уй-құрғонлардан махсус устахоналар қолдиклари топилиб, тадқиқ этилған. Бу устахоналарда оила атъзолари уй рұзгор учун зарурий булып, буюмларни ишлаб чыгарғанлар. Масалан, тошдан ишланған дәхқон-

чиликтеги куроллари (уроқлар, ёргучоклар, хованчалар), құлда ишланған күлөлчилик буюмлари - сопол идишлар, чирог-дон, урчук бошлари, бүйра ва тери түшамалари ва бошқалар - ҳунармандчилик маҳсулотлари хисобланған.

Шаҳар марказларининг маҳсус ҳунармандчилик устахоналарида ишлаб чиқарылған сопол идишлар, металл қуроллари ва бошқа ашёлар хұжаликда кенг ишлатылған. Жамоалар үртасида айирбошлаш ва савдо-сотик ишлари юксак даражада тараққий топған.

Ақамонийлар давридан олдин Үрта Осиёда танга пуллар номағым менен бүлған. Шунинг учун ҳам қишлоқ жамоалари үртасидаги савдо-сотик жараёнида күлөлчилик ва темирчилик буюмлари, чорва ва озиқ-овқат маҳсулотлари “пул” вазифасини бажарған. Қишлоқ жамоаларида етиштирилған маҳсулотнинг асосий қисми шу жойнинг үзіда, яғни айрим жамоалар үртасидагина истеъмол қилинған.

Ташқи савдода (вилоятлар, мамлакатлар үртасида) пул үлчови сифатида хом ашё, қимматбаҳо ҳунармандчилик буюмлари (металл идишлар, яроғ-аслахалар, зеби-зийнатлар), қимматбаҳо тошлар ҳамда олтин ва кумушдан ҳам фойдаланилған. Бақтрия тупроғида топилған Фуллол (Афғонистон) ва Амударё (Тожикистан) хазиналаридаги юқори санъат даражасида ишланған олтин ва кумуш буюмлари ана шундан далолат беріши мүмкін.

Үрта Осиёдан бошланған савдо йүллари қадимги Шарқ мамлакатларига олиб борған. Ктесий хабарига күра, Бақтрия вилояти олтин ва кумуш конларига бой бүлған. Оссурия подшоларининг савдогарлари бронзадан ишланған идишлар, яроғ-аслахаларни хом ашё — олтин ва кумушға алмаштирганлар. Иккидарё оралиғи ва Эрон шаҳарларидан ясалған бронза идишлар Бақтрияның милоддан аввалги II минг йилликка оид ёдгорликларидан ҳам топилған.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Үрта Осиё жа-

миятининг асоси кичик-кичик оиласардан иборат бўлиб, ҳар бир кичик оила ўртача 5-6 кишидан ташкил топган. Улар катта патриархал оила аъзолари ҳисобланган. Катта оила эса 20-25 кишидан ташкил топган бўлиб, умумий уй-жойда яшаган. Бу уйларда айрим кичик оиласарга махсус турар жойлар тегишли бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти - “умумий том остида” катта оила (уй эгаси) раҳбарлигида ўтганлиги билан изоҳланади. Жамоалар ҳаётида уруғчилик даврининг айрим хусусиятлари сакланиб қолган. Катта оила аъзолари томонидан хўжаликни ташкил этиш, ерга биргаликда эгалик қилиш ва умумий турар жойда - уй-кўргонларда яшаш одати фикримизнинг яққол далилидир. Аммо қўшни катта оиласар ўртасидаги ер эгалиги, хусусий мулк ва чорва бойликлари турли хил бўлиб, бир-биридан анча фарқ қилган. “Авесто”да қадимги жамият гузумини қўрсатувчи алоҳида сўзлар учрайди. Масалан, **уй-жой (оила жамоаси)- “нмана”, “дмана”, айрим манзилгоҳ (уруг жамоаси) - “вис”** деб аталган. “Авесто”да шаҳар жамоасининг тушунчаси учрамайди, қабила- “занту”, қабилалар иттифоки-“дахъю” деб аталган.

Оила, уруг ва қабила бошлигини билдириш учун “пати” сузи ишлатилган. Мамлакатни идора қилган шахс “кави” ёки **“састар”** деб аталган. Яшт китобида шундай хабар қилинади: “Кўп яйловларга эга бўлган Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлгон гапиролмайди: уйда оила бошлифи, уруг оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат ҳокими ҳам ёлгончи бўлса, разабланган Митра бутунлай оилани, уругни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қиласди”.

Қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси, **“састар”**, халқ иигилиши (мажлис) эса **“въяха”** деб юритилган. “Авесто”нинг Яшт китобида келтирилган маълумотлар ўрта

Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмасининг таркиб топган даврларига мансуб бўлиши мумкин.

Ўша даврларда хусусий мулк қуидагилардан иборат бўлган: уй-жой, чорва, томорқа ерлари, ишлаб чиқариш қуроллари, барча рўзгор ва шахсий буюмлари, озиқовқат маҳсулотлари.

“Авесто”да ахлоқий ва хуқуқий қоидалар. Жиноят ва жазо турлари. Ривоятга кўра, Заратуштра 30 ёшга тўлганда унинг қалбидан ҳақиқий дин таълимоти ўрин олган. Бу давр мураккаб, нотинч бир давр бўлиб, у босқинлар, урушлар инсон зотига чексиз жудоликлар, ўлим келтирган. Қабилалар бир-бири билан ёвлашарди. Йўлбошлилар ва жангчилар ҳарбий юришларга чиқиб, кучсиз ва химояга муҳтоҷларни талар ва қулга айлантирад эдилар.

Бир неча бор бедодлик ва зўравонликлар гувоҳи бўлган Заратуштра ўзининг дастлабки тарғиботларини ёвузылик ва зўравонликка қарши қаратган. Шу туфайли тартибга чақириш, адолатга интилиш, хулқ, одоб тантанаси, тинч ҳаёт, эзгуликка даъват Заратуштра тарғиботининг асосини ташкил этган. У “Куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат “аша”га чорлайман”, - дея улуг ва дошишманд тангри Ахурамаздага қасамёд этади.

“Аша” - тартиб, имон ва адолат тимсоли бўлиб, унга яхши ният, яхши сўз ва савобли ишлар билангина эришиш мумкин. Бироқ ўз муроқабаларининг барчасида Заратуштрага эзгулик ва адолатга қарши бўлган, олий тангри Ахурамазданинг душмани -- Анхра Манё бошлиқ қора кучлар мавжудлиги аён бўлади.

Заратуштра таълимоти инсонпарварлик гоялари билан узвий боғланган бўлиб, унда инсон манфаати учун алоҳида ўрин ажратилган. Унга кўра, яхшилик ва ёвузлик курашида инсонга ўзи хоҳлаган томонини ёқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, ҳар бир инсон ёвузликни йўқотиш ва эзгуликни ўрнатиш ишида иштирок

этиши мумкин бўлиб, бу борада ҳамма тенг ҳуқуқли ҳисобланган. Қабилалар ўртасидаги кураш ва тинимсиз босқинлар хонадонларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ва вайроналик келтирган бир шароитда Заратуштра марказлашган, қудратли ҳукмдори бўлган сиёсий уюшма яратишга чақиради: “Марҳаматли ҳукмдор шодлик кезган қишлоқлар учун тинчлик ўрнатади”, - дейди Заратуштра.

Зардуштийлик фалсафасига кўра, одамларнинг ёвузлиқ кучларига қарши курашига факат дин эмас, ибодат, самимий фикр, яхши сўз ва тадбиркорлик, шунингдек, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларга оғишмай амал қилиш каби инсоний фазилатлар ҳам асос бўла олади.

Одамларнинг ижтимоий-иктисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асослангани ҳақида Яшт ва Видевдат бобларида маълумотлар бор. Унга кўра, оила ва жамоадаги берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: “О, Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатта завол келтиради, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О, Спитама, аҳдингни бузма...”

“Авесто”нинг гувоҳлик беришича, эр-хотин ўртасидаги шартнома эллик каррали, ота ва ўғил ўртасидаги шартнома юз каррали, қуёв билан қайнота ўртасидага шартнома саксон каррали, ака-укалар ўртасидаги шартнома эса тўқсон каррали ҳисобланган. Шунингдек, унда динга ва шахста қарши, мулкий, ахлоқий, оиласа қарши, табиат кучларига қарши жиноят турлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Зардуштийларнинг қонунларига кўра, жасадни муқаддас ерга қўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинади. Шунинг учун ҳам гуноҳлар ичида энг оғири одам жасадини “тупроққа топшириш”, “дунёда ҳеч бир

жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди, – дея таъкидланади ушбу муқаддас китобда.

Шахсга қарши ҳаракатлар ичидаги қўлга қурол олиб таҳдид солиш, бирорни калтаклаб, уни ҳушидан кетказиш, унга жароҳат етказиш, қонини оқизиш, суюгини синдириш, бошини ёриш каби ҳаракатлар қаттиқ жазолган. Мулкий жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талон-тарож, босқинчилик, қарздорлик кабилар “Авесто”да гуноҳ деб ҳисобланади. Унга қўра: “Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлатан билан баробар бўлади”. Олинган қарзни ўзлаштириш ҳам жиноят ҳисобланган.

“Авесто” оилани, фарзандларни, уй-жойни асрраб-авайлашга чақиради: “Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир”. Одамлар бир-бирларига мададкор булиши керак, масалан, бой — камбағалга. Зардустийлар жамоа аъзоларининг кундалиқ ҳаётидаги хулқи учун жавобгарлигини ҳис қилганлар. Уларни мақсадли, умумий ҳаётий муаммолар ва вазифалар оғир дақиқаларда бирлаштирган, эртанги куннинг фаровон бўлишига умид бағишлиган.

Оила ва жамиятдаги, хусусан, шу хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнона, қўни-қўшнилар ўртасидаги ахлоқий ва ҳукуқий муносабатлар кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган.


Инсондан олов, сув ва заминнинг поклигини таъминлаш, табиатни асрраб-авайлаш талаб этилган. Сув ва олов қошида қасамини бузган одам оғир гуноҳкор ҳисобланиб, кимда-ким қасамини бузса, у маълум миқдорда қамчин билан саваланган. “Авесто” инсонни олтита аҳднома (қасам, кафолат)га риоя қилишга чақиради (сўз, қўл, қўй, сигир, одам, вилоят қасами). Унда меҳнатга юксак эҳтиром билан муносабат билдирилади. Инсон

мәхнат қилиши, яъни у бирор-бир хунар, қурилиш, зироат ва чорвачилик билан шуғулланиши лозимлиги өттироф қилинганд. “Ким дон сочиб, ғалла етиштирса, у тақводорлик, ҳаққонийлик үрнатган бұлади”.

Болаларни фанларга ва касб-хунарларга үқитиш тавсия этилган, “чунки үқиши — күзнинг нури”, дейилади зардыштийлик маслаҳатларида.

Ноңақлик ва жиноятта түсиқ қўйиши, уларнинг олдини олиш мақсадида “Авесто” қонунлари инсон ва жамоанинг ҳар кунги ҳаётини, ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий назорат қилишга қаратилган. Умуман олганда, ушбу муқаддас китобда юксак ахлоқ, покиза виждон, марҳаматлилик, инсонга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрлик тарғиб этилган бўлиб, буларнинг барчаси буғуни кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

“Авесто”. Жиноят ва жазо турлари



Оила қарши

Оила аъзоларига
шикаст етказиш,
вояга етмаган
болаларни ота-
оналаридан олиб
кетиши, васийсиз
қолдириш

Ахлокқа қарши

Фоҳишабозлик,
бесоқолбозлик,
эр-хотиннинг
бир-бирига
хиёнати

Табиат кучла-
рига қарши

Ерга, сувга, оловга
ва ўсимлик дунёсига
қарши
карагилган
жиноялтлар

Жазо

Бирорни калтаклаб,
уни ҳушидан
кетказиш, қонини
окизиши, суюгини
синдириши, умуман
унга шикаст
етказадиган
харакатлар маълум
миқдорда қамчин
билин жазоланган

Эр ва хотин, ота ва
ўтил ўртасидаги
ахдномани,
“сўз қасами”ни
бузган одам
маълум миқдорда
қамчин
билин саваланган

Жиноят такрорланган
ҳолда,
унинг ҳар бир такрори
ҳисобига яна қўшимча
20 та қамчин жазоси
қўлланилган

1.2. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши

Юзлаб мингийилликларни ўз ичига олган инсоният тарихида дастлабки давлатлар ва шаҳарларнинг ташкил топиши, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, ғузувнинг келиб чиқиши - нисбатан кейинроқ юзага келган ҳодисалардир. Давлатчилик жаҳон тарихида милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларида вужудга келган бўлиб, инсоният тамаддудининг сўнгти 5 минг йили билан боғланади.

Қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида, турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга эга бўлган. Даставвал, илк давлатлар ҳўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари - дехқончилик ва чорвачилик қаерда олдин ривож топган бўлса, ўша ерда вужудга келди.

Ибтидоий тарихда (палеолит – қадимги тош даври, мезолит – ўрта тош даври, неолит – янги тош даври) аҳолининг жойлашуви қариндош-қондошлиқ алоқалари билан белгиланган. У ёки бу ҳудудда фақат битта уруғ аъзоларигина яшаган. Ҳўжалик ишлаб чиқарувчи шаклларининг тараққиёти аҳоли жойлашуви ҳудудларнинг кенгайишига, ташқи алоқаларнинг узлуксиз ривожланишига олиб келган. Ишлаб чиқариш зарурати ва бошқа иштисодий омиллар шуни тақозо этган. Шу тариқа аҳолининг аралаш жойлашуви жараёни бошланган. Бунда бир ҳудудда турли уруғ намояндалари яшайдиган бўлган. Ана шундай қилиб, жамиятнинг янги ҳудудий ташкилоти вужудга келган. Қариндош-уругчилик жамоаси ўрнига ҳудудий қўшничилик жамоаси пайдо бўлган.

Бу жамоалар вакиллари алоҳида қишлоқлар, экинзорлар ва суғориш тармоқлари билан чегараланган, яъни тўла ўзлаштирилган ва муттасил ҳўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиб келинган воҳа-ту-

манларда ҳаёт кечириб, ўз ички ва ташқи муносабатла-рида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда бирла-шишга ҳаракат қилганлар. Ишлаб чиқариш ва ижтимо-ий меҳнат тақсимоти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимоя-ланиш, жамоадаги диний урф-одатларни бажариш каби масалалар ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солди.

Ўзбек ҳалқи, Ўрта Осиё ҳалқлари ва уларнинг аж-додлари тарихида илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганиш долзарб вазифадир. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиёда илк давлатчилик тузумига бронза давридаги сугорма деҳқончилик ривож-ланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик замин ярат-гандир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда дав-латчилик тузумига ўтиш жараёни фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Шарқдаги юқори даражада ривож-ланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Бақтрия ҳудудидан тошлиган юқори сифатли олтин, кумуш ва бронза буюмлари ташқи савдо ва ўзаро алоқаларнинг ривожланганлигидан далолат беради. Қадимги Шарқ давлат марказлари билан маданий муносабатлари муаммоси долзарб мавзу бўлиб, археологик маъ-лумотлар ўзаро алоқалардаги мавжуд технологик ва иқтисодий таъсирни кўрсатади.

Археологик ва ёзма манбаларни ўрганиш шунни кўрса-тадики, илк темир даври Хоразм, Бақтрия ва Сүгд жа-моаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиласалардан иборат уй жамоалари (катта оила ва-киллари) ташкил этган. Уй-қўргонлар жойлашувиning ташқи белгилари ёқ, уй-жамоалари афтидан анча йирик ҳудудий қўшни жамоаларни ташкил қилганидан дало-лат беради. Бошқарув тартибида катта оиласалар (уй жа-моаси) бошлиқлари ёки уй эгалари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўргонларини бошқарувчи жамоалар катта аҳами-ятга эга бўлган.

Алоҳида уйлар ўртасидаги қариндошчилик муносабатлари каби белгилар афтидан, иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда кўринадики, ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошчилик алоқаларига қарамасдан, алоҳида хусусий мулкка, ўз уй-жойига, ишлаб чиқариш куролларига, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорваларига эга бўлишган, бир сўз билан иштганда, улар ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлайдиган хўжаликни акс эттирганлар. Катта оиласи жамоалар шакли жамоадаги ишлаб чиқариш ва хўжалик тарақатига боғлиқ бўлиб, улар жамоанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келди.

Ижтимоий мансабларни эгаллаш, жамоа ишлаб чиқариш ишлари ва ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ бўлган. Бошқарув фаолияти зарурати ишлаб чиқарини ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотини тақсимлаш каби ишлар билан маҳсус шуғулланувчи айrim шахсларни юзага чиқарган.

Шу тарзда ижтимоий-иктисодий муносабатлар тараққиети жамиятда ўз обру-эътиборига эга бўлган, фақат ижтимоий ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан, ижтимоий ва хўжалик ҳаётини назорат қиласидиган ҳамда бошқарадиган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Бундай одамлар ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, ималий билимлари ва нуфузлари билан бошқалардан ажралиб турган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан ташкилий-бошқарув фаолияти ажралиб чиқкан.

Раҳбар-йўлбошчининг нуфузи юқори бўлса-да, жамоитдаги ишлаб чиқариш жараёни бошқарув ютуқларига яосланган ижтимоий ҳокимият дастлаб сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот турини ўзида ифода этган. Бундай ташкилот бошқарувчи лавозимини бажарувчи шахслар ўз меҳнати эвази-

га моддий жиҳатдан рағбатлантирилган. Моддий бойлик ларни тақсимлаш ва жамоа маҳсулотидан олинадиган улуш бундай кишиларнинг жамиятдаги ўрни ва амалига боғлик бўлган. Шундай қилиб, йўлбошчи раҳбарниң дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти касбий бошқа рувчиликка айланган.

Бошқарувнинг илк босқичлари қадимги замонларга бориб тақалади. Бошқарув тамойиллари ва вазифалари турли куринишларда бўлиб, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, ҳунар мандчилик, товар айирбошлиш ва савдонинг тез ривожланиши кабилар) билан бирга, ташқи омиллар - кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Қадимги Шарқнинг дастлабки давлатлари алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар сугориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлашибирлигана, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суформа дехқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Тарихшуносликда бундай илк давлатлар қадимги Миср мисолида “ном”лар, яъни “вилоятлар” ёки шаҳар-давлатлар (Иккидарё оралиғи) деб аталади.

Энг қадимги давлатлар бундан 5 минг йил аввал қадимги Миср ва Иккидарё оралиғида (Дажла ва Фрот пайдо бўлган. Давлатчилик тизими бундан 4-3,5 минг йил аввал Юнонистон, Кичик Осиё, Эрон, Кавказорти, Хиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Жаҳон тарихидаги илк давлатлар юқорида таъкидлага нимиздек, дехқончилик ва чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар пайдо бўлган ҳудудларда шаклланган. Бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари қуйидан

ишарадан иборат: ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти, жамоадаги урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлинниши.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, энг қадимти даврлардан бошлаб, бугунги кунгача қуйидаги бошқариш вазифалари устувор бўлиб келмоқда: ташкил қилиш, тартибга солиш, назорат, жамоатнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш.

Қадимги бошқарув тизими қуйидаги функциялар билан боғлик ҳолда амалга оширилган: иктиносий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ҳудудий.

Иктиносий функциялар тизимида ишлаб чиқариш ижтимоий меҳнат тақсимоти муҳим ўрин тутган. Қумладан, дехқончилик ишлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш ва сугориш-ирригация ишларини йўлга кўшиш, кишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, товар айирбошлиш ва савдо-сотик алоқалари. Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби ишларни бажариш вазифалари ҳам пайдо бўлган.

Ижтимоий функциялар жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқариб туриш заруриятига асосланган.

Ҳарбий-сиёсий функциялар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий қўшинларни ташкил этиш, маконлар ва туманлар ҳудудларида мудофаа ишларини амалига ошириш, туман ва вилоятлар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида ривож топган.

Илк давлатларнинг ҳудудий асосини уларга алоқадор бўлган қўшни дехқончилик туманлари ташкил этган Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, улар қадимги “дехқончилик туман-воҳалари” деб аталган. Уларнинг ҳар бири да ҳосилдор ерлар ва сугориш тизимидан ташқари уй кўргонлар ва манзилгоҳлар (қишлоқлар), экин экилмаган ерлар ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги дехқончилик туманларининг тузилиши табиий-географик, ижтимоий-иктисодий ва маданий муҳит билан боғлик эди. Бир неча туманлар вилоятни ташкил этган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлик ҳолда бошқарувнинг ҳудудий функциялари ҳам вужудга келган. Ушбу функциялар туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ жамоалари, туман аҳолиси (бир неча қишлоқ жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ва бошқари туриш заруриятидан келиб чиққан.

Шу тариқа илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланган. Иккинчи босқич жамоанинг ўзини-ўзи бошқарув муассасаларининг йўлбошли ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғлик бўлиб, ушбу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқалар хуқуқи тартибот янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат эса давлат тизимидағи турли вазифаларнинг хуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг хуқуқий жиҳатдан расмий лаштирилишига олиб келади.

Юқоридагилардан хulosса қилиб айтиш мумкинки қадимги Шарқнинг ilk давлатлари тарихи дастлаб жамиятнинг қуллар ва қулдорларга бўлинишидан бошланмаган экан. Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири мулкий табақаланиш бўлмасдан, синфий қарама-қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлинишидир. Бу ҳол, энг

иввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчиликнинг асослари, сиёсий институтлар шакллангандан кейинги чуқур ижтимоий табиқаланиш жараёнининг бошланиши билан характерланиди.

Илк давлатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида дастлиб озод жамоа аъзоларининг меҳнати муҳим ўрин тутиди. Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги аҳоли жойлаша олидиган ҳудудларга, бўз ерлар ва чорва учун яйлов, майданларга бой манбаларга эга бўлиш эҳтиёжи катта ё кичик урушларга сабаб бўлган. Доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида баъзи бир давлатлар тор-мор этилиб, баъзи бирлари эса кучайиб борган. Саноқсиз асирилар ва хонавайрон бўлган жамоа аъзолари қулликка маҳкум бўлганлар. Уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариниш мақсадларида кенг фойдаланилган. Шу тарзда тарихда Қадимги Миср, Оссуриядек ўртамиёна ҳудудга оға давлатлардан (ўрта подшоликлар) кейинчалик йирик, дунёвий миқёсдаги аҳамонийлар салтанатидек давлатлар вужудга келган.

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Ўрта Осиё жанубидаги жамоаларда “уй эгаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд эди. Ижтимоий тузумнинг бу погонасин илк давлатчиликнинг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида ўз обрў-эътибори ва ҳамиятини сақлаб қолди. Жамоа учун ташкилий бошкабрув кенг кўламдаги қурилиш, сугориш ва дехқончилик ишларини ташкил этиш пайтида зарур эди. Йўлбошчи ҳокимларнинг бошқалардан ажralиб туришига қадимги шиҳарларнинг ички қалъасида уларнинг алоҳида жойлашган сарой қўргонлари мавжудлиги ҳам гувоҳлик берди. Бу ҳокимият жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб турган. Қадимги туман ва вилоятлар,

шахар марказларининг аҳамияти, айниқса ҳарбий түкнашувлар пайтида янада ошиб, улардан туман аҳолиси учун бошпана, ижтимоий мулкнинг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган.

Уй-қўргон эгаларининг ҳуқуқлари анча юқори бўлиб, улар оила ва жамоадаги иш юритувчилар сифатида анъ-анавий қишлоқ ҳўжалик шаклларини ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида турли муносабатларни бошқариб турган. Бу ижтимоий тузумда айрим гурухлар дехқончилик ҳўжалиги билан машғул бўлган. Шунингдек, тузумда уй чорвачилиги, ихтиослашган хунармандчилик, қурилиш ишлари билан шугулланувчилар, умуман, ишлаб чиқарувчилар бор эди. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлмаган ёки ҳўжалик ишлари билан камдан-кам шугуллана-диган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифа кишиларига — уй-қўргон эгалари, жамоа оқсоқоллари, диний арбоблар, туман ва вилоят ҳокими кабилар кирган. Уларнинг барчаси жамият ҳаёти ва ишлаб чиқариш тартибида тутган ўрни билан бошқалардан фарқ қиласган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда илк давлатлар дехқончиликдан иқтисодий, ихтиослашган хунармандчиликнинг ажralиб чиқиши туфайли шаклланган шахар марказла-ри асосида пайдо бўлган.

Ўзбек халқи ва унинг аждодлари давлатчилик тарихи турли ўтроқ дехқончилик вилоятлари тарихи билан бояланади. Қадимги Хоразм давлати шулар жумласи-дандир. Аҳамонийлардан олдинги даврда Хоразмда кучли давлат вужудга келган.

Хоразмда милоддан аввалти VII-VI асрга мансуб катта-катта сурориш иншоотларининг излари аниқланиб, тад-қиқ этилган. Амударёning ўрта ва қуий оқими ерларида жойлашган Хоразм давлати ҳудудидан милоддан аввал-

ти VII асрнииг охири – V асрга оид кўпдан-кўп уй-кўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар жаробалари тадқиқ этилган. Қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири — Кўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бақтриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча Ухшашликлар аниқланди. Тадқиқ этилган моддий манбалар илк темир давридаги Хоразм, Марғиёна, Сүгдиёна ва Бақтрияда бир-бирига яқин маданиятлар ривож топганлигидан далолат беради.

Бақтрия давлатининг ривожланиш санасини милоддан аввалги 700-540 йиллар билан боғлаш мумкин. Янада қадимийроқ маълумотлар, яъни милоддан аввалги IX-VIII асрларга оид археологик манбалар йирик Бақтрия давлати ҳақидаги маълумотларни тасдиқламайди. Бу даврга оид қадимги Бақтрия энг катта манзилгоҳларининг эгаллаган майдони 2 гектардан ошмаган. Мазкур ҳудудда ҳунармандчилик маҳсулотлари, шунингдек, мудофаа деворлари ҳамда мустаҳкамланган йирик қалъалар қолдиқлари топилмаган. Милоддан аввалги IX-VIII асрларда Үрта Осиё турогида дастлабки кичик давлатлар ва ҳарбий сиёсий бирлашмалар пайдо бўлган.

Ктесийнинг “Персика” асарида қадимги Бақтрия давлати ҳақида, унинг кўп сонли аҳолиси, шунингдек, турли-туман истеҳком ва қалъалари тўғрисида, Оссурия подшоси Нин ва Бақтрия подшоси Оксиарт урушлари ҳақида ва бошқа маълумотлар берилган. Маълумки, милоддан аввалги VII-VI асрларда Бақтрияда дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик юксак даражада ривожланган. Ишлаб чиқарувчи қучларнинг ўсиши хусусий мулкчилик ва айирбошлини келтириб чиқарган, ҳом ашё ва ҳунармандчилик буюмлари савдо-сотик маҳсулотига айланган. Бақтрия еридаги Бадахшонда қазиб чиқарилган ложувард (лаъл) Эрон, Иккидарё оралиғи ва Миср мамлакатларига олиб борилган. Тахминларга кўра,

Бақтриядан олтин, қурғошин ҳамда қалай Оссурията олиб борилган бўлиши ҳам мумкин. Аҳамонийлар давринин ёзувлари Ўрта Осиёдан Эронга олтин, феруза, ложувард, от ва туялар, ҳунармандчилик буюмлари кўплаб етказиб берилгани ҳақида хабар беради.

Бу даврда Бақтрия ҳудудида ўтроқ аҳолидан ташкил топган Балхоб, Сурхон, Қундуз, Кофирниҳон, Вахш ва Панж вилоятлари бўлиб, улар ўзида 30 та воҳани бирлаштирган. Бу вилоятлар аҳолисининг маданий муносабатлари, ҳўжаликлар ривожланишининг бир-бирига ўхшашлиги, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг яқинлик даражаси, умумий жойлашув ҳудуди сиёсий вазиятга боғлиқ бўлган ҳудудий уюшмалар, вилоятга қараганда кенгроқ бўлиб, улар ёзма манбалардаги "мамлакат"га тўғри келиши таҳмин қилинади. Аммо бундай уюшмаларга унча катта бўлмаган маъмурий ҳудудий ташкилотлар пойdevor бўлганлиги сир эмас.

Аҳоли аралаш ҳудудларда жойлашган ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишини кучайтирган омилларидан бири ташқи хужум хавфи бўлиб, у айниқса даштлардаги кўчманчи қабилалар томонидан кучайиб борган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг кўпгина тоғлик ва даشت вилоятларидаги кўчманчилар курол-яроғни ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришиб, маҳаллий ўтроқ деҳқончилик аҳоли учун жуда хавфли ҳарбий кучга айланган.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё шашарларида мудофаа тизими биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, айнан ана шу даврда мустаҳкам деворлар мудофаа буржлари, хандаклар, ҳимояланиш ва хужум қуроллари - найза, ўқ, ханжар, жанговар болталар ва ўқ сифатида ишлатилган тош ядролар пайдо бўлади. Бу

мишумотлар доимий ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёning ўтроқ деҳқончилик вилоятларида давлатчилик тизимига ўтиш жараёни жуда эрта, милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бошланди. Милоддан аввалги IX-VIII асрларда "Авесто"да "Арёшай-са" ёки "Арёнам Вайжо" номи билан машҳур қадимти сиёсий бирлашма таркиб топган бўлиб, бу бирлашма ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон ва Мурғоб воҳаларида майда давлат ташкилотлари ривожланган. Ушбу уринда милоддан аввалги VII-VI асрларда Қадимги Хоразм ва Қадимти Бақтрия мисолидаги йирик давлат уюшмиларининг вужудга келганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу уч давр ўзбек халқи аждодлари тарихида ҳам ишлатчилик тизимига ўтиш босқичи ва Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳисобланади.

Ибтидоий жамиятнинг асосий белгилари

Илк ва ўрта палеолит

Ибтидоий тўда тарзида ҳаёт кечириш

Умумий турмуш,
умумий меҳнат
куролари

Ҳамма баравар
ишлаган

Жамоани
умумий меҳнат
бирлаштирган

Сўнгги палеолит, мезолит, неолит

Қариндош-уругчилик жамоаси
Она уруг - матриархат

Обод-ахлоқий меъёрларга асосланган
одамлар хулқ-атвори қоидалари

Уруг бошлиқларининг обрў-эътиборига
асосланган ижтимоий бошқарув

Давлатчиликнинг шаклланиш асослари

Ишлаб чиқарувчи
хўжаликларнинг тараққиёти

Худудий қўшничилик жамоаси
Ота уруғи - патриархат

Жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар
жиҳатидан бўлиниши


Иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга асосланган
ташкилий бошқарувнинг ажralиб чиқиши

Бошқарувнинг дастлабки ижтимоий фойдали
фаолиятдан касбий бошқарувчиликка айланиши

Бошқарувчи лавозимини бажарувчи шахсларни
моддий рағбатлантириш

Ҳокимиятни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш
Давлатнинг турли вазифаларини ҳуқуқий тартибга солиш

Ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари



Милоддан аввалги VII-VI асрлар

Бошқарув тартиби

“Авесто” тушунчалари



1.3. Қадимги давлатчилик турлари ва бошқарув шакли

Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, Ўрта Осиё, Ҳумладан, Ўзбекистон ҳудудларида ривож топган илк давлатларни – подшоликлар ташкил қилган. Юнон тарихшунослари асарларида Бақтрия подшоси Оксиарт ва Хоразм подшоси Фарасмон ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ушбу давлатлар бир неча вилоятларни бирлаштирган, шунинг учун ҳам мил. авв. VII-VI аср давлатчилик гизимиға марказий ва маҳаллий бошқарув хос бўлган. Мисол учун, Бақтрия подшосининг қароргоҳи давлат пойтахти Бақтра шахрида жойлашган, вилоят ва туманинг маҳаллий ҳокимлар бошқариб турган. Аммо ёзма манбаларда ана шу даврнинг сарой унвонлари ва ҳарбий-маъмурий мансаблари ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Мил. авв. 540-330 йилларда Ўрта Осиё **Аҳамонийлар** динлати таркибига кирган. Бу давлатнинг бошқарув шакли **чекланмаган подшо ҳокимияти (мутлақ монархия)**-дан иборат эди. Олий ҳукмдор аҳамонийлар сулоласининг вакили бўлган (Кир II – мил. авв. 558-530 й., Камбиз 530-525 й., Доро I – 522-486 й. ва бошқалар). Доро I давлатни “хшатра” – “вилоят” тушунчасидан қелиб тиққан “сатрапликлар” деб номланган алоҳида маъмурий ўлкаларга тақсимлади. Мил. авв. 518 йилга қелиб, аҳамонийлар Ҳинд водийсидан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

Геродот Ўрта Осиё халқлари ҳақида бундай хабар қиласиди: “Бақтрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 360 талант солиқ тўлаганлар. Бу — ўн иккинчи ўлка. (Бир талант 25, 92 кг. кумушдир).

Саклар ва каспийлар 250 талант тўлаганлар. Бу — ўн биринчи ўлка. Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва

арийлар 300 талант тұлаганлар. Бу — ўн олтинчи ўлка".

Сатрапликларда бошқарув тизими. Ҳар бир маъмурый ўлка җокими (қадимги форс тилида - "хшатрапана", юончы - "сатрап") аҳамонийлар подшоси фармонига күра тайинланган.

Масалан, Бақтрияни идора қилған сатраплар Аҳамонийлар сулоласи вакиллари (мил.авв.522 йилдан бошлаб, мил.авв. 423 йилгача қадимги форс подшоларининг ўғиллари ва ака-укалари) бұлған.

Сатрап ўз ўлкасида вилоят, туман җокимлари ва қишлоқ оқсоқолларига таянған ҳолда бошқарувни амалга оширган. Унинг вазифалари сатрапликнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий юришлар пайтида ўлқадан марказға құшинлар юбориш, йиллик солиқларни белгиланган турларда ва миқдорда йиғиб олиб, марказий давлат ғазнасига етказиб беришдан иборат бұлған.

Сатрапликларнинг бошқарув ташкилотида турли мансаб ва лавозимлар мавжуд әди (девонхона бошлиғи, хазина болон, солиқ йиғувчи, суд ишларини юритувчи, хаттот-котиб, хұжалик ишлари бошлиғи). Сатрапларнинг фаолиятини назорат құлувчи шахс - "подшонинг күзлари ва қулоқлари" - айғоқчи, қадимги форс битикларида "таушака" деб аталған. У сатрапдан мустақил бұлиб; сатрапликларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва айнан сатрап фаолияти ахволи ҳақида подшога маълумот етказиб турған.

Үрта Осиё сатрапликлари муайян миқдорда белгиланған кумуш солиқлардан ташқари қишлоқ хұжалик, чорва ва ҳунармандчилік маҳсулотлари шаклида ҳам ўлпон тұлашга мажбур әдилар.

Эрондаги қадимги Персепол шаҳридаги Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларидаги бүртма расмларда турли халқларнинг ўлпон көлтириш манзараси тасвирланған. Бу расмлар қадимги Шарқ халқаларининг үзиге

көс қуроллари, кийим бошлари ва қиёфасини күрсатиб туради. Сұғдийлар етти кишидан иборат бұлиб, подшоға идишлар, газмол, номаълум ҳайвон териси ва икки үйни етаклаб келаёттан ҳолатда тасвиrlанган. Саклар үзүн чүкқили қалпоқларда тасвиrlаниб, кийим-кечакларни күтариб, отни етаклаб бормоқдалар. Бақтрия-икларнинг беш вакилининг идишларни ва туяни олиб бораётган, хоразмликларнинг дудама ханжар, ҳарбий болта, билагузук ва отни олиб келаёттан ҳолатлари тасвиrlанган.

Бу расмларда Сұғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва саклар үлкасидан бұлган солиқ тұловчиларнинг аҳамонийлар подшосига турли хил буюмлар (кулолчилик, тұқувчик, заргарлик, ҳарбий қуроллар), қадимги Шарқда машхур бұлган от ва туяларни олиб келаёттан ҳолатлари тасвиrlанган. Үндан ташқари қадимги форс ёзувларига күра, Ўрта Осиё вилоятларидан Эронга олтин ва қимматбақо тошлар – ложувард (лаъл), фируза олиб келінген. Суза шахрида топилған ёзувларда Доро I бундай ылғон қиласы: “Сузадаги саройни мен бино қылганимда уннинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинди... олтин Сард ва Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард Сұғдиёндан, фируза Хоразмдан...”.

Солиқ йиғилиши қишлоқ оқсоқоллари, туман ва вилюйт ҳокимлари зиммасига тушган. Солиқлар сатраплар саройи ғазна омборхоналарида тұпланған. Сатрап үлка миқёсидеги солиқларнинг йиғиб олиниши жараёнини назорат қылған. Сарой хазиначиси ва ҳисобчилари туман ва вилоятлардан етказиб берилған солиқлар турлари ва миқдори асосида иқтисодий-молиявий ҳисботлар тай-орлаганлар. Ушбу маълумотлар марказий давлат солиқ шыкылоти томонидан режалаштирилған муддатда, махсус алоқа тизими хизматчилари – чопарлар орқали форс подшоси қароргохига жүнатылған.

Сатрапликлар хазинасидан маълум миқдорда айнан сатрапнинг хонадонлари, мансабдорлар ва ҳарбийлар маош сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган (ун, чорва, ёғ, сабзавот, шароб, пиво ва бошқалар).

Забт этилган худудларни идора қилиш мақсадида, подшо буйруқларини жойларга ўз вақтида етказиш ва сатрапликлардан турли матълумотларни тезкор олиш учун, аҳамонийлар давлатида маҳсус алоқа хизмати ташкил қилинган эди.

Ўрта ер денгизи бўйидаги Кичик Осиёда Эфес шахридан бошланган “Шоҳ йўли” қадимги Форс давлати пойтахтларидан бири – Суза билан боғланган (масофаси 2470 км). Ушбу йўлиниг шарқий тармоқлари Бақтрия орқали Сүғдиёна ва Ҳиндистонгача давом этган.

“Шоҳ йўлида” хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбий истеҳкомлар ва маҳсус масканлар қошида озиқ-овқат омборхоналари барпо этилган эди. Ҳар бир 30 км масофада чопарлар учун дам олиш ва отларни алмаштиришга имкон яратилган. Хизмат сафарида давлат ишлирини амалга оширувчи мансабдорлар (ҳисобчилар, ҳарбийлар, текшириш ва назорат хизмати вакиллари) ушбу йўлда жойлашган омборхоналардан озуқа билан таъминланган.

Қадимги юнон тарихшуноси Ктесийнинг хабарига кура, Бақтра шахридан давлат пойтахти Сузага отланган амалдор ўз хизмат сафари даврида ҳар куни 1-1,5 кг ун, 1 литр шароб ёки пиво ҳамда маълум миқдорда гўшт билан бепул таъминланган.

Македониялик Александр давлати. Мил. авв. 334-330 йилларда македониялик Александрнинг (Шарқда-Искандар Зулқарнайн, Искандар Румий) ҳарбий юришлари натижасида, юнон-македон қўшинлари Кичик Осиё, Миср, Иккидарё оралиги ва Эрон худудларини зафт эта-дилар. Юнон-македон қўшинлари Окс-Амударёдан ке-

шиб ўтиб, Сүгдиёна ва Яксарт-Сирдарёга яқин жойлашған Уструшона вилоятига ҳужум қиласылар. Мил. авв. 329-328 йилда Бақтрия ва Сүгдиёнада Спитамен бошчилигидә юонон-македонларга қарши кураш бошланади. Александр құзғолонни тор-мор қиласылар да Бақтрия, Сүгдиёна ҳамда Уструшонанинг бир қисмини истило қилиб, мил. авв. 327 йилда Хиндистонга ҳужум бошлайды. Хоризм, Чоч (Тошкент воҳаси), Фарғона ва саклар юрти мустақил бўлиб қолади. Сүгдиёна, Бақтрия, Марғиёна ва Парфия македониялик Александрнинг давлатига қўшилиб, кейинчалик уларнинг тупроғида айрим юонон-македон давлатлари вужудга келади.

Шарқда Александрнинг бошқарув фаолияти дастлаб Юонистоннинг айрим демократик анъаналарига (ҳарбий йўлбошчилар кенгаши, қўшинлар йигини) асосланади. Қўшинлар йигинида суд ишлари кўриб чиқилған, жиноят ва жазо масалалари мухокама қилинган. Жиноят турлари ичида энг оғирлари - подшога қарши фитна, хиёнат, исёнга даъват ҳисобланиб, ушбу ҳаралатлар учун битта жазо - ўлим жазоси белгиланган. Қатл этиш қарори қўшинлар йигинида қабул қилинган. Юришлар тутаганидан сўнг, Александр Шарқда барпо этган шиги давлат ҳудудларида аҳамонийлардан мерос қолган идора-тартиб усулларини ўзгартиргмаган. Сатраплик институти ва солиқлар йигиб олиш тизими ўз аҳамиятини онклаб қолган.

Ўрга Осиёда, забт этилган вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш учун юонон-македон саркардалари билан бирги маҳаллий ҳокимлар ҳам жалб этилган. Ёзма манбадан маълумки, Александр даврида маҳаллий ахоли макилларидан Фратраферн — Гирканияда, Артабоз — Бақтрияда, Оксиарт ва Хориен — Сүгдиёна вилоятларида ҳокимлик қиласылар эди. Мил. авв. 325 йилда Оксиарт идорасига Паропамис - Хиндиқуш вилояти топширилди

(Александр Оксиартнинг қизи Равшана - Роксанага уйланган эди).

Мил. авв. 325-324 йилларда македонлар ярог-аслаҳалири билан қуролланган маҳаллий аҳоли қўшинлари юон-македонлар армияси сафига жалб этилади. Александр маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан мақсадли сиёсат олиб борган. Мил. авв. 324 йилда Суза шахрида ўн мингта юон-македон аскарлари маҳаллий аёлларга уйланади. Александр ва саркарда Гефестион Доро III нинг қизларига ҳамда саркарда Салавка Спитаменнинг қизи Апамага уйланадилар.

Бундай ёндашув аниқ сиёсий мақсад - янги давлатчилик барпо этиш гояси билан боғланган эди. Бу давлат нафақат турли халқларнинг сиёсий бирлашмаси бўлмай, балки унинг келажакда македонлар ва Шарқ зодагонлари қон-қариндошлик ворислигига таянган давлатга айланиши режалаштирилган эди.


Ёзма манбаларга кўра, Александр фантастик гояга эга бўлган: ҳар бир инсон нафақат ўзи таваллуд топган ва авайлаб-асраган юрти, балки бутун жаҳон - инсонлар замини - ойкумена, унинг ватани деган туйғуси билан яшаш лозим эди. Шунда барча инсонларнинг дунёқарашлари, турмуш-тарзи ва урф-одатлари бир-бирига қўшилиб янги асосларда ривожланиши назарда тутилган. Қадимги юон муаллифи Плутархнинг айтишича, ушбу қарашлар барча инсонларни ягона халқ сифатида умумий қонунга риоя қилган ҳолда, ягона давлатда бирлаштириш мақсади билан боғланган. Улар “барча учун ягона бўлган қуёш нурлари сингари ягона адолатта интиларди”.

Кўплаб халқлар ва мамлакатларни бирлаштириб ягона давлат тузиш гояси, инсонларни умумий онг ва ягона тафаккурга бўйсундириш гояси янгилик эмас эди. Бун-

ай мақсадни қадимги форс подшолари ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар, шу туфайли мил. авв. 490 йилда юон-форс урушлари бошланган.


Александрининг ҳарбий юришлари Шарқ ва Фарб ўртасидаги кенг савдо-сотиқ ва маданий алоқаларининг ривожланишига олиб келди. Сиёсий ва ижтимоий-иктисодий вазиятнинг ўзгариши натижасида маҳаллий ҳамда юон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу мираннинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчилик, кулолчилик ва тасвирий санъат, янги ёзувларнинг тарқалиши, тангашуносликда ҳамда диний эътиқодларда қўриш мумкин. Юонлар Қадимги Шарқнинг жуда кўп маданий ютуқларини қабул қиласидар ва ўз навбатида маҳаллий аҳоли маданиятига ҳам таъсир кўрсатдилар. Шу даврдан бошлиб, бир неча асрлар давомида, Шарқнинг сиёсий тарихи (давлат тизими, бошқарув усуллари, қонунлар ва укус) да турли анъаналарнинг синтезини, яъни қўшилиб ривож топишини кузатиш мумкин.

Үрта Осиё вилоятлари аҳамонийлар давлати таркибида



*Бир талант 25,92 кг кумушдир.

Осиёда Александринг бошқарув фаолияти асослари



Салавкийлар давлати. Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари натижасида Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Миср, Эрон, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган ҳудудда улкан давлатга асос солинади. Александр бу давлатнинг пойтахти қилиб Бобил шаҳрини эълон қиласди. Аммо унинг вафотидан сўнг (милавв. 323 йил) бу иирик давлат парчалана бошлади.

Милоддан аввалги 312 йилда, таҳт учун бўлган тўхтосиз курашлар натижасида давлатнинг шарқий қисми (Кичик Осиё, Сурғон, Эрон ва Ўрта Осиё) саркарда Салавка ҳукмронлигига ўтади. Салавкийлар ҳокимиияти Шарқдаги ҳарбий манзилгоҳларда жойлашган юон-македон ва македонлар ярог-аслаҳалари билан қуролланган маҳаллий халқлар вакилларининг ҳарбий кучларига таянган эди. Умуман олганда, юон-македон ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Шарқда кўплаб ҳарбий таянч нуқталарини барпо этиш Александр даврида бошлиланган. Жумладан, юон тарихчиларининг маълумотларига кўра, Александр Ўрта Осиёда 8-12 тача шаҳарга асос соглан (Оксдаги Александрия, Александрия Эсхата, Марғиёнадаги Александрия ва ҳоказо). Уларнинг баъзи бирлари Сўғдиёна ва Бақтрияда вайрон қилинган шаҳарларнинг ўрнига қурилгани учун ҳарбий истеҳкомлар сифатида пойдевор тоши қўйилган. Шу шаҳарлардаги юон-македонларнинг отлиқ ва пиёда қўшинлари қўриқчи вазифаларини бажарган.

Салавкийлар давлати яхлит бир халқ ёки элатлардан иборат бўлмай, мазкур давлат турли этник гурӯҳларни ҳарбий йўл билан бирлаштириш орқали вужудга келган эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, бу давлат бошқарувида катта аҳамият касб этган. Аҳамонийлар давридаги сингари салавкийлар давлатида ҳам кўпгина давлат ишларини олиб борувчи девонхона

мавжуд бўлган. Айрим манбалар салавкийлар саройидаги хат-хужжат ишларининг бошлиғи лавозими ҳақида маълумотлар беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, салавкийлар давлатида анчагина мураккаб солиқ тартиби жорий қилинган бўлиб, салавкийлар ҳукмдорлари ўзларигача мавжуд бўлган солиқ тартибини ўзлаштирган ҳолда, унга бирмунча ўзгартиришлар киритишга муваффақ бўлган. Деҳқонлардан ер солигини йигиб олиш сатрап ҳокимларининг вазифаси эди. Бу солиқларнинг миқдори аниқ белгиланган бўлиб, вилоятлардан келадиган солиқларнинг умумий миқдори қишлоқ жамоаларидан тушадиган солиқларга боғлиқ бўлган.

Милоддан аввалги 293 йилда давлатнинг шарқий вилонтиларига Салавка ва Спитамен қизи Апаманинг ўғли Антиох ҳоким вазифасини бажарувчи бўлиб тайинланади. Она авлоди томонидан Антиох учун Ўрта Осиё отавоболари юрти бўлган.

Унинг ҳоким лавозимига тайинланишида ҳам ушбу приндошлий ҳисобга олинган. Демак, салавкийлар даври бошқарув тизимига хос асосий хусусиятлардан бирни давлатдаги ҳукмрон шахс вакиллари юон-македон ва маҳаллий зодагонларнинг наслий томондан аради бўлиши лозимлигидир.

Антиох кўпдан-кўп салавкийларга қарши қўзголонларни бостиришга, янги истеҳкомларни қуришга, отаси шахсан ўзининг номидан танга пулларни зарб этишга бошқа давлат ишларини бажаришга мажбур булади. Ниҳоят милоддан аввалги 280 йилда Салавканинг улимидан сўнг Антиох иирик давлатнинг подшоси бўлиб, 20 йил давомида ҳукмронлик қиласди.

Юон-Бақтрия давлати. Салавкийлар давлатида таҳтни эгаллаш учун ўзаро кураш авж олади. Милоддан ав-

валги III асрнинг ўрталарида салавкийлар давлатидан Бақтрия ажралиб чиқади. Юонон муаллифининг маълумотларига кўра: “Диодот, бақтрияликларнинг минг шашарлари ҳокими ўзини подшо деб эълон қиласди”. Шундай қилиб, Юонон-Бақтрия давлатининг тарихи бошланади. Бу давлатга салавкийлардан мустақил бўлган яна бир давлат - Парфия рақобат қилиб, кейинчалик у қудратли Рим империясига қарши кураш олиб боради.

Юонон-Бақтрия давлатининг гуллаб-яшнаган даври милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Юонон-Бақтрияянинг маркази Бақтра шахри эди. Давлат бир неча дехқончилик вилоят ва туманларини ўз ичига олган. Юонон-Бақтрия давлати марказлашган бўлиб, вилоят ва туман ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Подшо юонон-македон авлодларида (Диодот, Евтидем, Деметрий, Евкратид бўлган.

Юонон-Бақтрия давлат тузуми македониялик Александр даврида жорий этилган сиёсий анъаналарга асосланган. Подшо фаолияти ҳарбий кучларга ва вилоятлар ҳокимларига таянган эди. Мухим савдо йўллари бўйида ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жойларда таянч истеҳкомлар ва қалъа-паноҳгоҳлар курилган.

Милоддан аввалги III-II асрларда турли давлатлар ўртасидаги низолар ва урушларга қарамай, шу даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётида босқичма-босқич ривожланиш жараёнларини кузатиш мумкин (қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва шаҳарларнинг ривожланиш борасида).

Кушон давлати. Милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида Юонон-Бақтрия давлати тинимсиз урушлар олиб боришга мажбур бўлиб, ҳарбий-сиёсий қудратини йўқота бошлайди. Бундан фойдаланган юэчжи қабилалари

милоддан аввалги 140-130 йилларда Юнон-Бақтрия подшолигини босиб оладилар.

Милоддан аввалги I асрда юәчжи қабилалари уюшмасида Гуйшун (Күшон) ҳокимлиги анча кучайди. Олимлар фикрига кўра, дастлаб гуйшун қабиласи Сурхон воҳасида жойлашган ва уларнинг пойтахти Далварзин шаҳри (Шўрчи тумани) бўлган. Подшо Кужула Кадфиз даврида Күшон ҳокимлиги ҳудуди анча кенгайиб, давлат таркибига Жанубий Тожикистон, Афғонистон ва Кашмир ерлари қўшиб олинган.

Күшон подшолари ичида энг машҳури Канишка даври бўлиб, бу даврда(I-II асрлар) давлат улкан салтанатга айланди. Күшон подшолиги Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ҳудудларини ўз ичига олган. Канишка замонида пойтахт Пешоворга кўчирилади. Қадимги дунё тарихида машҳур бўлган Рим, Парфия, Хитой давлатлари каби Күшон подшолиги ҳам йирик қудратли давлатлардан бирига айланди. Хитой муаллифи Сюань Цзяннинг ёзишича, Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шуҳрати қўшни мамлакатларга ёйилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми (Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона воҳалари) Күшон давлати таркибига кирмаган. Ушбу ҳудудларда бошқа маҳаллий давлатлар ривожланиб, күшон маданиятига хос анъаналар деярли гарқалмаган. Бундан тапқари, Күшон давлатининг шимолий чегаралари Кўхитоф, Бойсун ва Ҳисор тоғлари орқали ўтгани ҳақида Бойсун туманидаги Дарбанд атрофидаги топиб текширилган йирик, мустаҳкам мудофаа деворлари далолат беради. Улар ҳарбий таянч нуқта сифатида давлат чегараларида барпо этилган.

Күшонлар сулоласи ёзма манбалар асосида ва таншунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Күшонлар

даврида чиқарилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон-Бақтрияning сўнгти подшоси Гермей тасвири, иккинчи томонида эса “кушонлар ёғбуси Кужула Қадфиз” деган сўзлар бор. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини “подшо”, “шоҳ” тушунчалари билан боғламаганлар. Аммо Кушон давлати ҳудудининг кенгайиши ва сиёсий-ҳарбий аҳамиятининг ўсиб бориши билан бирга танга пулларда “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи” атамаси кўпдан-кўп учрайди. Бундай ўзгаришлар давлатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганини изоҳлайди.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлатни бошқарув анъаналарини сақлаб қолди ва давом эттириди. Мальум вилоятлар ва шаҳарлар давлат тепасида турувчи олий ҳукмдор ноиблари томонидан бошқарилар эди. Бундай ноиблар подшо томонидан тайинланиб, унинг энг яқин ва ишончли вакиллари ҳисобланган. Улар олий ҳукмдорга сўзсиз итоат этиб, доимий равишда давлат хазинасига ўлпонлар тўлаб турганлар. Кушонлар даврида маҳаллий аҳолидан йигиладиган солик тартиби ҳақидаги маълумотлар бизгача сақланмаган бўлса-да, бундай тартиб мавжуд бўлганлиги аниқ.

Кушон подшолиги иқтисодиётининг асосини сугорма дехқончилик, савдо ва ҳунармандчилик ташкил қилган. Ҳунармандчилик турли касблардан иборат бўлган: кулоччилик, ҳарбий қуроллар ясаш, заргарлик, темирчилик, тўқувчилик.

Канишка даврида Хиндистондан тарқалган Будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юононлар ёзувлари асосида кушон ёзуви вужудга келган.

Кушон давлатининг инқирозга учраши Юнон-Бақтрия ва Рим салтанати тарихий тақдирига анча ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг барчаси қулаш арафасида тинимсиз урушлар олиб боришга мажбур бўлганлар. IV

верга келиб Күшон подшолиги асосий ҳудудларидан маҳрум бўлди. Күшонларнинг айрим мулклари фақат Шимолий Хиндистондагина сақланди.

Ўзбекистонда қадимги маҳаллий давлатчилик тарихи Қанғ, Давои ва Хоразм давлатлари ривожи билан уз-зий боғланади.

Қанғ давлати милоддан аввалги III асрнинг бошларида пайдо бўлган. Дастреб унинг ҳудудий асосини Тошкент воҳаси ташкил этган. Қанғ давлатининг ташкил топиш сабабларидан бири ташқи ҳарбий хуҷумлардан Ҳимояланиш зарурати бўлган. Бу жараён юнон-македон қуқмронлигига қарши курашлар давридан бошланган. Манътумки, милоддан аввалги 329 йилда Александр Қўшинлари ҳозирги Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтадилар ва маҳаллий аҳоли қўшинларига қужум қиласидилар. Қаттиқ жангдан сўнг Александр ортга қайтиб, Сирдарё бўйида Александрия Эсхата (узоқдаги Александрия) шахрига асос солади.

Маҳаллий аҳоли томонидан Александрнинг ҳарбий қиракатларига билдирилган муносабатлари ҳақида тарихшунос Курций Руф бундай ёзади: “Танаис (Сирдарё) ортидаги скифлар (саклар) давлатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида солинган шаҳарни қуллик бўйинтуруғи бўлишини сезиб, уни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғофидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлиқ қўшинга йўлбошли тайинлаб ўз акасини юборади”.

Милоддан аввалги II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди анча кенгайиб, Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қўйи иккимидаги ерларни ўз ичига олади. Қанғ давлатининг иккита пойтахти бўлган – Қанғдиз (Оққўргон тумани) ва ғарор. Қанғ ҳукмдорлари уларнинг бирида ёзни, иккинчида эса қишлоғни ўтказар эдилар.

Давлат аҳолисининг асосий қисмини ўтрок (дехқонлар), ярим ўтрок ва кўчманчи чорвадорлар ташкил қиласидилар. Бундай вазият Қангнинг табиий шароити ва аҳолисининг машғулотлари билан бөгланган. Ўтрок аҳоли шаҳарлар ва уларнинг атрофилари даги водийларда яшаб хунармандчилик ва дехқончилик билан шуғулланганлар. Даёт туманларида чорвачилик ривожланган.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида оз ўрганилган масалалардан бири Давон давлати тарихидир. Бу давлат шу ном билан Хитой манбаларида тилга олинади (бошқа манбаларда “Паркан”, дейилган). Давон давлати таҳминан милоддан аввалги III асрда пайдо бўлган. Давон давлатини тадқиқотчилар қадимги Фарғона деб ҳисоблайдилар. Ёзма манбаларга кўра, “Давон диёрида 70га яқин катта-кичик шаҳар бўлган, аҳолисининг сони бир неча юз мингга етади”. Тадқиқотларга кўра, қадимги Фарғонада 300 минг аҳоли яшаган. Шаҳарларнинг ичида давлат пойтхати ҳисобланган Эрши шахри алоҳида аҳамият касб этган. Милоддан аввалги 104-101 йилларда Хитой қўшинлари Давонга юришлар қилиб Эрши шахрини қамал қиласидилар. Шу пайтда Қанг давлати қўшинлари ёрдамга келиб, хитойликларга қарши курашда фаол қатнашдилар. Хитой лашкарлари сулҳга рози бўлиб, Давонни ташлаб чиқадилар.

Қадимшуносларнинг тадқиқотлари натижасида Фарғонада кўп сонли уй-қўргонлар, қишлоқ ва шаҳар ҳаробалари топилиб ўрганилган. Улар айрим ҳосилдор дехқончилик туманларида жойлашган. Давон давлатининг аҳолиси дехқончилик билан шуғулланган.

Қадимги Фарғона ўзининг “самовий” отлар зоти билан машҳур бўлган. Ёзма манбалар Хитой императорининг Давонга бостириб кириши сабабини шундай очиб беради: “Давон давлатининг Эрши шахрида гаройиб от-

тар мавжудлиги ҳақида саройга хабар келди. Императорининг “самовий” отларга иштиёқи ортди”.

Давон давлати Хитой, Хиндистон ва бошқа Шарқ мимлакатлари билан бўлган халқаро савдода муҳим ўрин тутган.

Милоддан аввалги IV-Ш-П асрларда Қадимги Хоразм мустақил давлат бўлиб, Александр, салавкийлар юнон-Бактрия давлатлари таркибиға кирмаган. Бу кол Хоразмда ўзига хос маҳаллий давлатчилик тизими ишоюжига муҳим омил бўлди. Александр даврида Хоразмда Фарасмон исмли подшо ҳокимлик қилган.

Юнон тарихшуноси Арриан бундай хабар қиласиди: “Александрия олдига бир ярим минг чавандозларга публишчи бўлиб хоразмликларнинг подшоси Фарасмон тиб келади. У колхлар ва амazonка қабилаларига қўшини бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, Александрининг амazonкалар, колхлар ва Эвиксин денгизидаги (Кора тигиз) қабилаларни истило қилиш истаги бўлса, йўл турсатувчи бўлишга ва қўшинларининг юриши учун барча шарт-шароитлар яратиб беришга хайриҳоҳ эканни билдиради”,

Археологик тадқиқотлар натижасида қадимги Хоразм таддаридан кўплаб ёдгорликлар топилган.

Шулардан бири Тупроққалъадир. Кўҳна шаҳар тўғри турчакли бўлиб, хом фиштдан тикланган қалин девор билан ўралган. Деворларда шинаклар ҳамда буржлар таржуда.


Кўҳна шаҳарнинг асосий ишооти улкан калъа бўлиб, Хоразм ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. Тупроққалъада икки қаватли, турли мақсадларда фойдаланилган хоналардан тапкари маҳсус қабулхоналар, яъни шоҳлар кошонаси” ҳам очилган. Бу қабулхонадан Хоразм подшолари, шаҳзодалар, йирик зодагонлар ва хуторлар сиймоси акс эттирилган турли ҳайкаллар топилган.

тан. Қабулхонанинг деворлари ва супалари турли тас вирлар билан безатилган. Шунингдек, Тупроққалъад Хоразм подшоларининг архивларидан ёзув намуналар ҳам топилган.


Милоднинг дастлабки асрларида Хоразмда кумуш вамис тангалар зарб қилина бошланган. Ушбу танга пулларда хоразмшоҳлар исмлари (Артов, Артомух, Ваза мар) учрайди.

Хоразмда Ўрта Осиёning энг қадимги ёзувлари тоғилган. Улар оромий ёзуви асосида бўлиб, милоддан аввалги V-IV асрларга оид сопол сиртидаги чизилган маҳаллий ёзув намуналариридир. Ушбу ёзувлар Ойбуйир қалъа ва Кўйқирилганқалъада топилган.

Македониялик Александр давлатининг қулаши ва Үрта Осиёда янги давлатларнинг ташкил топиши



Қанғ давлатининг идора-тартиб усули



1.4. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача)

Эфталийлар давлати. Сиёсий тарих. Ёзма манбалининг хабар беришича, 457 йили (уша даврларда Токаристон деб аталган) Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари эфталийлар шохи Вахшунвар томонидан бўйсундирилади. Эфталийлар 467-480-йиллар оралиғида Сўғдни әгаллайди. VI аср бошларида улар Шарқий Туркистонни босиб олади ҳамда шу тариқа улак давлатга асос солади.

Эфталийлар ягона подшо бошқарувига эга бўлишган. Оилавий муносабатлари таҳлили уларда патриархал тартибига хос жиҳатлар ривож топганлигини кўрсатади. Патриархал бошқарув тартибига хос айрим жиҳатлар қуйидаги мисолларда кўзга ташланади: “Улар орасидан энг бой кишилар таҳминан йигирма ва ундан ортиқ кишини ўларига шерик қилиб оладилар; дўстлар ҳар доим у билан бирга тушлик қиласидилар, унга тегишли неъматлардан умумий ҳуқуқлари борлиги сабабли баб-баравар фойдаланадилар. Дўст ва шерик орттирган шахс ўлимидан кейин, қонунга кўра, тобутга унинг дўстлари тириклийин бирга қўйилиши шарт бўлган” (Прокопий Кесарийский).

Эфталийларнинг ҳарбий қўшинлари жуда катта кучли эга эди. Аскарлари қўлида ҳарбий қурол-яроғлардан турзи, ўқ-ёй ва асосийси қилич муҳим ўрин тутган. Муҳорабалар пайтида уларнинг отлиқ бўлинмалари етакчилик қиласидилар.

Милодий V асрда сосонийлар ва эфталийлар давлати ўртасидаги ҳарбий тўқнашувларда эфталийлар қўшиннинг устун келиши улар ҳарбий маҳоратининг юқори шражада эканлигидан далолат беради. Фирдавсийнинг

“Шоҳнома” асарида Вахшунвор ва Пероз (Феруз) даври воқеалари ҳам ўз аксини топган. Эфталийларнинг подшоси Катулф “Шоҳнома”да шу ҳалқнинг Гатфар номли подшосига ўхшатилган. Гатфар туркийларга қарши кураш олиб борган шахс сифатида Фирдавсий асарида гавдаланган.

Эфталийлар давлати йирик ҳудудни қамраб олган эди. Ўрта Осиёning асосий қисми, Шарқий Туркистон тўлиқ равишда ва Шимолий Ҳиндистоннинг айрим қисмлари ҳамда Гандхара бу давлат таркибида кирган.

Эфталийлар давлатининг ҳудудига, асосан, Сўғдиёна шаҳарлари кирган бўлиб, бу вақтда уларнинг аҳамияти ошганлигини кўришимиз мумкин. Кушония (Каттақўргон яқинида), Ривдад, Пойканд, Талликон, Варахша каби шаҳарлар эфталийлар ҳукмронлиги даврида ривож топган эди. Эфталийлар давлатининг сиёсий маркази Пойканд шаҳри, давлат бошлиқларининг қароргоҳи эса Варахшадаги сарой бўлганлиги тахмин қилинади.

Эфталийлар йирик давлат тизимини вужудга келтиридилар. Улар Эроннинг сосонийлар давлатига, унинг ҳарбий ҳаракатларига қарши тура олдилар. Сосонийларнинг шарққа юришлари эфталийлар қаршилиги туфайли тўхтатилди. Улар Эрон подшоҳларининг ички сиёсатига ҳам аралашиб турдилар, ҳатто шоҳлардан қайси бирини сайлаш ва тайинлаш масаласини ҳал қилиш ҳам уларнинг қўлида эди. Эрон давлати ҳар йили эфталийларга ўлпон тўлаб турган.

Эфталийларнинг тарих саҳнасида кўзга ташланиши 453-454 ва 457 йиллардаги воқеалар билан боғланган. Эфталийлар уларга ҳужум қилган Яздигерд II қўшинини тор-мор келтириб, Эрон мамлакатининг ичкарисида ҳам талон-тарож юришларини амалга оширганлар.

457 йилда эфталий подшоси Вахшунвар Бадаҳшонни ўзига бўйсундирган.

156 йилда эфталийлар томонидан Хитойга дастлабки
річишлар келган.

Эрон подшоси Пероз эфталийлар давлатининг хужумини олдини олиш мақсадида уларга қарши ҳарбий ҳаралатлар бошлаб юборган, бироқ муваффакиятга эриша олмаган. Жанг чогида сосонийлар ҳукмдори асирга тушиб қолади ва Византия императори Зенонга ўз жонини ҳалос қилиниши учун ёрдам сўраб мурожаат қиласиди. Византия ҳукмдори товон тўлаб, уни қутқариб қолади. Асирикдан қутулганидан сўнг Пероз эфталийларга яна қарши чиқиб, иккинчи маротаба мағлубиятга учрайди. Сосонийлар кўшинлари бу гал қопқон ўрага тушиб қоладилар ва аскарларнинг кўпчилиги бу ерда ҳалок бўлади. Мазкур мағлубият натижасида Хуросон худуди тўликравишида эфталийлар қўл остига тушиб қолади. Энди Пероз олдингидан ҳам кўпроқ товон тўлаш мажбуриятини ўз бўйнига олади. Шу тариқа Пероз кетма-кет мағлубиятларга учраб, Эронни эфталийлар қўли остидаги давлатта айлантирган эди.

Византия ёрдамидаги учинчи, 484 йили сүнгги юришида Пероз үз ҳарбий қыслари билан улар учун махсус тайёрланган бури үраларига тушиб ҳалок бұладилар. Содир бўлган мазкур воқеа натижасида Эрон халқи елкасига эса катта микдорда ўлпон тұлаш мажбурияти юқлатилиди.

Ижтимоий-иктисодий тузум. Эфталийлар давлатида аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан машғул бўлган, қолгани эса кўчманчи чорвачилик билан ҳаёт кечирган. Эфталийларнинг кўпчилиги маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқ ҳаёт тарзига ўтган, шаҳар қабиласи ёки шаҳарликларга хос яшашга мослашганлар. Эфталийларнинг кўчманчи аҳолиси эса кигиз ўтовларга, кенг яйловлар ва сувга бой ерларга эга бўлишган.

Жамиятда зодагонларнинг мавқеи бошқаларга нисбатан устун хисобланган. Эфталийлар давлатида — эфталийларнинг юқори табақа вакиллари ер-мулк ва қўргонларнинг соҳиблари эди. Чунки ўша вақтда шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутган, ҳунармандчиликда эса таназзул ҳукм сурган. Эфталий зодагонларининг қарийб барчаси шаҳарларга кўчиб келиб яшай бошлаган. Бой-бадавлат кишилар вафотидан сўнг тошдан ясалган қабрлар - дахмаларга дафн этилган.

Эфталийларда кушон ёзувининг ривож топган шаклини кўриш мумкин. Мазкур ёзув курсивлиги билан бошқа ёзувлардан фарқ қилиб турган. Алифбосида ҳарфларнинг сони 25 та бўлиб, сўзлар эса чапдан ўнгга қараб ўқилган.

Турк ҳоқонлиги. VI асрнинг ўрталарига келиб Олтой ва Жанубий Сибир ҳудудларида Турк ҳоқонлиги пайдо бўлади. 553-555 йилларда саркарда Истеми Шарқий Туркистон ва Еттисув ҳудудларини босиб олади. VI асрнинг ўрталарига келиб эфталийлар давлати таназзулга учрай бошлаган. Турк ҳоқонлигининг эфталийлар устидан қозонган галабаси (563-567 йиллар)дан сўнг Ўрта Осиёда ҳоқонлик ҳокимияти ўрнатилди.

VI асрнинг 60-70 йилларида Ўзбекистон ҳудудида бир нечта алоҳида мулклар бўлиб, улар расман турк ҳоқонига бўйсунар эди. Хитой манбаларида Самарқанд Сўғди Кан деган номда юритилган ва уни маҳаллий сулола вакили бошқариб турганлиги баён қилинади. Умуман, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё дарёларининг ҳавзасида тўққизта алоҳида мулкий ҳудуд мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири шаҳар ва деҳқончилик туманларига эга бўлган. Тарихий манбаларда алоҳида мулклар Кан сулласига итоатда бўлганлиги хусусида сўз боради. Ҳар бир маъмурий бирликнинг ўз номи бўлиб, улар қуйидаги-

лардир: Маймурғ, Иштихон, Кушания, Бухоро, Нахшаб, Амул, Андхой ва Самарқанд (Қан). Самарқанднинг ҳокими юқоридаги 9 та мулк орасида каттаси саналган. Бошқалари куч-қудрат жиҳатидан юксак бўлган Самарқанд ҳокими билан ҳисоблашиб муомалада бўлган. Ҳатто айрим давлат бошлиқлари у билан қуда-андачилик муносабатларини ҳам ўрнатган. Бухоро вилояти ҳокимлари Самарқанд ҳукмдорлари билан қон-қариндош булиб, улар умумий аждод тарафидан бир-бирлари билан чамбарчас боғланган эди.

VII асрнинг биринчи чорагида Кеш вилояти кучайиб, давлатнинг пойтахти ҳозирги Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри булиб қолган. Манбаларга кўра, унинг ҳокими Тиш деган шахс булиб, бу даврда мазкур давлат бошлиғи қудратли ҳукмдорга айланади. VII асрнинг ўрталарида эса Кеш ҳукмдори - Шишпир бутун Сўғднинг ҳукмдори сифатида тан олинган. У ўз номидан тангалар зарб эттирган, бошқа давлатларга эса расмий элчиларни юбориб турган. Жумладан, у Хитой давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Кейинроқ, тахминан VII асрнинг иккинчи ярмида - Ахурпат ҳукмронлик қилган даврда, Кеш ва Самарқанд ўртасидаги қаттиқ курашлар оқибатида Самарқанд сиёсий жиҳатдан ҳукмронликни ўз қўлига қайтариб олишга эришади. Унинг ҳукмдори Кеш ҳокимини таҳтдан ағдариб ташлаб, ўрнига ўз вакилини ўтқазади. Эндиликда Кеш ҳукмдори Самарқанд ҳокимига меросий равишда тобе булиб қолди.

Сўғдиёнанинг маҳаллий ҳокимлари Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳукмдорлари билан бирлашган эдилар. Йирик сиёсий бирликлар маълум муддатларда шаҳарлардан бирида ўз қурултойларини ўтказиб турганлар.

Хоразм бошқа шаҳар-давлатларга нисбатан анча мустақил эди. Мамлакатни афригийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган. Хоразмликлар бошқа дав-

латлар, хусусан, Шарқий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ муносабатларида бўлишган.

Фарона Кан сиёсий иттифоқига кирмаган булиб, у алоҳида давлат эди.

Ижтимоий-иктисодий тузум. VI-VII асрларда юртимиз худудида юз берган ижтимоий-иктисодий жараёнлар археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганиб чиқилган. Ушбу илмий тадқиқотлар натижаларига суюнган ҳолда уша даврларда Сўғдиёна, Хоразм, Чоч ва Фарона ҳамда мазкур тарихий-географик худудларга қарашли мулкларда дехқончилик, боғдорчилик, айниқса, узумчилик, пахта етиштириш ва уй чорвачилиги ривож топганигини англаш мумкин. Иктисодий ҳаётнинг муҳим жиҳатларидан бири саналган савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ҳам уша даврларда гуллаб-яшнади.

Сўғдда ипак толаси етиштирилган. Пахта, жун ва ипак толасини қайта ишлаш заминида мато ишлаб чиқариш анча ривожланган эди.

Сўғд, Чоч, Фарона тоғларида олтин, мис, темир, қалайи, кумуш сингари рангли металларнинг конлари талайгина бўлган. Кеш тоғларидан қизил туз, Илоқдан кумуш ва қалайи, Маймурғдан латун, олтин қазиб чиқариларди. Мазкур маҳсулотларнинг зарур қисми ички эҳтиёжлар учун бўлса, қолгани экспорт сифатида чиқариб турилган.

Турк хоқонлигига савдо-сотиқни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилган. Сўғдийлар, чочликлар ва фароналиклар Буюк ипак йўлининг шарқий тармоғида қизғин фаолиятни йўлга қўйдилар. Сўғдийлар Еттисув ва Шарқий Туркистонда кўплаб савдо манзилгоҳ-маконларига асос солдилар. Бу ердан улар Дунхуан шаҳрига, сўнгра эса Мўгулистан ва Жанубий Сибир худудларигача етиб бордилар.

Ёзма манбалар V-VII асрларда Ўрта Осиё жамиятида зодагонлар, савдогарлар, ҳунармандлар, бинокорлар ва зироатчилар табақаларига бўлинганини кўрсатадилар.

Зодагонлар – “азата” (“озод”) “улуг” ва оддий дехқонларга бўлинган. Улар йирик ер эгалари бўлиб, кенг далалар ҳамда боғларга эгалик қилишган. Дехқонларнинг ихтиёрида ҳарбий бўлимлар бўлиб, улар “чокарлар” деб аталган.

Жамоатчи зироатчилар вакилларидан мулқдор бўлганилари “киштичкар” деган ном олган.

“Кашаварз” – жамоачи зироатчилар қатлами вакиллари дехқонлардан ижарага ерларни олиб, маълум даржада тўлов бериш эвазига иш юритганлар. “Чорикорлар” эса мардикорлик қилиш билан кун кечирганлар. Қуллар орасида асирикка тушган қуллар ва гаровдаги қуллар ажралиб турган.

Жамиятда диндор шахсларнинг аҳамияти улкан эди. Улар турли диний маросимлар ва удумларни адо этишида оммага раҳбарлик қилганлар. “Вағн”, яъни ибодатхона хўжалиги ҳам уларнинг қарамоғида бўлган.

Турк хоқонлиги худудларида турк-руний, уйғур, сўғд, брахма ва хоразмий ёзувлари мавжуд бўлган.

Шимолий Мўгулистан ва Жанубий Сибир худудларидағи Ўрхун, Селенга ва Энасой дарёлари воҳаларида топилиб, тадқиқ этилган тошга битилган Тўньюкуқ, Култигин, Билгахоқон, Куличур ва бошқа туркий ёзувлари — Ўрхун ёзувлари деб аталади.

Сўғд ёзувлари кенг худудларда тарқалган. Бу жараён сўғдларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг Буюк ипак йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ Шунинг учун ҳам сўғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Ўрта Осиё, Қозогистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўгулистан тупроғида топиб, текширилган.

Давлат бошқаруви. Туркийлар дастлаб Ўрта Осиё мулкларидан солиқ ва ўлпон олиш билан чегараланиб, маҳаллий бошқарув тизимини ўзgartиришга уринмадилар ва амалда ижтимоий-иқтисодий ҳаётта аралашмадилар.

Давлатнинг олий ҳукмдори — “хоқон” (“хон”) унвонига эга бўлган. Хоқоннинг ўринbosари, давлатдаги иккинчи шахс, бош саркарда — “баҳодир жабгу” (“ябгу”) деб юритилган. Ўрта Осиёда маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилувчи амалдор, хоқоннинг назоратчиси — “тудун” деб аталган.

Турк хоқонлиги конфедератив давлат бўлган. Ўз юртини ва давлатини туркийлар “эл” деб аташган. Биринчи турк хоқони Бумин “элхон” унвонига эга бўлган. VI асрнинг охирларига келиб Турк хоқонлиги шарқда Сариқ денгизидан бошлаб, гарбда Кора денгизнинг шимолий соҳилларигача чўзилган кенг ҳудудларни қамраб олган. Хоқонлик турли ўтрок дехқончилик ва кўчманчи чорвадор аҳоли истиқомат қилган вилоятларни бирлаштирган.

Кўплаб қабила ва элатларни бошқариб туриш, улардан солиқ ва ўлпонларни йигиб олиш мақсадида хоқонликда маҳсус маъмурий ва ҳарбий-сиёсий бошқарув тизими татбиқ этилган эди.

Хоқонликнинг ўтрок дехқончилик ҳудудларини маҳаллий ҳокимлар бошқариб турган. Кўчманчи чорвадорлар истиқомат қилган ҳудудлардаги бошқарув қабила-уруг ҳокимиятига асосланган. Ушбу тизимда оқсоқоллар, беклар ва ҳарбийлар йигини муҳим аҳамиятга эга бўлган. 568 йилда Турк хоқонлиги тўртта ҳарбий-маъмурий ўлкаларга (улусларга) бўлинган эди. 576 йилда улусларнинг сони икки баравар кўпайган. Бундай улуслар Шарқий Туркистон, Еттисув, Қуи Волга ва Урал дарёлари воҳаларида мавжуд бўлиб, уларни хоқон ноиблари

бошқариб турган (улар олий ҳукмдорларнинг ўғиллари ва ака-укалари бўлган).

Сўғд ва Фарғонада олий ҳукмдор - **ишид**, Тоҳарис-тонда - **маликшоҳ**, Хоразмда - **хоразмшоҳ**, айрим шаҳарлар ва вилоятлар ҳукмдорлари Кешда - **иҳрид**, Бухорода - **худот** деб юритиларди.

VII-VIII аср ёзма манбаларига кўра, Сўғддаги мулжалар девонини “**дапирпат**”, сарой хўжалигини эса “**фрамандор**” бошқарарди. Сарой амалдорлари ичидаги бошқоҳин, бош косагул, бош табиб, бош багбон ва солик йигувчилар ҳам қайд қилинган.


Қишлоқ жамоаларининг ишлаб чиқариш муносабатларини ва ижтимоий ҳаётини “**кадхудо**” - қишлоқ оқсоқоли бошқариб турган.

Деҳқончилик вилоятларининг маҳаллий ҳукмдорлари ўз қароргоҳлари, ҳарбий қўшинлари, сарой хўжаликлари ва девонларига эга бўлиб, маълум даражада мустақилликдан фойдаланган, ўз номидан тангаларни зарб этган ва ўз ташқи сиёсатини юритишган.

Ёзма манбаларда шу даврлар ҳуқуқий муносабатлари ҳақида айрим маълумотлар сакланган, масалан, никоҳ шартномаси, ер харид қилиш ва тегирмонни ижарага олиш ҳақидаги ҳужжатлар.

600-603 йиллар оралиғида хоқонликда унинг иккисига - Фарбий ва Шарқий турк хоқонликларига бўлинишини бошлаб берган ўзаро ички урушлар авж олиб кетади. Ўзбекистон ҳудудлари Фарбий турк хоқонлиги таркибига киради. VIII аср ўрталарига келиб, араблар Ўрта Осиёнинг кўпчилик вилоятларини босиб олганларидан сўнг Фарбий турк хоқонлиги барҳам топади.

VI-VII асрларда бошқарув тартиби



II БОБ. РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДА ДАВЛАТЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ

2.1. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши. Мовароуннахрда бошқарув

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар. VII асрнинг биринчи примида Арабистон ярим оролида яшовчи араблар ислом мағқураси байробги остида муваффакиятли ҳарбий юришлар қилиб, қисқа тарихий фурсатда Осиё қитъасининг катта қисмини, Шимолий Африка ва Жануби-Фарбий Европанинг катта қисмини ўз ичига олган қудратли давлатга асос солдилар. Тұртқынчи ҳалифа Али үлдирилгандан сұнг ҳокимият уммавийлар сулоласи қулига ўтди ва уларнинг ҳукмронлиги 661-749 йилларни ўз ичига олади.

Яңғы сулола араб ҳалифалиги номи билан тарихга кирди. Пойтахт Дамашқ шахрига құчирилді. Ўрта Осиёning зabit этилиши ва ҳалифалик таркибиға киритилиши ҳам айнан уммавийлар замонига түғри келади.

Даставвал араблар 651 йилда Марвни ишғол этиб, сосонийлар давлатига бутунлай барҳам берганларидан сұнг, Мовароуннахр ҳудудига (Амударё шимолидаги ерларга) ҳам ҳарбий юришлар уюштира бошладилар. Арабларнинг Ўрта Осиёға юриши моҳиятига күра икки даврга бүлинади. Биринчи давр VII асрнинг үрталаридан - VIII аср бошларигача давом этди. Мазкур ҳарбий юришлар талончилик хусусияти касб эттан ва ҳалифанинг Хуросондаги ноиблари томонидан амалга оширилган. Араблар деярли ярим аср давомида Амударёнинг үнг соҳилидаги ерларга, яъни Мовароуннахрга ҳарбий разведка ва бойлик йиғиш мақсадида юришларни амалга оширганлар.

705 йилда Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим араблар истилосининг иккинчي даврини бошлади. Үнга Мо-

вароуннахни тұлық бұйсундириш ва халифалик тарки-
бига құшиб олиш вазифаси юклатылған әди. 705 йилда
Балх ва Чагониённи ишғол этгандан сүнг, Қутайба Мо-
вароуннахр ҳудудига бостириб кирди. Фарбий Турк ҳоқон-
лигидаги ички сиёсий беқарорлик, марказий ҳокимият-
нинг заифлиги, маҳаллий ҳокимларнинг бирлашиб ҳара-
кат қылмаганлиги ва ұзаро низоларидан фойдаланған
Қутайба ибн Муслим башчылигидаги араб құшинлари
707 йилда Пойқанд, 708 йилда Бухоро атрофлари ва
Ромитан, 709 йилда Бухоро шаҳрини, 710 йилда эса
Шуман, Насаф ва Кеш вилоятларини әгаллаб олдилар.

711 йилда Хоразмдаги ички сиёсий низолардан фой-
даланған Қутайба құшинлари бу қадимий вилоятни ҳам
құлга киритишга әришдилар ва натижада маҳаллий
афригийлар сулоласи (305-996 йй) халифаликка тобе
этілди. 712 йилда араблар босиб олинған Мовароуннахр
вилоятларидан тұпланған құшинлар ёрдамида Самар-
қанд Сұғдини ҳам әгаллашға мұваффақ бўлдилар. Ке-
йинги зарба Жиззах, Хўжанд, Чоч ҳудудларига қара-
тилди. 715 йилда Фарғона водийсини ҳам құлга киритган
араб құшинларининг зафарли юришлари Қашгарда хи-
тойликлар томонидан тұхтатиб қолинди.

Шу тариқа, VII асрнинг иккінчи ярмида бошланған
ва VIII асрда катта кўламга эга бўлган араб-мусулмон
құшинларининг ҳарбий юришлари натижасида Шарқий
Туркистондан Атлантика океани кирғоқларигача бўлган
улкан худудда янги диний таълимот – Ислом дини ёйил-
ди. Ташкил топған янги давлат – араб халифалиги босиб
олинған худудларда ислом динини зўрлик билан ёиш
сиёсатини олиб борди, эски динларга тегишли барча
китоблар, ёзувлар, ибодатхоналар ва осори-атиқалар йўқ
қилинди. Ҳусусан, Марв, Бухоро, Урганч ва бошқа қади-
мий шаҳарлардаги моддий ва маънавий бойликлар та-
ланди, вайрон этилди. Берунийнинг ёзишича, Қутайба
ибн Муслим “хоразмлик хаттотларни ҳалок этди, руҳо-

нийларни ўлдирди, уларнинг китоби ва ёзувларини ёқиб юборди, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар”.

Араблар истилоси шу давргача Ўрта Осиёга ташқа-ридан бўлган ҳарбий босқинчилик юришларидан тубдан фарқ қиласарди. Сабаби араблар ўзлари билан янги диний таълимотни олиб келдилар ва турли йўллар (ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий имтиёзлар бериш, зўравонлик, куч ишлатиш ва бошқалар) билан ислом динини маҳаллий пхоли орасида тарқатса бошладилар.

Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва етакчи мавқега эга бўлиши катта қилинчилик билан амалга ошиди. Бу ҳақда Ўрта Осиёда арабларга қарши кутарилган кўплаб қўзголонлар (Гўрак ва Деваштич бошчилигидаги, Муқана-на раҳбарлиgidаги ва бошқа қўзголонлар) ҳам гувоҳлик беради. Бу Уммавийлар давридаёт ўрта Осиёда асосий дин сифатида эълон қилинган ислом динининг маҳаллий халқлар томонидан қабул қилиниши жараёни узоқ ва машақкатли йўлни босиб ўтганлигини кўрсатади. Факат-гина X асрга келиб ислом дини Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин ола бошлади ва анъанавий эътиқодларни, эски диний таълимотларни (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва бошқалар) сиқиб чиқара бошлади. Лекин ислом дини етакчи мавқега эга бўлгандан кейин, бошқа динлар тарафдорларига кутилганидан ҳам кўра кўпроқ бағрикенглик кўрсатди. Буни биз мусулмон дунёсининг шарқий чеккасида бўлган Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам кўрамиз. Агар исломгача бўлган даврларда бу худудда будда ибодатхоналари, зардуштийларнинг муқаддас олов сақланадиган ибодатхоналари, христиан черковлари ёнма-ён қурилганлигини кўрган бўлсак, IX - XII асрларда ҳам бу минтақада ҳайратда қоларли диний бағрикенгликнинг гувоҳи бўламиз.

Манбаларнинг далолат беришича, Бухорода X асрда ҳам зардуштийларнинг кўпсонли жамоалари сақланиб қолган бўлиб, Ромитан ва Бухоро атрофидаги бошқа

қишлоқларда уларнинг ибодатхоналари мавжуд бўлган. Самарқандда XI аср бошларигача монийлик таълимоти тарафдорларининг фаолияти ва ибодатхоналари сақланниб келди. Бухородаги Моҳ масжиди ёнида ўз маъбудалари тасвирини, ҳайкалларини сотиб юрган христианлар, яхудийлар ва бошқа динлар тарафдорлари ҳақидаги маълумотлар араб саёҳлари асарларида ўз аксини топган.

Аббосийлар хукмронлиги даврида ислом дунёсида энг кўп ҳимоя қилинадиган дин вакиллари христиан ва яхудийлар бўлиб, ўша давр қонунларига кўра улар мусулмонлар билан деярли бир хил ҳуқуқларга эга бўлишган. Христиан ёки яхудийни ўлдирган жиноятчига мусулмон бўлган кишини ўлдирганларга бериладиган жазо қўлланилиши ҳам ўрта аср мусулмон давлатлари учун одатий ҳодиса эди. Кўпгина христианлар ва яхудийлар банкирлик, судхўрлик, халқаро савдо, тибиёт ва бошқа соҳалар билан шугулланиб, ўз даврининг бой ва машҳур кишилари бўлишган. Кўпгина мусулмон мамлакатларида, ҳатто муҳим давлат амалларини қўлга киритган христианлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ислом динида диний бағрикенглик масаласига биринчилардан бўлиб швейцариялик шарқшунос олим А.Мец ўзининг 1922 йилда чоп этилган “Мусулмон уйгониш даври” китобида эътибор қаратган. “Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, - деб ёзган эди А.Мец, – мусулмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради”.

Бошқа диндагилар, гарчи уларнинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган бўлса-да, одатда алоҳида маҳаллаларда яшашган. Аббосийлар даврида халифаликнинг барча христиан аҳолиси бошида Бағдодда доимий қароргоҳи бўлган несториан католикаси турган. Халифа ёрлиғи билан унга шарқий христиан черкови ҳам бўйсунган. Халифаликнинг кўпсонли яхудийлар жамоасини

бошқарып турған “Реш ғалута” ҳам Багдодда жойлашған әди. Мусулмон давлати күрсатған ҳомийлик учун үзға диндагилар жизъя - жон солиғи тұлаб туриштан. Бутун ислом дүнёсида бошқа дин вакиллари үз диний байрамларини әркін нишонлашған, бу мусулмонлар томонидан душманлық қайфияттегі үйгөтмеган. Гарчы, тарихий йилномаларда мусулмонлар томонидан черков ва синагогларнинг вайрон этилгани, ёқиб юборилгани ҳақида маълумоттар учраса-да, лекин бундай ҳодисалар унчалик күп бўлмаган ва ҳокимият томонидан қаттиқ таъқиб қилинган.

Кўпгина мусулмон мамлакатларида бошқа дин вакилларига маълум рангдаги кийим кийишнинг шартлиги, шаҳарда от билан юришнинг тақиқланиши, уйлари ва ибодатхоналарини масжидлардан баланд қилиб қурмаслик каби тақиқлар ҳам бўлган. Аммо бу тақиқлар улар эга бўлган ҳуқуқлар олдида арзимаган нарса әди.

Юқоридагилардан хulosа қилиб шуни айтиш мумкинки, салиб юришлари даврида Европада пайдо бўлган ва кейинчалик Усманийлар салтанати билан бўлган кўп асрлик урушлар даврида кенг тарқалған ислом ақидапарастлиги ҳақидаги бўрттириб кўрсатилған қарашларга зид ўлароқ ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида диний толерантлик – бағрикенглик яққол кўзга ташланади. Бу инквизиция тўлиқ ҳукмронлик қилған ва ҳар қандай ёт гоялар, таълимотлар кескин таъқиб қилинган ўрта аср Европасидан IX – XV асрлардаги ислом давлатларини ажратиб турадиган асосий белгилардан биридир.

Махаллий бошқарув тартиблари. Ўрта Осиёнинг босиб олинган худудларини бошқариш маркази Марв шаҳри бўлиб, бу ердан туриб халифанинг ноиби Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонни идора қилған. VIII асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳр ҳудудида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимиға мослаштирилған әди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Сўғд, Шош, Фар-

фона ва бошқа маҳаллий ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий-идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлиб, маҳаллий ҳокимлар зиммасига аҳолидан белгиланган соликларни йигиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш асосида ислом дини гояларини аҳоли орасида ёйиш асосий вазифа этиб белгиланган эди. Маҳаллий ҳокимлар фаолияти халифа томонидан тайинланадиган махсус амирлар томонидан қаттиқ назорат остига олинган бўлиб, бундан ташқари улар халифанинг Хуросондаги ноибига итоат этишлари шарт бўлган. Маҳаллий ҳукмдорларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган кишилар бўлиб, бу динни қабул қилмаган зодагонлар ўз ерларидан маҳрум этилиб, жизъя-жон солиги ва бошқа кўпгина солиқ ва тўловларни тўлар эдилар. Умуман олганда, улкан халифаликнинг барча ҳудудларида амалда бўлган соликлар (хирож, закот, жизъя ва бошқалар) тизими Мовароуннахрда ҳам жорий этилган. Лекин, баъзи ҳолларда (хусусан, арабларга қарши қўзголонлар кучайган даврларда) араб халифалари ва уларнинг ноиблири аҳолининг янги динга эътиқодини иқтисодий омиллар билан мустаҳкамлашта ҳам интилиб, шариатда белгиланган соликларни эътиқодли мусулмонлардан олмаганикларини ҳам қайд этиш керак.

Араблар истилосидан кейин Мовароуннахрда мусулмон қонунчилик тизими ҳам жорий қилинди. Ислом ҳуқуқшунослигининг асосини ташкил қилувчи шариат муқаддас китоб - Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга ҳамда фиқҳшунос олимларнинг турли саволларга жавоблари ва қарорларига таянарди.

Шу тариқа, араблар истилосидан сўнг Ўрта Осиё тарихида янги давр - сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабхаларида ҳамда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимида исломий дунёқарашибўлган давр бошланди.

2.2. Сомонийлар давлати: ташкил топиши, худуди, бошқарув тартиблари

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва сомонийлар давлатининг ташкил топиши. Мовароуннаҳрда араблар босқинига қарши бир қанча йирик қўзголонлар кўтарилиган бўлиб, уларни бостиришда маҳаллий зодагонлар ёрдамидан фойдаланиб турилар эди. Бу эса маҳаллий бошқарувда уларнинг аҳамиятини ошириб юборди.

IX асрнинг бошларидаги сиёсий воқеалар Хуросонда Тоҳирийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар хонадонининг кучайишига олиб келди. 806 йилда Мовароуннаҳрнинг бир қанча йирик шаҳарларида араб лашкарбошиси Рофе ибн Лайс бошчилигида халифаликка қарши қўзголон кўтарилиди. Бу қўзголонни бостиришда Балх яқинида, баъзи манбаларда - Термиз яқинида жойлашган Сомон қишлоғи оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлари Хуросон ноиби Маъмунга катта ёрдам кўрсатдилар. Бу хизматлари учун Сомонхудотнинг набиралари Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларида маҳаллий хокимиётни қўлга олишиди. Халифа Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар) ёрлифи билан Сомонхудотнинг набиралари – Нуҳ ибн Асад Самарқандга (820-842 йиллар), Аҳмад ибн Асад Фарғонага (820-865 йий), Яҳё ибн Асад Чоч ва Уструшонага (820-856 йиллар), Илёс ибн Асад Ҳиротга ҳоким этиб тайинланди.

Хуросон ноиби Маъмун 813 йилда Бағдодни эгаллаб, акаси Аминни таҳтдан ағдаради ва халифалик таҳтига ўтиради. Таҳтни эгаллашда кўрсатган ёрдами учун Хуросоннинг йирик зодагонларидан бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн 821 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланди. Тоҳирийлар даврида (821-873 йиллар) Мовароуннаҳр расман тоҳирийларга тобе ҳисобланса-да, Сомонхудоднинг набиралари томонидан идора этиларди.

873 йилда тоҳирийлар ҳукмронлигига Ёқуб ибн Лайс

бошчилигидаги Саффорийлар хонадони (873-901 йиллар) томонидан барҳам берилиши туфайли келиб чиққан сиёсий үзгаришлардан сомонийлар Мовароуннахрдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун фойдаландилар.

Халифа Мұттамид (870-892 йй) Мовароуннахрда сомонийлар қудратини чеклаш учун Хурросон ва Мовароуннахр ҳукмдори этиб Еқуб ибн Лайсни тайинлаган бўлсада, амалда сомонийлар Мовароуннахрни мустақил бошқара бошладилар.

Сомонийлар давлатининг ташкил топишида Фарғона ҳокими Аҳмаднинг хизмати катта бўлди. Самарқанд ҳокими Нуҳ вафотидан кейин Аҳмад акасига тегишли бўлган бу вилоятни ҳам эгаллаб, ўз ҳокимиятини Фарғонадан Самарқандгача кенгайтирди. Унинг вафотидан кейин Наср ибн Аҳмад (865-892 йиллар) отасининг сиёсатини давом эттириб, Мовароуннахрда марказлашган давлат тузишга киришди. 874 йилда Бухорода кўтарилиган халқ қўзголонидан фойдаланган сомонийлар бу шаҳарни ҳам ўз тасарруфига олдилар. Наср ўз укаси Исмоилни Бухорга ҳоким этиб тайинлади. Шу тариқа 875 йилга келиб бутун Мовароуннахр сомонийлар тасарруфига ўтади. Шу йили Наср ибн Аҳмад халифадан Мовароуннахрни бошқариш учун ёрлик олишга муваффақ бўлди ва илк бор ўз номидан кумуш дирхамлар зарб эттиради. Бухорода ўз мавқеини мустаҳкамлаган Исмоил акаси, Самарқанд ҳокими Насрга бўйсунишдан бош тортгани учун келиб чиққан жангларда (888 ва 892 йиллар) Насрнинг енгилиши ва вафот этиши (893 й), Исмоилга Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолишга ёрдам берди.

Мустаҳкамланиб бораётган сомонийлар давлатини заифлашириш мақсадида Араб халифаси 898 йилда Мовароуннахр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб, ўрнига саффорийлар сулоласидан Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлик жұнатади. 899 ва 900 йил-

лардаги ҳарбий тұқнашувларда Исломий Амр ибн Лайс құшынларини тор-мор келтирди. Натижада Халифа Исломий ибн Ахмадни Хурасон ва Мовароуннахр ҳукмдори сифатида тан олишга ва маҳсус ёрлик жұнатишига мажбур бўлди. Шу тариқа X аср бошларида Хоразм, Исфижоб, Чагониён ва Хутталондан ташқари (уларнинг ҳокимлари сомонийларга расман тобе эдилар, холос) Мовароуннахр ва Хурасоннинг катта қисми амалда сомонийларга тобе бўлиб қолди. Сомонийлар Мовароуннахр ва Хурасонни амалда мустақил, расман халифанинг ноиблари сифатида X аср охиригача бошқариб келдилар. 999-йилда бу сулола Қорахонийлар сулоласи томонидан хокимиятдан маҳрум қилинди.

Давлат бошқаруви. Сомонийлар давлатининг амалдаги асосчиси Исломий ибн Ахмад даврида давлат бошқаруви, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда қатор самарали ислоҳотлар ўтказилди. Исломий Сомоний ўз дикқат-эътиборини марказлашган давлат тизимини барпо этишига қаратди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи ва девонлар (вазирликлар) ташкил этган эди. Олий ҳукмдор амир унвонига эга бўлиб, ундан ташқари олий ҳукмдорнинг барча ҳукм ва топшириқлари бажарилишини назорат қилиб турган. Хорис Амири лавозимига эга амалдор ҳам бўлган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш вазифасини бош ҳожиб ва унинг ходимлари бажарганлар. Даргоҳнинг хўжалик юмушлари фаолиятини вакил бошқарган. Бундан ташқари, даргоҳда дастурхончи, эшик-оғаси, шарбаддор ва бошқа хизматчилар ҳам бўлган.

Сомонийлар даврида 10 та девон (вазирликлар) фаолият кўрсатган бўлиб, улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мағкуравий ҳаётини бошқарган. Девони вазир, девони амид, девони муставфий, девони соҳибшурот, девони соҳиббариid, девони мухтасиб, де-

вони мушриф, девони қози, девони зиё, девони вақ⁽¹⁾-дан иборат бу девонлар ижроия-бошқарув тизимининг асоси ҳисобланарди. Мамлакат пойтахти ҳисобланган Бухоро шаҳрида ҳар бир девон (вазирлик) учун алоҳида бинолар барпо этилган эди. Бу девонларнинг жойларда маҳаллий бўлимлари ҳам бўлиб, улар вилоятларда маҳаллий ижро ҳокимиятини амалга оширганлар.

Сомонийлар даврида маҳаллий бошқарув тизими ҳам самарали фаолият юритган. Вилоятлар бошликлари ҳоким, шаҳар бошликлари – раис деб юритилган. Амалдорларни давлат хизматига қабул қилишда маълум бир талаблар: давлат тили ҳисобланган араб тилини мукаммал билиш, исломий ҳукуқ – фиқҳ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан боҳабарлик, ҳисоб-китоб ишларида билимдонлик ва бошқалар мавжуд бўлиб, бу марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қиласиди.

Давлат бошқарувида ҳарбий маъмурий амалдорларнинг мавқеи ҳам катта эди. Исмоил Сомоний ҳарбий ислоҳот ўтказиб, турк сипоҳларидан иборат миллий гвардия ҳамда мунтазам қўшин тузганлиги сомонийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий қудратини таъминлади. Х аср ўрталаридан бошлаб давлат бошқарувида турк лашкар-бошиларининг сиёсий мавқеи ниҳоятда ошиб кета бошлиди. Буни Алп Тегин, Сабук Тегин, Фойик ва Симжурний каби ҳарбий-маъмурий амалдорлар фаолияти мисолида ҳам қўриш мумкин. Бу ҳолат давлат бошқарувида кўп ҳокимииятчиликка, марказий ҳокимииятнинг нуфузи тушиб кетишига олиб келарди. Бу эса охир-оқибат сомонийларнинг ҳокимииятдан бутунлай маҳрум бўлишларига олиб келди.

Ҳукуқий муносабатлар. Сомонийлар давлатида суд ишлари шариат қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, улар қозилик девони томонидан бошқарилган. Суд жа-

раинидаги ишлар қозикалон, қозилар, муфти, раислар тарафидан амалга оширилган. Вилоят қозилари қозикалонга бўсунган. Оғир жиноят қилганлар ўлимга ёки узоқ муддат қамоқ жазосига маҳкум этилган.


Вилоятларда оғир жиноят содир эттанлар иши қозикалон ва амир ҳукмига ҳавола этилган. Ўлим жазосини берни ҳуқуқига фақат амир ҳақли бўлиб, бу жазо ибрат учун Бухоро Регистонида, кўпчилик халқ олдида ижро этилган. Ўғирлик қилганларнинг қўли чопиб ташланар, бу жазо одатда ўгри ушланган жойида, аҳоли кўпчилик булган жойларда ёки бозорларда амалга ошириларди. Енгилроқ гуноҳ қилганларга тан жазоси (калтак, дарра) берилган ёки жарима солинган.

Сомонийлар даврида исломдаги ҳуқуқий муносабатларни маҳаллий халқ урф-одатларига мослаштиришга ёрдам берувчи асарлар ҳам яратилганлигини айтиб ўтиш керак. Улардан қозилик маҳкамаларида ёрдамчи қўлланма сифатида фойдалантганлар. Масалан, фақих Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (вафоти 985 йили)нинг “Хазинатул-фиқҳ” (“Мусулмончилик конун-қоидалари хазинаси”) асари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сомонийлар даврида давлат тили сифатида араб тилининг мавқеи ниҳоятда юқори бўлса-да, форс-тоҷик ва турк тилларининг ҳам мавқеи ва аҳамияти сакланиб қолинди.

Умуман олганда сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий сиёсатнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил топган. Мазкур масалага жуда катта эътибор берилганлигини шу нарсадан ҳам билса бўладики, давлатнинг умумий ийлилк даромади 45 миллион дирҳамни ташкил этган ҳолда, шундан 20 миллион дирҳам давлат бошқаруви ва лашкарга сарфланган.

Сомонийлар давлати бошқарув тизими



2.3. Қорахонийлар даврида Ўрта Осиё: маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари

Қорахонийлар давлатининг ташкил тоиниши, худуди. Бу давлат Еттисув ҳудудидаги Қарлуқ (756-940 йй.) давлати ўрнида X аср ўрталарида ташкил топди. Унинг асосчиси Сотук Буғроҳон (915-955 йй.) ҳисобланади. Сомонийлар давлатидаги ички низолардан фойдаланган қорахонийлар X аср охирида Мовароуннаҳр ерларини ҳам эгаллашга ва ўз давлати худудини кентгайтиришга мувафақ бўлдилар. Қорахонийлар хукмдори Ҳасан Буғроҳон 992 йилда Бухорони қўлга киритган бўлса-да, Фазна вилояти хокими Сабук Тегиннинг ёрдами туфайли сомонийлар хокимиятни яна қисқа вақт қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Лекин Наср Илоқхон бошлиқ қорахонийлар қўшини 999 йилда Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллаб олишга эришди. Хуросон эса Маҳмуд Фазнавий тасаруфига ўтди. Шу тариқа, X аср охирида сомонийлар давлати худудида туркий сулолалар барпо этган иккита ирик давлат ташкил топди.

Биринчиси, Кошгардан Амударёгача чўзилган -

Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдиёна ҳудудларини ўз ичига олган қорахонийлар давлати.

Иккинчиси, Шимолий Ҳиндистон сарҳадларидан Қаспий дengизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган ҳамда ҳозирги Афғонистон ва шимоли-шарқий Эронни, Ҳоразм воҳасини ўз ичига олган газнавийлар давлати эди.

Газнавийлар давлати асосчиси – Султон Маҳмуд ва қорахонийлар хони – Наср ўртасида 1001 йилда тузилган шартномага кўра, Амударё икки давлат ўртасидаги четара қилиб белгиланди.

Қорахонийлар давлати XI асрнинг биринчи ярмида ёқ ички сиёсий низолар натижасида икки қисмга – Фарбий қорахонийлар давлати ва Шарқий қорахонийлар давлатига бўлиниб кетади. XI аср ўрталарида “Тамғочхон” унвонини олган қорахоний ҳукмдор Иброҳим ибн Наср Фарбий қорахонийлар давлатининг пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчиргач, Мовароуннаҳр қорахонийлар давлатининг катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган асосий ҳудудига айланди.

Қорахонийлар давлатидаги ички низолардан фойдаланган салжуқийлар (XI асрнинг 2-ярмида), қорахитойлар (XII асрнинг ўрталари) ва ҳоразмшоҳлар (XIII аср бошлари) қорахонийларга тегишли ҳудудларни эгаллаб олдилар. Қорахоний ҳукмдорлар бу даврларда уларга расман тобе бўлиб, уларнинг ҳукмронлиги 1212 йилда ҳоразмшоҳ Султон Муҳаммад томонидан бутунлай тугатилди.

Давлат бошқаруви. Қорахонийлар даврида давлат бошқаруви тартиблари сомонийлар даври давлат бошқаруви тизимидан тубдан фарқ қилмайди. Сарой амалдорларининг номланиши ва вазифаларида ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин. Мамлакат олий ҳукмдор – хон ёки ҳоқон томонидан бошқарилиб, энг улуғ хон – қорахон унвонига эга бўлган. Саройда сомонийлар давлатида бўлганидек, вазир, соҳиббарид, муставфий, ҳожиб, раис (Муҳ-

тасиб), битикчи (Мунши), котиб (Мирза), қүшчи (хоқон овининг ташкилотчиси) ва бошқа мансаблар бўлган.

Қорахонийларда хоқоннинг таҳти меросий саналиб таҳт отадан ўғилга ёки акадан укага ўтиши асосий қоиди сифатида белгиланган. Маъмурий идоралар икки қисмга - даргоҳ ва девонга бўлинган эди. Қорахонийларда икки шаҳар - Қошғар ва Боласогун пойтаҳт саналиб, улуг хон шу шаҳарлардан биридаги қароргоҳда ўтириб давлатни бошқаради. Қорахонийлар ҳукмдори “Тамғачон” ёки араблардаги “султон ус-салотин”, форслардаги “шаҳаншоҳ” атамаларига мувофиқ келадиган “хоқон ул-хон” деган ном билан ҳам улуғланган. Фарбий қорахонийлар давлатига кирган Мовароуннаҳр ҳукмдорлари одатда **Элоқхон** (уларнинг баъзилари ўзларини Тамғачон деб ҳам атаганлар) юритилар эди.

Қорахонийлар давлатни улус ва вилоятларга бўлиб идора қилдилар. Мамлакат эндиликда марказлашган давлат тизимидан алоҳида мулк бошқарув тизимига ўтди. Эл-юрт ҳокимлари “Элоқхон” деб юритилар эди. Вилоятлар эса маълум сиёсий мавқега эга бўлиб, улар ҳам хондан кичикроқ унвонга эга **Илоқхонлар** томонидан бошқариладиган бўлди. Улар фаолияти улуг хон томонидан тайинланадиган махсус амалдорлар – **такин** деб аталувчи ноиблар томонидан назорат қилиб туриларди. Шу тариқа қорахонийлар томонидан Мовароуннаҳрнинг ишғол этилиши худуднинг сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлди.

Қорахоний ҳукмдорлар гарчи бу даврда ҳали ўтрок ҳаётга кўчмаган бўлсалар-да дехқончилик воҳалари ва шаҳарларнинг маданий аҳамиятини яхши англар эдилар. Болосогун, Қошғар, Тароз, Ўзган, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар умумдавлат миқёсида ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланарди. Шаҳарлар шаҳар ҳокими, раиси ва муҳтасиблари томонидан бошқариларди. Вилоят ҳокимларига мисдан чақа тангалар зарб қилиш ҳуқуқи берил-

ни бўлиб, Мовароуннаҳр элоқхони қорахоний элоқхонлари орасида катта обру-эътибор қозонган эди.

Қорахонийларга қарашли ерлар **Тамгачхон** томонидан ӯғиллари ва қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ӯғил, амаки-жинолилар ҳамда ака-ука ва амакиваччалар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий ахволга салбий таъсир кўрсантиб туарди.

Қорахонийлар давлатида имом, саййид, шайх, садрлар каби диний уламоларнинг ҳам мавқеи кучли эди. Қорахонийлар мамлакатда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олишга интилиб мусулмон руҳонийлари билан таъсирни ва дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Бу даврда пешволарига эътибор кучайиб уларнинг обруйи ҳар кичонгидан ҳам баландга кўтарилади.

Ижтимоий-иқтисодий тузум. XI - XII асрларда юз берган сиёсий воқеалар Мовароуннаҳр иқтисодий ҳаётида ҳам ўзгаришлар келтириб чиқарди. Алоҳида мулжаларнинг бошқаруви, маъмурий идоралар сомонийлар давридаги тартибларга мувофиқ келар ва ижтимоий мансаб ва мартабалардаги фарқ катта эмас эди. Ижтимоий тузумда мавқеи анча баланд ҳисобланган йирик заминдорлар - деҳқонлар қатлами қорахонийлар даврида ўз ҳамиятини йўқотди. Ўрта Осиё кўхна зодагон тоифасининг бундай аҳволга тушишига асосий сабаб бу кўчманчилик шароитига мослашган эл-улусларнинг ўтроқ аҳоли ҳудудларини ишғол этишидир. Сомонийлар замонида мазкур сулола учун хос марказлашган давлат тузумидан қониқмаган аслзода деҳқонлар қорахонийларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Лекин якка ҳокимликка интилган қорахоний ҳукмдорлар ҳам деҳқонларни қувғин қила бошладилар. Бунинг оқибатида қадимий зодагонлар вакиллари ўз экинзорлари, уй-жойлари, мулклари ва бойликларидан маҳрум бўлдилар. Уларнинг ер-мулклари қорахонийлар давлатига кўрсатган хизмати учун иқтоъ

(арабча - инъом) тарзида турли ҳарбий-маъмурий амалдорларга бўлиб берила бошлади. Декон деган ном эндиликда факат оддий қишлоқ зироаткорига нисбатан айтиладиган бўлиб қолди.

Қорахонийлар даврида хоқонга тегишли давлат ерлари, иқтоъ ер-мулклар, вакф ва жамоа мулклари асосий ер-мулклар ҳисобланарди. Бу даврда юз берган иқтисодий ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий қатламларига ҳам таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг асосий ижтимоий қатламлари сифатида қўйидаги тоифаларни кўрсатиш мумкин:

- илоқхон - хоқон ул-хоқондан кейинги погонада турувчи амалдорлар тоифаси. Улар хоқон хонадонига мансуб бўлиб, вилоятларнинг мулк эгалари ҳисобланган;
- иқтоъдорлар - қорахонийлар давлатининг таянч қатлами. Асосан, ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташкил топган бу тоифа вакиллари ўз мартабалари ва молмулкига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлар;
- ислом динининг пешволари - имомлар, саййидлар, шайхлар, садрлар ва бошқалар. Бутун ўрта асрлар даврида бўлганидек, уламолар бу даврда ҳам катта ижтимоий мавқега эга эди;
- ҳокимлар, раислар, муҳтасиблар ва бошқа амалдорлар. Ўрта бошқарув бўғинини ташкил қилган бундай амалдорлар тоифаси, барча тарихий даврларда бўлганидек, қорахонийлар даврида ўз мавқеларини мустаҳкам сақлай олган ижтимоий қатлам эди;
- тариқчилар - зироаткорларнинг туркча номи. Улар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиширувчи асосий ижтимоий қатлам саналарди;
- ҳунармандлар - ички ва ташқи бозор учун ҳамда сарой эҳтиёжлари учун турли хилдаги ҳўжалик аҳамиятига эга маҳсулотлар тайёрловчи меҳнаткашлар қатлами;
- савдогарлар - савдо-сотиқ билан машғул бўлган алоҳида ижтимоий тоифа ҳисобланарди;

- күчманчи чорвадорлар - чорва маҳсулотлари етиштирувчи асосий ижтимоий қатлам. Бундай аҳоли тоифаси шаҳар ҳаётидан йироқ бўлган.

Қораҳонийларда оддий халқ - будун, солик тӯловчи фуқаро - раъият деб аталган. Қабила бошлиқлари бек дейилган. Савдогарлар сарт деб аталган. Қораҳонийлар давлатида ҳунармандчилик (кулолчилик, тӯқувчилик, шишапазлик, темирчилик, заргарлик) ва меъморчилик, савдо-сотик анча тараққий этган эди. Шунингдек, кончилик ривожланган бўлиб, қимматбаҳо тошлар, олтин, мис, темир қазиб олинган. Илоқ тоғларидан (Чотқол-Қурама тоғлари), Фарғонадан ва мамлакатнинг бошқа кўпгина жойларидан нодир тошлар, металл ва полиметаллар мавжуд конлардан анча интенсив фойдаланилганлиги маълум. Шаҳарсозлик ривожланиб, барча жамоат иншоотлари пишиқ гиштдан бунёд этилган. Бу даврда барпо этилган ва бизнинг давримизгача сақланиб қолган Минорай Калон, Вобкент ва Жарқўргон миноралари, Работи Малик меъморий мажмуаси қораҳонийлар даври меъморчилик анъаналари ва ривожидан далолат беради.


Хукуқ. Қораҳонийлар даврида ҳам шариат аҳкомлари асосий хукуқ манбаи ҳисобланарди. Қораҳонийлар кўчманчи қабила вакиллари бўлганликлари учун туркий чорвадорларга хос қадимий тартиб-қоидаларга риоя этганликлари ҳам эҳтимол қилинади. Ибн ал-Асир, Юсуф Болосогуний, Наршахий ва Низомулмулж асаларида баён қилинган воқеалардан Мовароуннаҳрдаги хукуқий муносабатларни ҳам англаш мумкин. Бироқ марказлашган давлатнинг йўқлиги бу муносабатларда ҳам ўзининг салбий таъсирини утказдарди. Лекин шунга қарамай исломга кирган қораҳоний ҳукмдорлар шариатга амал қилиш билан ўз давлатларини хукуқий тартибларини сақлай олдилар.

Қораҳонийлар давлатида салжуқийларда бўлгани сингари иқтоъ масаласида айrim қонуний чекланишлар жорий этилган. Иқтоъ эгаси ўз мулкида ишлаётган зи-

роаткорлардан қонунда белгиланган миқдордаги солиқдан бошқа ортиқча маҳсулот ёки ҳақ олишга ҳукуқ бўлмаган. Мажбурий равишда бирор-бир маҳсулот тортиб олинса, бундай вазиятда иқтоънинг маълум миқдори қирқиб олинган ёки умуман тортиб олинган.

Раиъиятдан бирор-бир шахс амалдор ёки мансаб соҳибидан азият чекса, бундай вазиятда мазлум киши давлат бошлиғига арз қилган ва шундан сўнг зулм қилган киши ўз жиноятига яраша жазога тортилган. Суд ишларини ҳар бир вилоят ёки туман учун масъул қозилар амалга оширганлар. Бу қорахонийлар даври қонунчилигида ислом тартибларига қаттиқ риоя этилганлигидан далолат беради.

Қорахонийлар давлати ижтимоий-сиёсий тизими



3.4. Хоразмшоҳ - ануштегинийлар давлати: худуди, маъмурий тузилиши, бошқарув тартиблари

Ташкил топиши, худуди. Хоразмда 305-йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган афригийлар сулоласини тугатиб (996 йил) Хоразм пойтахтини Қатдан Урганчга кўчиртирган Маъмун ибн Муҳаммад (995-997 йиллар) маъмуринийлар сулоласига асос солди. Бу сулола 1017 йилда Маҳмуд Фазнавий қўшинлари томонидан тугатилгач, Хоразм XI асрнинг ўрталаригача газнавийлар давлати таркибида бўлиб келди. Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши ва кучайиши натижасида Хоразм воҳаси ҳам газнавийларнинг кўплаб ҳудудлари сингари Салжуқийларга тобе бўлиб қолди ва XII асрнинг ўрталаригача, шъни салжуқийлар Хуросон ва Эронда сиёсий ҳокимиётдан маҳрум бўлгунга қадар бу давлат таркибида бўлди.

1076 йилда салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) ўз таштдори Ануштакинни Хоразмга ҳоким этиб тайинлаган эди. Ануштакиннинг набираси Отсиз (1127-1156 йиллар) Хоразмни мустақил давлатга айлантириш учун қаттиқ кураш олиб борган бўлса-да, фақатгина сўнгти буюк салжуқий ҳукмдор Султон Санжар (1118-1157 йиллар) вафотидан кейин Хоразм мустақил давлатга айланди.

Эларслон (1156-1177 йиллар), Такаш (1172-1200 йиллар) ҳукмронлиги даврида Хоразм анча кучайди. Хуросон, Эрон, Ироқ ва Кичик Осиёнинг катта қисми Хоразмга бўйсундирилди. Султон Муҳаммад (1200-1221 йиллар) XIII аср бошларида Мовароуннаҳрни ҳам қўлга киритиб, қораҳонийлар сулоласига бутунлай барҳам берди.

Хоразмшоҳ ануштакинийлар давлати 1219-1221 йилларда мўғулларнинг Мовароуннаҳрга уюштирилган ҳарбий истилолари туфайли тугатилди. Машҳур турк сар-

кардалари – Хўжанд хокими Темур Малик ва анушта-
кинийлар таҳти меросхўри Султон Жалолиддин Мангу-
берди мўғулларга қарши кураш олиб борган бўлсалар-
да, хоразмшоҳлар давлатини сақлаб қола олмадилар

Давлат бошқаруви. Хоразмшоҳлар давлатида мут-
лақ хокимият давлат бошлиғига, яъни Хоразмшоҳга
тегишли эди. Сарой даргоҳида, асосан, Хоразмшоҳнинг
ҳукмдор сифатидаги фаолиятига ёрдам берувчи қўйида-
ги амалдорлар тўпланганлигини қўриш мумкин:

- ҳожиб ул-қабир - ҳукмдор шахси билан боғлиқ ма-
салалар, маросимларнинг назорати билан алоқадор иш-
ларга жавобгар эди. Улар султоннинг энг зарур топши-
риқларини бажаришган ҳамда ҳукмдорга доимий равища
ҳамроҳлик қиласалар. Улар вазирлик девонининг даф-
тарлари, ундаги ёзувлар, архивлар, молия соҳасидаги
китоблар ва амалдорларнинг хатти-ҳаракатини назорат
қиласалар. Ҳожиб ул-қабир билан бир қаторда ҳожиб ул-
хос ҳам тилга олинади;

- устоздор – барча хўжалик ишлари: отхона, ошхона,
новвой, сарой хизматкорлари устидан идора ишларини
амалга оширадиган сарой аъёни. У бундан ташқари, са-
ройнинг барча чиқимлари назоратини амалга ошириб,
мамлакат хазинаси ҳисобидан новвой, ошпаз, отбоқар ва
бошқаларга маош белгилар, сарой ишлари ҳамда юмуш-
ларига сарфлар эди. Бу амалдор хазинадан чиқадиган сарф-
харажатлар учун шоҳга ҳисобот бериб турган;

- амири-охур ёки миҳоҳур – отхона бошлиғи лавози-
ми бўлиб, бу амалдор султонга қарашли миниб юрила-
диган отларга эгалик қиласалар. Меросхўрлар ҳарбий юриши-
ларда фаол иштирок этганлар;

- амири-шикор – султоннинг ов ишларини ташкил
қиласалар; амалдор;

- таштдор – султоннинг юваниши учун зарур бўлган

шінг қараларни сақловчы шахс. Унинг құл остида тұлғомлари бұлған. Деярли барча султонларнинг айрим жириң амаллари борлығи учун ҳам таштдор хукмдорга шінг яқын киши ҳисобланар әди. Хоразмшохлар давлатта таштдорлар малик унвонига ҳам эга бүлишган. Айримлари ҳатто үн шінг аскарларга бошчилик қилиб, әрбір юришларда қатнашғанлар.

Юқорида қайд қилингандаридан ташқари шаробдор (султон шаробхонасининг бошлиғи), қиссадор, чошнитир (у күп қолларда баковул, яғни султонга узлатыла-жак таомни синааб күрувчи амалдор бұлған), давотдор (султоннинг котиби), фарош ва бошқа кичик сарой мұдозымлари ҳам бор әди.

Марказий давлат бошқаруви “Ал-мажлис ул-олий ал-фаҳри ат-тожи” деб номланған бўлиб, унга вазир раислик қилған. Вазир Хоразмшоҳга бевосита буйсунар ва хукмдорнинг бош маслаҳатчиси әди. Вазирнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлған: асхоб ад-давовин, яғни девон амалдорларининг бошлиғи сифатида кишиларни юқори мансабға тайинлаш ва бўшатиш, давлат амалдорларига нафака (арзак) белгилаш, давлат амалдорларининг таъминотини амалга ошириш, солик ва ҳазинани назорат қилиш, хукмдорни халқаро алоқалар, расмий маросимларда расмий равишида таништириш ҳамда раият билан муносабатларида восита чилик қилиш, хукмдорға мунтазам ҳамкорлик қилиш, баъзи пайтларда қўшинга бошчилик қилиш ва бошқалар.

Вазирлар садр, дастур, хожайи бузург сингари унвонларга эга бўлиб, турк, араб ҳамда форс тилини билиши, маъмурий ишдаги қобилиятлар, сарой одоби сингари билимларга эга бўлишлиги шарт бўлған. Хоразмшохлар давлатининг вазирлари, асосан, Хоразм, Бухоро, Нишопур, Исфахон, Балх, Хиротдан чиққан шахслар

бүлган. Хоразм давлатига қарашли вилоятларнинг маъмурий бошқарувида ҳам вазирлар бўлган. Баъзан шаҳарларга ҳам вазирлар тайинланган бўлиб, улар ўша жойда маҳаллий бошқарувни амалга оширувчи ягона ҳоким ҳисобланар эдилар.

Хоразмшоҳлар давлати маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлиб, вилоятлар Хоразмшоҳлар томонидан тайинланадиган амалдорлар томонидан бошқарилиган. Маҳаллий бошқарувда улардан ташқари шихна-қишлоқ ва музофот ҳокими, мутасаррuf -- молия ва хирож ишлари маъмурлари, мироб -- сув тақсимоти билан шуғулланувчи, омил -- хирож йиғувчи амалдорлар ва бошқа мансаб ва лавозимлар эгалари ҳам катта ўрин туттганлар.

Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Манбаларда хоразмшоҳлар давридаги қўйидаги ижтимоий гуруҳлар -- ислом уламолари, давлатмандлар, ҳокимлар, саркардалар, заминдорлар ва бошқалар тилга олинади. Хоразмшоҳлар даврида ҳам қорахонийлар давридагидек мулклар иқтоъ тариқасида ҳарбий маъмурий амалдорларга инъом этилган. Солиқлар исломий шариат қонун-қоидаларига кура олинган. Асосий солиқлар ер солиғи, хирож ҳамда савдо-сотиқ ва чорвадан олинадиган закот ҳисобланарди. Мусулмон бўлмаганлар жизъя, яъни жон солиғи тұлағанлар. Тарихий ҳужжатларда барзгардан ортиқча хирож олиш Холик (Аллоҳ) ва халқ олдида номақбул ҳисобланиши таъкидланади. Бу хоразмшоҳлар давлатида иқтисодий муносабатлар, солиқ тизими бирмунчада йўлга кўйилганигидан далолат беради.

2.5. Чигатой улуси: худуди, маъмурий тузилиши ва бошқарув тартиблари

Мұгулистон, Хитой ва Шарқий Туркистонни эгаллаб шын давлатта асос солған Чингизхон 1219-1221 йилларда Қоразмшоҳлар давлати худудларини ҳам эгаллаб, улдан империяга асос солди. Чингизхон ҳижрий 624 йилда (милодий 1227 йил) 73 ёшида вафот этади. Абулғози Бадирхон ӯзининг машҳур “Шажарайи турк” асарида Чингизхоннинг тұнғиз йилида туғилганини, тұнғиз йилиде хон бұлганини ва тұнғиз йилида вафот этганини катта ажабланиш билан ёзиб қолдиради. Чингизхон үли-мидан олдин үгиллари Үқтой, Чигатой, Тұлихон ва Құжихоннинг фарзандларини (Чингизхоннинг катта үғли Құжихон отасидан олти ой олдин ов пайтида сирли рашыда вафот этган эди) ҳузурига чорлаб, босиб олган худудларини уларга тақсимлаб берган эди. Үйгурлар үлкаси ва Олтойнинг жанубий қисмидан Амударё соңилларигача бұлган худудлар унинг иккінчи үғли Чигатойга берилген бұлиб, бу худуд мұғуллар хукмронлиги дәврида Чигатой улуси деб аталарди.

Ҳарбий-сиёсий тузум ва давлат бошқаруви. Мұгуллар асос солған давлат ярим күчманчи типдаги, асосан ҳарбий тартибларга мувофиқ келған давлат бошқаруви - эга сиёсий ташкилот эди. Чингизхон ва унинг авлодлари хон унвони соҳиблари эдилар. Уларнинг құли остидати бошқарув тизимида турли унвон, мартаба ва мансаб эгалари бұлған. Бундай амалларнинг аксарияти ҳарбий бошқарув тартибларига мос тушарди. Давлат бошқарувнанда ҳарбий саркардалар ва құшин бошлиқларининг нуфузи анча салмоқли эди. Факат улуғ хонга итоат этадиган махсус ҳарбий бұлинма - манбаларда кешик номи билан аталувчи ҳарбий қисм мавжуд бұлиб, ундан үтә фавқулодда ҳолатларда фойдаланилған. Йирик ҳарбий

бўлинма бошида нўёнлар, баҳодирлар ва мерганлар турган. Ўн минг аскардан иборат қўшин – туманга хонниш фарзандлари ҳам бошчилик қилишган. Туманлар, ўз наубатида, минглик, юзлик, ўнликларга бўлинган ва ҳар бир бўғинда ҳарбий бошлиқлар: мингбоши, юзбоши ўнбошилар турган. Чингизхон қўшинининг асосий қисми турли туркий қабилалардан тузилган булиб, қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган бу қўшин ўз даврининг ҳақиқатдан ҳам қудратли жанговар армияси саналарди.

Мовароуннахр ва Еттисув мўғуллар даврида Чигатой улуси таркибига, Хоразмнинг гарбий қисми Олтин Ўрда давлати, қолган қисми Чигатой улуси таркибига кири-тилган эди. Чигатой улуси Еттисувдаги Или дарёси бўйидаги Олмалиқ шаҳридан туриб бошқариларди. Мўғуллар кўчманчи ҳалқ бўлганликлари учун давлатни бошқарув ишида анчагина нўнок эдилар. Шунинг учун ҳам улар босиб олинган худудларни бошқаришда ўzlари томонидан тайинланган ноиблар ёрдамига муҳтоҷ эдилар. Чигатой улуси даврида Мовароуннахрни бошқариш ишлари маҳаллий хукмдорларга, маҳаллий бой зодагонлар қатламига топширилган эди. XIV асрда Мовароуннахрни хоразмлик йирик савдогар Маҳмуд Ялавоч (1226-1238) ва унинг ўғли Масъудбек (1238-1289) хон ноиби сифатида бошқариб келдилар. Мовароуннахрда жуда катта ҳуқуқга эга бўлган Маҳмуд Ялавоч ва Масъудбекнинг қароргоҳи Хўжанд шаҳрида эди. Ноибнинг асосий вазифаси – белгиланган солиқларни йиғиш ва улуг хон қароргоҳига етказиш, аҳолини итоатда сақлаб туриш ҳисобланарди. Ноиблар Хўжанддан туриб ўз қўли остидаги ҳарбий бўлинмалар ёрдамида давлатни бошқарган, солиқларни йиққанлар. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва руҳоний раҳбарлар мамлакатда бошқарувни ўз қўлларига олган эдилар. Булар маҳаллий амирлар ва садрлар ҳисобланган.

Мавароуннахни деярли мустақил бошқарган Маҳмуд Ялавоч 1338 йилдаги Маҳмуд Торобий бошчилигидеги мұғулларга қарши күтарилган халқ ҳаракати туғайли үз вазифасидан бүшатилади. Лекин Чингизхонга тоғынгы мұғул хонларига күрсатған хизматлари ҳисобға олиніб, Хонбалиқ (Пекин) шахрига губернатор қилип тағынланади. У бу лавозимда то умрининг охиригача (1254) түргани маълум. Мавароуннахрга ноиб этиб тайинланған Масъудбек эса отаси сиёсатини давом эттириб, мұғулларга содиқ хизмат қилди.

Мұғуллар даврида махсус ҳужжат-пайзаларга эга болған кишилар ҳам маҳаллий бошқарувда катта нұфузға эга бүлғанлар. Бундай алоҳида ёрлиқларға эга хон қонаドони вакиллари, турли дара жадаги амалдорлар, сандогарлар ва руҳонийлар қиёғасидаги айғоқчилар койларға сафар қилғанда маҳаллий аҳоли уларни турар кой ҳамда озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаш каби ҳаражатларни қоплаши шарт эди.

Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Мұғул истилоси Марказий Осиё ҳұжалигига ҳам катта зарар еткәзди. Маҳаллий құқымдорларнинг үзбошимчалиги туғайли белгилаб үйилған турли тұловлар ва солиқларнинг бир неча марта оширилиши халқнинг ахволини чидаб бүлмас дара жага еткәзди. Үзбошимчалик ва зұравонлик, хавфсиздикка қарши ҳеч қандай кағолат берилмагани омон қолған шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳұжаликни ривожлантиришга бүлған иштиёқни бутунлай сұндирган эди. Шуннинг учун ҳам мұғул босқинидан кейинги дастлабки үн йилліклар даврида Марказий Осиё ҳұжалиги янада ёмонлашиб борди. Натижада, XIII асрнинг 30-йилларидан бошлаб деңқончилик воҳалари аҳолиси ва шаҳар ҳунармандлари орасида мұғуллар зулмігі қарши кураш кучая бошлади. Бундай ҳаракатлар Бухорода айниқса кучли эди. 1238 йилда Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида күта-

рилган құзғолонга тороблик ҳунарманд (элак созловчи) Маҳмуд Торобий бошчилик қилди. Лекин құзғолон шаф қатсизлик билан бостирилди.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мүгүл ҳукмро доиралари үртасида бой маданий вилоятлардан фойдаланиш масаласида икки хил муносабат пайдо бўлади. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим ҳоқонлар үтрок ҳаётга мутлақо қарши эдилар. Маҳаллий зодагонлар, руҳонийлар ва савдогарларнинг асосий қисми ҳамда баъзи бир хонлар үтрок ҳаётга ўтиш учун кураш олиб бориб, марказий ҳокимиётни мустаҳкамлашга интилар эдилар.

Бундай сиёsat тарафдорларидан бири Мўгулистаннинг улуг ҳоқони Мункехон ва Чигатой улуси ноиби Маъсудбек эди. Айниқса, Мункехоннинг қонунлаштирилган чора-тадбирлари чекланмаган солиқ ва йифимларни тартибга солиб аҳолини ўзбошимчалик билан йиғиб олинадиган солиқлардан озод этди, ички ва ташки савдонинг ривожланишига имконият яратди. Бунинг натижасида XIII асрнинг 70-80 йилларига келиб Мовароуннахрда аста-секинлик билан шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари жонланда бошланди.


1271 йилда Масъудбек пул ислоҳоти ўтказди. Бу ислоҳот Мовароуннахр шаҳарларининг ички ҳаётини, айниқса, пул муносабатларининг тикланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Масъудбек Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тароз, Ўтрор, Хўжанд, Нахшаб каби кўпгина шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангалар зарб эттириб, уларни бутун мамлакат бўйлаб муомалага чиқарди. Бу ҳол ички савдо ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, аҳолининг кумуш тангаларга ишончи мустаҳкамланди, танга нуфузи ортиб борди. Бу савдо-сотик ва умуман иқтисодий ривожланишига бирмунча таъсир кўрсатди.

Чигатой улуси XIV аср бошларига келиб, амалда икки кунсига бўлиниб кетади. Кебекхон хукмронлиги (1318-1326) даврида улуснинг марказий бошқаруви Еттисувдан бутунлай Мовароуннаҳрга қўчирилди. Кебекхон муғуллар истилоси туфайли ташлаб кетилган ва вайронага айланган Насаф шаҳридан икки фарсаҳ узокъликда ўзига янги гарой барпо эттирди. Унинг атрофида ҳозирги Қарши шаҳри шаклланди. Кебекхон ўзининг кўп тармоқли ислоҳотларини ушбу шаҳарда туриб амалга оширди. Ўткаилган ҳарбий-маъмурий ислоҳотлар натижасида Чигатой улуси туманларга бўлиб чиқилди. Бу маъмурий биринклар кейинги тарихий даврларда ҳам сақланиб келинди. Кебекхон ўтказган пул ислоҳоти натижасида бутун мамлакатда бир ҳил вазнга эга бўлган кумуш тангалар ширб этилди ва муомалага киритилди. Соф кумушдан исалган бу тангалар Чигатой улусидаги иқтисодий аҳволни, молия тизимини маълум вакт яхшилашга хизмат қилди. Кебекхон зарб қилдирган кумуш тангалар Олтин Үрда давлати орқали рус князликларига ҳам кириб борган бўлиб, Россияда “Копеек” атамаси ҳозиргача майда танга пулларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда.


Чигатой улусида аҳолидан қўплаб тұловлар ва соликлар йиғиб олинар, турли мажбурий меҳнатга жалб қилишар эди. Деҳқонлардан умумий ҳосилнинг ўн фоизини ташкил этган ер солиғи (хирож), чорвадорлардан юз бош молдан бир бош ҳисобида кўпчур ва шуле солиғи, ҳунарманд ва савдогорлардан ишлаб чиқарилган ва сотилган молнинг ўттиздан бир улуши ҳажмида тарғу солиғи олинган. Мунка қоон номида пул зарб этилгач, 1270 йилдан солик ва жарималар пул билан олина бошлаган. Йирик мулқдорлар, савдогарлар, ислом пешволари мӯғуллар билан яқинлашиб, катта имтиёзларни қўлга киритган, турли тұлов ва соликлардан озод қилувчи ҳар хил ёрликлар олган эдилар.

Умуман олганда, мұғуллар ҳукмронлиги даври Үрге Осиё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида кескин инқироз даври ҳисобланади. XIII асрнинг 70-80 йилларига келибгина, Мовароуннарда вайрон бўлган шаҳарлар тикланиб, дехқончилик, ҳунармандчилик савдо-сотик жонланди. XIV асрнинг ўрталарида келиб Мовароуннарда ҳокимиятни яна туркӣ амирлар ўқулларига олдилар. Амир Темурнинг тарих саҳнаси чиқиши билан Үрта Осиёда мұғуллар ҳукмронлигини бутунлай барҳам берилди.

Чигатой улусида бошқарув тизими



Чигатой улусида солиқ тизими



III БОБ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛГИ ДАВРИДА МОВАРОУННАХР ВА ХУРОСОНДА ДАВЛАТЧИЛИК РИВОЖИ

3.1. Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва марказлашган давлат асосларининг яратилиши

Амир Темур ҳижрий йил ҳисоби бўйича 736 йил шабон ойининг 25-кунида, сесанба куни (милодий йил ҳисобида 1336 йил 8-апрелда) Кеш вилоятига қарашли Хўжо Илгор қишлоғида, маҳаллий барлос уруғининг беги Тарагай Баҳодир хонадонида таваллуд топади. Унинг боллиги ва ўсмирлиги Мовароуннахрда бекарор сиёсий вазият кучайган, турли вилоят ва туманлар ҳокимлари нинг ҳокимият учун кураши авж олган даврларга тўғри келди. Шу сабабли ҳам ёш Темур ва унинг тенқурлари бир томондан мўғул босқинчиларига қарши кураш руҳида, иккинчи томондан мамлакатдаги сиёсий бекарорликни тутатиш ва марказлашган қудратли давлат барпо этиши руҳида тарбияланганлар.

1360-1361 йилларда мўғул хони Туглуқ Темур Мовароуннахрга бостириб киради. Бундай оғир сиёсий вазиятда Туглуқ Темур хизматига кирган 25 ёшли Темурбек Кеш ва Насаф вилоятларига ҳоким этиб тайинланади. Бу йилларда ёш Темурбекнинг Балх ҳокими Амир Ҳусайн билан яқинлашуви бошланиб, бу сиёсий иттифоқ то 1370 йилгача давом этди. 1365 йилдаги “лой жангиги”да мўғул хони Илёсхўжадан мағлубиятга учраган Амир Ҳусайн ва ёш Темур Хурсонга кетишга мажбур бўлган бўлсаларда, Самарқанд сарбадорлари томонидан мўғул қўшинлари тўхтатиб қолингач, яна Мовароуннахрга қайтдилар. Самарқанд яқинидаги Конигил мавзесида Амир Ҳусайн талаби билан сарбадорлар раҳбарлари ўлдирил-

(Темур фақатгина Мавлонзодани ўлимдан сақлаб
бошлади), икки иттифоқчи амирлар ўртасига совуқчиллик
түшиб бошлади. Натижада 1370 йилда Амир Ҳусайннинг
мөроргоҳи Балҳ шаҳри Амир Темур томонидан эгалла-
ниб, Мовароуннахрда хокимият Амир Темур қўлига
утади.

3.2. Амир Темур давлатининг маъмурий тузилиши ва бошқарув тартиблари

Амир Темур Мовароуннахр таҳтига ўтирган пайтда,
мамлакатда аҳвол анча оғир эди. Мовароуннахр ҳудуди
или мӯғул истилоси асоратларидан батамом халос бўлма-
ши, халқ хўжалиги издан чиққан, меҳнаткаш халқ оғир
кунларни бошдан кечирмоқда эди. Давлат қудратининг
пососи бўлган иқтисодни тиклаш, сиёсий ва маъмурий
бошқарув муассасаларини барпо этиш Амир Темурнинг
кумдор сифатида ҳал қилиши лозим бўлган дастлабки
пососий вазифаларидан бири эди. Амир Темур 1370 йил
май ойида Мовароуннахр таҳтига ўтиргач, мамлакатда
кум сурган феодал тарқоқликни тугатиб, ягона мар-
казлашган буюк давлатга асос солган бўлса-да, бироқ у
узини мазкур давлатнинг “қонуний” хони деб эълон
цилмайди. Чунки у насл-насад жиҳатидан чингизийлар
сулоласига мансуб эмас эди. Бинобарин, у чигатойлик-
лар анъанаисига риоя қилиб, ўз ҳузурида аввал Суюргат-
мишхонни (1370-1388), унинг вафотидан кейин эса Суюргат-
мишхоннинг ўғли Султон Маҳмудхонни (1388-1402)
расман хон қилиб кўтариб, уларнинг номидан ёрлиқлар
чиқариб, фармойишлар берди ва пуллар зарб эттириди.
Мазкур ҳар иккала хонлар эса давлатнинг сиёсий ҳаёти-
га Амир Темур берган амру фармойишларга мутлақо
аралашмасдилар. Шунга қарамай, Амир Темур ўз сиё-
сий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида мӯғул хонлари-

дан - Козонхоннинг қизи Сарой мулк хонимни ўз ник
ҳига киритди. 1370 йилда бўлган бу никоҳ туфайли Ами
Темур “курагон”, яъни “хон куёви” унвонига эга бўлди.
Бу эса ўша замон қонун-қоидасига кўра, салтанат ҳу
мдорларидан талаб қилинадиган анъаналардан бири эди.
Мана шундай кейин расмий ҳужжатларда Соҳибқирон
“Амир Темур Курагон” номи билан атала бошлади.

Амир Темур Мовароуннаҳрда Қебакхон (1318 - 1320)
томонидан жорий қилинган маъмурий бўлинмаларни
сақлаб, мазкур бўлинмаларга янги мингбоши ва туман-
бошилар тайинлади. Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус-
ларга, улар, ўз навбатида, вилоят ва туманларга бўлини
идора қилинар эди. Соҳибқирон мамлакатни бошқаришда
ўз яқинларига суюнди. Мамлакатнинг гарбий вилоятлари
ўртанча ўғли Мироншоҳга, Балх вилояти катта ўғли
Жаҳонтир мирзога, Хуросон кичик ўғли Шоҳруҳ мирзога
суюргол этилган. У набираларига ҳам суюргол берган
Жумладан, Қобул, Фазна, Қандахор, Ҳинд ерлари Пир-
муҳаммадга, Исфаҳон Умаршайхнинг ўғли Рустамга,
Бағдод Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга суюргол қилинди.

Амир Темурнинг мустакил марказлашгани давлатни
барпо этишга қаратилган биринчи қадами уни мӯгуллар-
дан батамом озод этиш ва салтанатни бошқаришда янги
ва мукаммал тартиб ва қоидалар жорий этиши эди. Амир
Темур асос солган давлат ўрта асрларга хос мусулмон
Шарқида ҳукм сурган давлатлардан унчалик фарқ қили-
маса-да, аммо салтанатдаги бошқарув тизимлари қадим
Турон-Туркистон давлатчилигининг асрий анъаналари
ҳамда янги тартиб ва қонунлар билан такомиллашти-
рилган эди. Бунинг ёрқин мисоли Темур тузуклари ҳисоб-
ланади. Соҳибқирон томонидан яратилган тузукларда
давлат бошқаруви, маъмурий амалдорлар ва уларнинг
вазифалари, турли ижтимоий тоифаларнинг жамият

шетида тутган ўрни ҳақидаги қатъий тартиб ва қонун-
ар ишлаб чиқилган.

Бу даврда бошқарув икки идорадан: даргоҳ ва вазирлик (девон)дан иборат бўлиб, даргоҳни олий ҳукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девон-ар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан бөгланиб туриш ишлари олий девон зиммасида бўлган.

Саройдаги даргоҳ - Олий кенгашда ички ва ташқи несатнинг энг муҳим масалалари, ҳокимиятнинг юқори амалларига мансабдор шахслар тайинлаш ва бошқа маамалларни муҳокама қилган. Даргоҳ тизимида арзбеги, товачи, хожиб, жибачи, қушбеги, хазинадор, хонсонар, баковулбоши, котиб, мунши, битикчи ва бошқа прой амалдорлари фаолият кўрсатганлар.

Амир Темур давлатининг марказий ижро маъмурияти бош вазир - девонбеги бошлиқ етти вазирликдан иборат аркони давлат - Вазирлар маҳкамаси томонидан бошқарилган. **Биринчи** вазирлик - мамлакат ва расмий ишлар бўйича фаолият иш олиб борган. Бу вазирлик вилоят туманларидан тўпланадиган ҳосил, соликлар, ўлпонлар ва уларнинг тақсимоти, кирим-чиқимлар ҳамда ободончилик ишлари билан шугулланган. **Иккинчиси** - вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича бўлиб, аскарларнинг маоши ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғлари таъминоти билан шугулланган. **Учинчиси** - тижорат вазирлиги бўлиб, савдогарларнинг мол-мулкидан олинадиган закот ва божлар, эгасиз қолган мол-мулкларни тасаруф этиш, мерос ва меросхўрлар билан бөглиқ бўлган масалаларни ҳал этиш каби ишларни бажарган. **Тўртинчиси** - салтанат ишларини юритувчи вазир, яъни молия ишлари вазири бўлиб, давлат хазинасидан сарф этиладиган харажатлар, умуман, салтанат кирим-чиқимларни бош-қарган. Мазкур тўрт вазирликдан ташқари, чегара вилоятлари ва тобе мамлакатлар ишларини назо-

рат қилиб туриш учун яна маҳсус учта вазирлик таъсис этилган эди. Бу уч вазир мазкур вилоятлардан давлат хазинасиға келиб тушадиган даромадларни назорат қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган молиявий масалалар билан шуғулланган. Улар, ўз навбатида, салтанатнинг бош назорат ҳайъатини ташкил этганлар. Мазкур ҳайъат “холиса” деб аталган. Бу етти вазирлик девонбегига бўйсунган ва у билан бамаслаҳат салтанатнинг муҳим молиявий ишларини амалга оширган.

Амир Темур давлати идораларида фармонлар ўзига хос янги усуlda – сарнома усулида жорий қилинди. Бу усул Амир Темурни ҳукмдор сифатида намоён этарди. Амир Темур томонидан фармонлар чиқариш тартибига қўйилган талаблар унинг авлодлари томонидан ҳам қабул қилинган. Бунга бир қатор Темурий ҳукмдорлар, масалан, Шоҳруҳ мирзо ва Абу Сайд мирзолар томонидан чиқарилган ва асл нусхада сакланиб қолган кўплаб ҳужжатлар асос бўла олади.

Амир Темур амалга оширган буюк ишлардан бири – эркин ва цивилизацияли институт сифатидаги давлатчилик ғоясини асослаш ва уни ҳимоя қилиш бўлди.

Амир Темур ўз давлатини барпо қилишда ўтмишда мавжуд сиёсий бошқарув тажрибаларидан кенг фойдаланди. Мазкур давлат ўз таркибий тузилишига кўра кўпинча ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Унинг давлат бошқарув тизими қўл остидаги бутун худудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган бўлиб, бу соҳадаги тажрибалар ўрта асрлардаги Ўрта Осиё давлатларида кенг қўлланилган идора усуллари тажрибаси билан бойитилган эди. Амир Темурнинг Низомулмулк томонидан яратилган “Сиёсатнома” асаридан давлат ишларида қўлланма сифатида кенг фойдаланиши, “Темур тузуклари”да “Сиёсатнома”дан фикрлар келтириши бунга ёрқин мисолдир.

Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилди:

- давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши;
- давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, инфокура асосида бошқарилмоғи;
- бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши;
- жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар давлат эътиборида бўлиши;
- фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайгуаринш;
- ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш;
- давлат тепасидаги қучлар ўтмиш, замона ва келаjakни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоги.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққинчисини, жамият ривожи ва барча ижтимоий табакалар манфаатларини таъминлашни ҳам қўшди.

Амир Темурнинг тарихдаги хизмати яна шундан иборатки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва таш-қи сиёсатнинг тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштириди. Унинг ташқи ва ички фавқулодда воқеалардан воқиф этиб турувчи минг нафар пиёда, минг нафар тужумган, минг нафар от минган чопарлари бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир қунлик йўл оралиғида маҳсус бекатлар - ёмхоналар ташкил этилган. Ҳар бир бекатда 50-200 бошдан от-улов тутилган.

Амир Темур салтанат ишларида ўзининг пирлари маслаҳатларидан ҳам кенг фойдаланган. “Темур тузуклари”да соҳибқироннинг пирлари ва уларнинг кўрсатма-

лари баёни берилган. Асли хурносонлик йирик шайх бўлған Зайнуддин Абубакр Тойободий Амир Темурга давлат бошқариш ишларида кенгащ, машварату маслаҳат, хуш ёрлик, эҳтиёткорлик амалларига риоя этишни маслаҳат берган.

Шунингдек, Сайид Барака, Мир Сайид Шариф Журжоний, Термиз саййидларидан Ала-ал Мулк, Абул Маолий ва Али Акбарларнинг амир Темур давлати даргоҳларидаги машварату-кенгашларда фаол иштирок этганлари “Темур тузуклари”да баён этилган.

Давлат бошқарувида соҳибқиран ислом қонун-қоидаларига асосланган ҳолда иш юритган. Унинг Қуръони Каим ва Ҳадиси Шарифларга бўлган муносабати самимий ва олий даражада бўлган. Пайғамбар авлодлари, шайх ул-машойихларга ҳурмати чексиз бўлган. Давлатни куҷайтиришда ҳам айнан шундай кишиларга таяниб иш юритган.

Ижтимоий-иктисодий тузум. Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда аҳолининг яшаш даражаси ва шароити яхшиланган. Ягона марказлашган давлатнинг шаклланиши ва ривож топиши билан оддий аҳолининг тинч ва осуда яшаб, меҳнат қилишига шарт-шароитлар яратилди. Амир Темур салтанат пойтахти Самарқанд шаҳрини мудофаа қудратини ошириш билан бирга (1370 йилда ёк мудофаа девори барпо этилади), шаҳарда ободончилик ва қурилишларга катта эътибор қаратди. Амир Темур ўз пойтахти Самарқанд жамолини тубдан ўзгартиришга қарор қилиб, унинг атрофига Боги Жамол, Боги Дилкушо, Боги Чинор, Боги Беҳишт ва Боги Нав каби 12 та бофни барпо эттиради. Шунингдек, Самарқанд атрофига қишлоқлар барпо этиб, уларни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларининг номи (Бағдод, Дамашқ, Миср, Шероз, Султония, Мадрид ва Париж) билан атади.

Нафакат пойтахт Самарқандда, шу билан бирга, ул-

шаралар, масжиду мадрасалар, савдо дүконлар, күпприклар ва бошқа иморатлар бино қилдирди. Мамлакатнинг қон томири бўлмиш савдо йўлларини қайта тъммирлаб, карвонсаройлар, работлар, сардобалар ва циммоллар қурдирди. Тижорат аҳлига кенг йўл очиб, тизина ҳисобидан сармоя учун қарзлар берди. Кишлоқ ўжалигини ривожлантириш учун деҳқонларга уруғлик отказиб, сув иншоотларини таъмирлаб, айрим жойларни янгидан канал ва ариқлар қаздирди. Мамлакатнинг шигисодий аҳволини кўтаришда савдонинг аҳамияти бениёс эканлигини тушунган ҳукмдор бозорлар, расталар ва тимлар қурдирди ҳамда турли-туман устахоналар ширпо этиб, халқ хунармандчилик санъатини ривожлантиради.

“Темур тузуклари”да Амир Темур ўз мамлакатини бошқаришда аҳолини маълум ижтимоий қатламларга бўлганигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Улар, асосан, ўн иккита гурухга бўлинган. Булар қўйидаги ижтимоий тоифалар:

- сайийидлар, олимлар ва шайхлар;
- катта тажрибага эга илмли кишилар;
- дую қилувчи тақводорлар;
- лашкарнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлари;
- аскарлар ва халқ оммаси;
- давлат бошқарув ишларини ипидан-игнасигача биладиган маслаҳатгўй доно ва ақлли кишилар;
- вазирлар, котиблар, девон бошлиги;
- тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар;
- муҳаддислар ва муарриҳлар;
- тасаввуф вакиллари ва орифлар;
- хунармандлар ва санъаткорлар;
- ажнабий сайёхлар ва савдогарлар.

Юқоридаги ижтимоий қатламлар Амир Темур давла-

тининг маъмурий-бопкәрув тизимидағи тартиблар би
лан алоқадор ҳолда унинг ҳарбий-сиёсий характерди
бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Солик тизими. Кўпгина манбалар Амир Темур иш
темурийлар даврида Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларди
солик тизими маълум меъёрга туширилганлигини ба
қилади. Темурийлар даврида соликнинг асосий тури хи
рож бўлиб, зироатчилар қандай ер мулкларида яшаб
экин экишларига қараб хирож тўлаганлар. Улар, асо
сан, тўрт турга бўлинади;

- 1.Давлат ерларида ишловчи зироатчилар;
- 2.Хусусий мулк ерларида ишлайдиганлар;
- 3.Ўз ерида ишловчилар;
- 4.Вақф ерларида ишловчилар.

Хирож маҳсулот ёки пул билан олинган. Ҳажми ҳосил
нинг ярми микдоригача борган. Савдогарлар ва ҳунар-
мандлар, чорвадорлардан закот солиғи олинган. Мағлуб
шаҳар аҳолисидан жизъя олинган. Чегара ҳудудларида
божхоналар бўлиб, четдан келадиган савдогарлардан бож
ундирилган. Маҳаллий савдогарлар тагжой, боғдорлар
танобона тўлаганлар.

Хукукий муносабатлар. Амир Темур ва темурийлар
даврида ҳам бутун ислом мамлакатларида бўлганидек,
исломий шариат суд-хукуқ тизимининг асоси ҳисобла-
нарди. Шариат ажкомларини бошқариш мамлакатнинг
бош қозиси ихтиёрига берилган бўлиб, унинг вилоятлар-
даги маҳкамалари фаолияти вилоят қозилари томонидан
олиб борилган. Кўшин учун алоҳида ҳарбий-суд тизими
мавжуд бўлиб, уни қози-аскарлар - ҳарбий қозилар
юритганлар. Суд-хукуқ тизимида шайхулислом, садр,
муфти, мутавали, муҳтасиб ва бошқа амалдорлар ҳам
катта ўрин туттган.

Қози - ҳар бир шаҳар ва вилоятда, девоннинг турли

Лүгинларида қонунни назорат қилган. Қозилар даражаси
марtabасига кўра бир-бирларидан фарқ қилиб турган.

Садрлар – асосан, саййидлардан чиққан шахслар
улиб, улар аҳли исломга бошчилик қилган. Уларнинг
мұхим вазифаларидан бири мамлакатдаги вақфлар-
ни назорат қилиш бўлган. Садрлар суюрголни ҳам белти-
б турганлар.

Мутаваллий – садрлар томонидан вақфларни бошқа-
риш ва назорат қилиш учун тайинланган шахс.

Мударрис – диний масалалар, шариат, тафсир, ҳадис
ни фикҳдан дарс берувчи шахс.

Мухтасиб – бозорларда тарози, нарх-навони назорат
қилувчи масъул шахс.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан яратилган ва-
давлат бошқаруви соҳасида ўз даврининг мукаммал
қонун-қоидаларини ўз ичига олган тузукларда нафақат
давлат бошқаруви, шу билан бирга жиноят ва жазо тур-
лари ҳақида мұхим қоидалар ҳам келтирилади. Хусу-
сан, Темур тузукларига кўра:

-қайси бир сипохий ҳаддидан ошибб, қўл остидаги ки-
шига зулм қиласа, уни зулм кўрган кишига топширганлар
ва ўша мазлум кишининг ўзи сипохийни жазолаган.

-хазинабон молия ишида хиёнат қиласа, текширувдан
сўнг, масъул шахснинг ўзлаштириб олган маблағи мао-
шидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маоши
хисобидан ушлаб қолинган;

-кишлок օқсоқоли, шаҳар улуғлари пастроқ тоифа-
даги кишига зулм қиласа, ўша зулмга яраша катта миқ-
дорда жарима солинган;

-халқда жабр-зулм қилган ҳарбий киши жарима тұла-
ган ёки дарра билан калтакланган;

-кимда-ким ўғирлик қилиб, бирорнинг молини ўғир-
ласа, ўшани қайтариши шарт бўлган ёки ясога мувофиқ
қаттиқ жазога тортилган.

“Темур тузуклари” кўриб чиқилаётган даврда манжуд бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадиган мухим тарихий манба сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хурросонда давлатчилик ва иқтисодий-маданий ҳаёт ривожи. Кўпгина темурий ҳукмдорлар Соҳибқироннинг буюк давлатчилик анъаналарини, бунёдкорлик ва ободончилик ишларини давом эттирадилар. Шоҳруҳ Мирзо даврида (1407-1447) Хурросон, Улугбек Мирзо Курагон (1394 - 1449) даврида Мовароуннахр сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан анча юксалди. Айниқса, илм-маърифат бобида юксак погонага кўтарилиди. Самарқанд шаҳри Шарқнинг илм маркази бўлиб шуҳрат қозонди. Зотан, Улугбек Мирзонинг саъй-ҳаракати ва ҳомийлиги натижасиди Шарқнинг машҳур алломалари, уламою фузало, шоирлар, сухандон адиллар, етук мусиқашунослар, тарих, фалакиёт, тиббиёт, ҳандаса, математика, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанлар намояндалари Самарқандда яшаб ижод қиласардилар. Ҳунармандчиликка ва аҳли ҳунарга катта имкониятлар очилган эди. Айниқса, заргарлик ва кулолчилик юксак погоналарга кўтарилган эди.

Улугбек Мирзо даврида Мовароуннахрнинг шаҳар ва туманларида ободончилик ишлари гуркираб ўсади. Кўплаб масжид, мадраса, работ, сардоба, ҳаммом ва истироҳат масканлари қурилди. Жумладан, 1417 йилда Бухорода, 1433 йилда Фиждувонда Улугбек номи билан мадраса қурилди. 1428 йилда жаҳонга машҳур Улугбек расадхонаси қурилди. Бундан ташқари, Самарқанд атрофида Боги Майдон номли боф ва Шахрисабзда Кўк Гумбаз масжиди барпо қилинди. Бу қурилишлар ҳақида Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида муфассал маълумот берган. Мазкур қурилишларнинг айримлари бизнинг давримизгача етиб келган. Мазкур

ибнда. Гарниңг салобати ўша замон меъморчилиги ҳамда курилиш усталарининг юксак маҳоратидан хабар бериб турибди.

Соҳибқирон Амир Темур 1383 йилда Хуросонни забт этгач, бу ўлкани бошқаришни ўзининг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзога (1377 - 1447) беради. 1397 йили Шоҳруҳ Мирзо Хуросонга келгач, мамлакат ободончилиги ҳамда ижтимоий-иктисодий ҳаётни юксалтириш учун қатор ишларни амалга оширди. Хуросоннинг пойтахти Ҳирот шахри аста-секин обод шаҳарлар сирасига қўшилиб, Самарқанддан кейинги ўринни эгаллайди. Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда қурилиш, сугориш ишлари, шунингдек, ҳунармандчилик ва маданият тез суръатлар билан ривожланади. Шоҳруҳ ва унинг хотини малика Гавҳаршод бегим Ҳирот, Балх, Машҳад ва бошқа шаҳарларда ўргина масжид, мадраса, шифохоналар ва бошқа маишӣй бинолар қурилишига ҳомийлик қилдилар. Ҳукмдорини ўrnak олган давлат аъёнлари, ўз шахсий маблағлари ҳисобидан масжид, мадрасалар қура бошлайдилар. Натижада, мамлакатда ободончилик ишлари кенг кўламда ривожланади.

1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, Хуросон таҳтига келган Абулқосим Бобур Мирзо (1422 - 1457), Султон Абусаид Мирзо (1424 - 1469) ва айниқса Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро (1438 - 1506) даврларида Хуросон музофоти янада равнақ топди.


Хуросон Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро даврида ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатдан энг юксак даражага кўтарилиди. Улугбек Мирзо қатл этилгандан сўнг, Самарқанд ўз иқтидорини йўқота бошлагач, бу шаҳарга йиғилган аҳли илм, аҳли ҳунар, шоибу адиллар, мусиқашунослар, хаттоту наққошлилар аста-секин уни тарқ этиб, Ҳиротта кела бошлайдилар. Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий уларга ҳомийлик қилиб,

етарли шароитни вужудга келтирадилар. Шу боис Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даврида Ҳирот фанва маданият марказига айланди. Бу даврда илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган етук олимлар сўз устаси сухандон хассос шоирлар, инсон руҳига ҳамоҳанг, нозик таъб мусиқашунослар, моҳир ҳунарманд наққошлар ва устоз мусаввирлар ўзларининг бетакрор асарлари билан Ҳурросон ва унинг пойтахти Ҳиротни довругини жаҳонга машҳур қиласидилар.


Бу даврда Ҳурросонда кўплаб маъмурий ва майший бинолар қад кўтаради. Чунончи Ҳирот ва унинг атрофиди бир неча хонақоҳлар, дор уш-шифолар, ҳаммомлар, мадрасалар, сардобалар, мақбаралар янгидан қурилди, эскилари эса таъмирланади. Айниқса, Алишер Навоийнинг саъӣ-ҳаракатлари билан мамлакатда йирик суниншоотлари, карвонсарой, работ, кўпприк, шифохоналар, хонақоҳлар ва шу каби қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Бинобарин, бу даврда Ҳурросон аҳолиси бир мунча осойишта ва фаровон ҳаёт кечирган.

Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳарсозлик ва меъморчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ юксак ривожланди, илм-фанинг кўпгина соҳаларида катта натижалар қўлга киритилди. Шу сабабли ҳам бу давр **Ўрта Осиё цивилизацияси** ўзининг бутун қудрати ва маҳобати билан намоён бўлган давр сифатида миллий давлатчилигимиз тарихида катта ўрин тутди.

Темурийлар давлати марказий бошқарув тизими



Амир Темур даври сарой амалдорлари



Амир Темур ва темурийлар даври давлат бошқаруви асослари

- **Мукаммал маъмурӣ тизим**
- **Ўтрок ва кўчманчи аҳолининг диний, мислий, миттақавий, этник қадрияларининг уйгуналаштирилганлиги**
- **Давлатчиликда турк, мўгул, араб ва форс бошқаруви анъаналарининг уйгуналаштирилиши**
- **Тезкор ахборот алмашинуви**
- **Халқ ва давлат бирлиги**
- **Кучли ижтимоий концепция**
- **Кучли ҳарбий доктрина**
- **Хафғисзлик тизими**
- **Илгор суд-хукуқ тизими**
- **Муроса, маслаҳат, кенгашларининг фаоллиги**
- **Конун устуворлиги**
- **Кучли иқтисодий сиёсат**

IV БОБ. СҮНГИ ҮРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ: МАЪМУРИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

4.1. Бухоро хонлиги (амирлиги): марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари

Бухоро хонлиги (XVII аср ўрталаридан Бухоро амирлиги) XVI аср бошидан - XX аср бошларига қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган йирик давлат бўлиб, унда 3 та сулола - шайбонийлар (XVI аср), аштархонийлар (XVII - XVIII аср ўрталари) ва мангитлар (1756-1920) ҳукмронлик қилган. Мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлиги деб аталган бу давлат 1868 йилда чор Россиясининг вассалига айланган бўлиб, 1920 йилда большевиклар томонидан бутунлай тугатилди.

Ташкил топиши. Бу давлат асосчиси **Муҳаммад Шайбонийхон (Шоҳбахт)** (1451-1510) ҳисобланади. XV ислернинг 90-йиллари ўрталарига келиб Мовароуннахр, Темурий ҳукмдорларнинг тожу таҳт учун ўзаро курашлари сабабли сиёсий парокандаликка учраб, амалда мустақил бошқариладиган кичик вилоятларга бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ дашт ўзбеклари XVI аср бошларида Мовароуннахрнинг икки йирик шаҳри - Бухоро ва Самарқандни жангсиз эгаллаб олишга эришди. 1503 йилга келиб Жиззах, Зомин, Тошкент ва Фарғона водийси ҳам шайбонийлар қўлига ўтади. 1504-1505 йилларда Амударёning юқори қисмидан (Ҳисор, Бадаҳшон, Қундуз ва бошқалар) то Хоразм воҳасигача бўлган ҳудудлар қўлга киритилди. Ҳурсоннинг сўнгги буюк темурий ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўлимидан кейин (1506) бошланган сиёсий инқироз бу ҳудуднинг ҳам Шайбонийхон қўлига ўтишига олиб келди. 1507 йилда Ҳирот шаҳри қўлга киритилгач, Муҳам-

мад Шайбонийхон амалда бутун темурийлар мулкишинге ягона ҳукмдорига айланди ва барча ўзбекларнинг олий хони деб эълон қилинди. Мамлакат пойтахти этиб Сибир марқанд танланди. XVI аср ўрталаридан бошлиб Убайдуллахон ва кейинчалик Абдуллахон II даврларидан бошлиб пойтахт мақоми Бухоро шаҳрига кўчди. Шундан кейин бу давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

Шайбонийлар сулоласи то 1601 йилгача ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб турдилар. Кейин Бухоро хонлигининг олий тахти аштархонийлар сулоласи (Москва кинзи Иван Грозний босқинидан кейин Астрахан шаҳрида Бухорога келган дашт ўзбеклари) қўлига ўтди. Бу сулоланинг дастлабки ҳукмдорлари шайбоний Абдуллахон II нинг жиянлари бўлиб, шайбонийлар билан яқин қариндош бўлганлар. Аштархонийлар Бухоро хонлигида то XVIII аср ўрталаригача ҳукмронлик қўлдилар. XVIII аср бошлирига келиб аштархонийлар давлатидаги инқирозли вазият янада кучайди. Бу даврда хонлар йирик сарой амалдорлари ва ўзбек қабилалари бошлиқларига тамомила тобе бўлиб, улар хонларни тахтга кўтаришар, тахтдан маҳрум этишар, мамлакатдан қувфин қилишар ёки ўлдиришар эди. Субхонқулихон (1680-1702 йиллар)нинг ўлимидан кейин тахтга ўтирган Убайдуллахон (1702-1711 йиллар) марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилган сўнгти аштархоний ҳукмдор эди. Унинг Ҳисор, Термиз ва Шаҳрисабз вилоятларининг исёнкор ҳокимлари ни бўйсундириш учун қилган ҳаракатлари натижасиз тугади. Пул ислохоти ўтказиб (1708 й.) давлат хазинасини, молиявий аҳволини яхшилашга уриниши сиёсий вазиятни янада кескинлаштириди. Натижада, у ўлдирилиб, таҳтга Абулфайзхон ўтказилди. Унинг ҳукмдорлиги даврида (1712-1747 й.) мамлакатда қабила бошлиқлари, вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга қарши чиқишилари янада кучайди. Амалдорлар фитнаси авж олди.

ижада, Абулфайзхон ҳам Убайдуллахондек ўз шах-
қўриқчиларини рус ва қалмиқ қулларидан тузишга
тубур бўлганлиги манбаларда таъкидланади.

Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида мангит қабиласи
шарлиқларининг давлат бошқарувига таъсири кучайди.
Ондоға янги сулолага асос солган Нодиршоҳ қўшинлари
1740 йилда Қарши, Кеш, Ҳисор, Самарқандни эгалла-
нидан кейин Муҳаммад Ҳаким мангит Нодиршоҳ хиз-
матига кирди ва ўз авлодларига кейинчалик Бухоро тах-
тини эгаллашлари учун имконият яратди. 1747 йилда
Нодиршоҳ, Мовароуннахрга яна ҳужум уюштириб, Тош-
кент, Утрор, Туркистонни эгаллайди, Абулфайзхон тахт-
ни ағдарилади. Расман сўнгги аштархонийлардан Аб-
дулмўмин (1747-1751 йиллар), Убайдуллахон II (1751-
1754 йиллар) ва Шерғози (1754-1756 йиллар) Бухоро тахт-
нида ўтирган бўлса-да, амалда ҳокимият Муҳаммад
Раҳим мангит қўлига ўтади. Лекин у расман 1756 йилда-
ни тахтга ўтириди ва мангитлар сулоласи ҳукмронлиги-
ни асос солди.

Бухоро амирлиги. Шу тариқа, XVIII аср ўрталари-
ниги сиёсий вазият Бухоро давлати таҳтига ўзбеклар-
ниң мангит уруғи вакилларини олиб чиқди. Мангитлар
сулоласи ҳукмдорлари Бухоро давлатини амир унвони
 билан бошқардилар. Мангитлар сулоласи асосчиси Му-
ҳаммад Раҳим ва унинг вориси Дониёлбий (1759-1784 йй)
Бухоро давлати худудини анча кенгайтиришга эришди-
лар. Марказий ҳокимиятга қарши Фузор ва Шахрисабз-
да кўтарилган кучли қўзғолонлар Дониёлбий тамонидан
бостирилди. 1785 йилда унинг ўғли Шоҳмурод “Амир”
унвони билан тахтга ўтириди. Тарихда “Амир Маъсум”
дея ном қолдирган бу ҳукмдор (1785-1800) марказий ҳоки-
миятни мустаҳкамлаб, Бухоро амирлиги сарҳадларини
анча кенгайтириди. Мамлакат иқтисоди яхшиланди. 1800-
1826 йилларда унинг ўғли амир Ҳайдар, 1826-1860 йил-

ларда амир Насрулло Бухорода ҳукмронлик қилди. Насруллохон даврида Бухоронинг ҳарбий қудрати аш ошиди. Шахрисабз ва Хисор бекликлари бўйсундирилди. Кўкон хонлигига тегишли катта ҳудудлар босиб олинди. Лекин Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1880-1885) амирликнинг катта қисми, бой ва серҳосил Зарафшо воҳаси руслар томонидан забт этилди ва Бухоро Россияга тобе давлатга айланди. 1920 йилда амирлик большевиклар томонидан бутунлай тугатилди.

Давлат бошқаруви. Бухоро хонлиги ўз давлат бошқарувида Мовароуннаҳрда асрлар давомида шаклланган давлатчилик тизимидағи кўпгина ўзига хосликларни хусусан, Амир Темур ва темурийлар давлати бошқарутибларини, шу билан бирга, XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хурросонни эгаллаган дашт ўзбекларига хос бўлган бошқарув тартибларини ҳам сақлаб қолади. Дашт ўзбекларига хос бўлган ва асосан уруғ-қабила асл зодалари кенг иштирок этадиган бу анъаналар ва бошқарув тартибларини шайбонийлар Мовароуннаҳрда маъжуд бўлган юксак давлатчилик тизимига сингдириб юбориб, ўзига хос давлат бошқарув тартибларини жорий этишга интилдилар.

Шайбонийлар даврида давлат бошқарув тизими иккита босқичли бўлиб, хон, сарой амалдорлари, ўзбек султонлари ва эътиборли дин пешволаридан иборат марказий давлат бошқаруви ҳамда вилоятлар ҳокимлари ва унга бўйсунувчи амалдорлардан иборат маҳаллий бошқарувдан ташкил топганлигини айтиб ўтиш керак.

Бу даврда олий ҳокимиият чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлифи – хон томонидан бошқариларди. Давлат хон ҳамда унинг авлодининг мулки ҳисобланиб, бошқарув усуллари моҳиятига кўра ўрта аср мусулмон давлатларидан айтарли фарқ қиласди. Одатда ҳукмдор сулола (уруг-қабила)нинг энг ёши улуғигина

давлат бошлиғи – хон бўлишга ҳақли эди. Лекин ҳукмдорнинг шахсий фазилатларига ҳам катта эътибор берилди. Бу одатни биз XVI асрда дашт ўзбеклари давлатида ҳам кузатамиз. Хон одатда эътиборли ўзбек уруғлири бошлиқлари, ислом дини пешволари ва ўзбек сultonлари томонидан сайланган. Шу туфайли ҳам хон улар фикри билан ҳисоблашишга мажбур эди. Давлат аҳамиятига эга бўлган барча масалаларни ҳал этиш ва тегишни қарорлар қабул қилиш учун хон саройида маҳсус мажлис – кенгаш (туркча-чончи, арабча-машварат) ўткачилиши шарт бўлиб, бу ҳолат олий ҳукмдорнинг қуқуқларнинг бироз чекланганлигини, унинг фаолияти ўргу бошлиқлари, руҳонийлар, ҳарбий-маъмурий амалдорлар томонидан назорат қилиниб турилганлигини, давлат бошлиғи расман хон бўлса-да, амалда давлат бошлиғи рувида сарой амалдорларидан ва диндорлардан иборат кенгашнинг аҳамияти ҳам юқори бўлганлигини кўрамиз. Хон авлоди жиҳатидан қанчалик оқсуяқ бўлмасин, агар у ақли, бойлиги ёхуд бошқа фазилатлари билан ўзига кўп тарафдорлар йиғишни уddyalай олмаса, унинг ўзи кенгашда ҳал қилувчи қарорга эга бўлмасди.

Тарихий манбаларда акс этган қадимий одатга кўра бўлажак хонни таҳтга кўтаришда катта таъсирга эга бўлган ўзбек уруғлари бошлиқлари ҳамда эътиборли дин пешволари иштирок этганлар. Улар орасидан сайланган қакиллар бўлажак хонни оқ кигизга ўтказиб таҳтга элтиллар. Бу маросимлар XVI асрнинг 1-ярмида мамлакат пойттаҳти Самарқандда бўлиб ўтган бўлса, кейинчалик пойттаҳт мақомига эришган Бухоро шаҳрида ҳам бўлиб ўтадиган бўлди. Одатда бу маросимда иштирок этганлар кейинчалик нуфузли амал ва мансабларга эга бўлар эдилар. Хоннинг таҳтга келишида ёрдам берган қабила ва уруғлар бошлиқлари эса мамлакатдаги энг муҳим вилоитларга ҳоким этиб тайинланарди. Бу ҳокимлар одатда

уз уругдошларидан тузилган ҳарбий қўшинларга ҳам бошчилик қиласди. Бу ҳолат кўпгина ўзбек уруғлари нинг амалда хон ҳокимииятига нисбатан мустақиллигини сақлаб қолишга олиб келади. Хон томонидан амалга бўлган ўзбек уруғлари бошликлари баъзи ҳолларда ўзини тобе қўшинлар ёрдамида давлат бошқарувида олий ҳукмдорга нисбатан ҳам катта ўрин тутадилар. Улар розилини гисиз олий ҳукмдор давлат аҳамиятига эга бўлган бирор та ҳам жиддий қарорни қабул қила олмасди. Бу ҳолат айниқса, Убайдуллахоннинг ўлимидан (1539) кейин ҳамда аштархонийлар ҳукмронлиги даврида янада яққолро кўзга ташланади.

Бухоро хонлигига тахтга меросхўрлик масаласида ҳам баъзи ўзига хосликларни кўриш мумкин. Даشت ўзбекларida амалда бўлган қадимий одатта кўра тахтга амалдаги хоннинг фарзандлари эмас, балки ҳукмрон сулола-нинг энг ёши улуғи даъвогар (меросхўр) ҳисобланган. Бу тартибни биз Шайбонийхон ўлимидан сўнг (1510) тахтга Кўчкинчихон, яъни Шайбонийхоннинг амакиси ўтқазилганида ҳам кўрамиз. Лекин бу тартибга бутун Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида қатъий амал қилинган деб бўлмайди, албатта.

XVI асрнинг 2-ярмига келиб, тахтга муносабат масаласида оилавий анъаналар устунлиги тўла намоён бўлади ва бу ҳолат одатий ҳолга, анъанага айланади. Бундай одатнинг қарор топишида Шайбоний ҳукмдор Абдуллахон II нинг фаолияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳусусан, 1557-1560 йилларда Мовароуннаҳрнинг марказий вилояларида ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг, Абдуллахон ўз отаси Искандар сultonни Карманадан Бухорога олиб келиб, уни бутун ўзбекларнинг олий хони деб эълон қиласди. Кейинчалик отаси ўлимидан сўнг (1583) Бухоро тахтига Абдуллахоннинг ўзи ўтиради. Абдуллахондан сўнг эса (1598) ҳокимият унинг ўғли Абдулму-

мин кўлига ўтади. Шу тариқа XVI асрнинг 2-ярмида Буюк хонлигига таҳтга меросхўрлик масаласида оиласий манфаатларнинг сулола манфаатларидан тўла устунлик қилинганлигини кўрамиз. Шунга қарамасдан, баъзи тадқиқчиларнинг фикрича, шайбонийлар сулоласида таҳтга меросхўрлик масаласидаги давомийлик муайян ва аниқ бир шаклга эга бўла олмаган. Бунга мисол тариқасида таҳтга Абдулмўминдан кейин Пирмуҳаммад II (Абдуллахоннинг жияни) ўтирганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Лекин шунга қарамасдан айнан XVI асрнинг 2-ярмиди, Абдуллахон II томонидан жорий қилинган таҳтга меросхўрлик тартибиға кейинчалик аштархонийлар ва мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида қатъий амал қилинганлигига эътибор қаратиш лозим.

Хон саройидаги йирик мансабдорлардан иборат марказий бошқарув тизими давлатнинг ички ва ташқи ҳаётити боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этарди. Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тизимида, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида давлат бошқарувида муҳим роль ўйнаган ва доимий фаолият кўрсатган девонлар орқали бошқарув тизими шайбонийлар даврида астасекин истеъмолдан чиқиб кета бошлайди. Унинг ўринини тарихий манбаларда **даргоҳ** (олий даргоҳ) деб аталган давлат идораси эгаллайди. Марказий бошқарув мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётита боғлиқ барча масалаларни ҳал қиласидиган ва доимий фаолият кўрсатган **олий даргоҳга** жамланган эди. Даргоҳ олий ҳукмдор – хон томонидан бошқарилган. Даргоҳда хондан кейинги муҳим амалдорларни асосан икки тоифага: ҳарбий-маъмурий амалдорлар ва диний мансаб эгаларига бўлиш мумкин.

Марказий давлат бошқарувида мазкур сарой амалдорларининг мавқеи жуда юқори эди. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, давлатда хондан кейинги ўринда турувчи йирик сарой амалдори **Нақиб** бўлган. У

хоннинг энг яқин ва ишончли кишиси бўлиб, давлатни
ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда хон-
нинг биринчи маслаҳатчиси ҳисобланган. Нақиб мансаби
бига эга бўлган киши XVI-XVII асрларда “қози аскер”
яъни ҳарбий судьялар бошлиғи бўлиб хизмат қилгани
ги ҳам маълум. Шу тариқа Нақиб нафақат ҳарбий-мадди-
мурий, шунингдек, диний ваколатларга ҳам эга бўлган.
Лекин диний мавқеи жиҳатдан Шайх ул-ислом ва қади-
ул-қуззотдан кейинги ўринда турган.

Нақиб мансабига фақатгина пайғамбар авлодлар
ҳисобланмиш саййидлар ва хўжалар тайинланган. Билан
Бухоро хонлигига ҳарбий сиёсат ва мағкур
жиловини битта сарой амалдори доирасида бошқари
туришга интилиш бўлганлигини қўрамиз.

Давлат бошқарувида қўкалдош ва оталиқ мансаби ҳам
муҳим ўрин тутарди. Кўкалдош хоннинг энг яқин киши-
си бўлиб, у давлатда махфий маълумотларни йиғи-
ишлари билан шуғулланган. Оталиқнинг асосий вазиси-
си вилоятларга (улусларга) ҳукмронлик қилувчи вояг-
етмаган ўзбек сultonларини давлат бошқарувига тайёр-
лашдан иборат эди. Одатта кўра меросхўр шаҳзодаги
оталиқ қилган шахс бу меросхўр таҳтга ўтирганидан сўнг
давлатда энг юқори мансабга ва мавқега эга бўлар эди.

Олий сарой амалдори ичида оталиқдан кейинги ўрин-
да олий девонбеги туриб, у мамлакатда хирож солиги
йиғилишига масъул амалдор бўлган. Марказий давлат
бошқарувида вазири аъзам, вазир, девонбеги, муш-
риф, хазиначи, шифовул, эшик оғабоши, парвоначи ва
бошқа амалдорлар ҳам ўз ўрнига эга эдилар Албатта бу
ва бошқа мансаблар шайбонийлар даврида пайдо бўлган
деб айтиш мушкул. Хусусан, шайбонийлар даврида хон
фармонларини, ёрликлар ва бошқа расмий хужжатлар-
ни ижрочига етказишига масъул бўлган амалдор - парво-

чи XIV асрда Шоҳруҳ Мирзо саройида ҳам бўлганли-
маълум.

Бухоро хонлигида сарой амалдорлари ичидаги аҳли
шам тоифасига мансуб кишилар ҳам бўлганлигини ай-
ниб ўтиш зарур. Уларга хон ҳокимиятининг барча ки-
ми-чиқимларини ҳисоб-китоб қилиб борувчи ва бу маъ-
лумотларнинг сир сақланишига масъул амалдор девон-
беги (девони калон), мушриф, дафтардор, мунши (хон-
нинг шахсий котиби) ва бошқа турли амалдорларни қўрса-
тиш мумкин. Улар ичидаги фақат девонбегигина отда арк-
и кириш хуқуқига эга эди.

Хон саройидаги тартиб-интизом, келди-кетдиларни
шизорат қилиш каби юмушларни эшик оғабоши бошчи-
лигидаги хизматкорлар бажарган. Ҳарбий ҳаракат пай-
тида бу хизмат вакиллари зиммасига хоннинг муҳим
ҳарбий топшириқларини бажариш вазифаси ҳам топ-
ширилган.

Бухоро хонлигидаги сарой амалдорлари ичидаги ясовул
ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг бер-
ни маълумотига қараганда, у кичик сарой хизматчилари
тоифасидан бўлиб, у Ясо ва Йўсуннинг бажарилишини
кузатиб борган. Ясовуллар, шунингдек, хоннинг шахсий
қўриқчиси ва хизматчиси ҳам ҳисобланган. Ясовул хон
 билан унинг ўғиллари ўртасидаги муносабатларни тегиши-
ли қонун-қоидалар асосида йўлга қўйиш, шахзодалар-
нинг олий ҳукмдор қабулига ташриф қилиши каби нозик
топшириқларни ҳам бажаришта масъул ҳисобланган.

Шу тариқа шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги дав-
рида Бухоро хонлигидаги бир қанча тоифаларга бўлинади-
ган сарой амалдорлари, мансаб ва унвонлар мавжуд
бўлиб, уларнинг эгалари зиммаларига юклатилган асо-
сий вазифаларидан ташқари, қўшимча вазифаларни ҳам
бажариб келган. Бу вазифалар кўп ҳолларда ҳарбий
фаолият билан боғлиқ бўлиб, бу Бухоро хонлигидаги ҳар-

бий-сиёсий вазиятга мос равиша шаклланган. Хусусан, мирохур (хонга тегишли от-уловларга масъул амалдор) шифовул (хорижлик элчиларни қабул қилиш маросимине масъул етакчи амалдор) ва ҳатто баковулбоши ва дастур-хончи каби амалдорлар ҳам ўз вазифаларидан ташқари вазиятга қараб ҳарбий юмушларни ҳам бажарганлар.

Бухоро хонлиги давлат бошқаруви тизимида девонларнинг ўрни тўғрисида гапирганда, бу даврда девонлар олдинги даврлардагидек, хусусан, Амир Темур ва то мурийлар давридагидек аниқ кўринишга эга бўлмаган лигини, шу туфайли ҳам, умуман, девонлар фаолияти ҳақида гапириш мушкуллигини айтиб ўтиш жоиз. Шунга қарамасдан, Бухоро хонлигига ҳам бир нечта девонлар (девони калон, девони тоноубон ва бошқалар) фаолият кўрсатганлиги манбаларда акс этган бўлиб, уларни фаолияти, асосан, давлат бошқарувигина эмас, балки давлат ва хон даргоҳи миқёсида даромад ва ҳаражатларни қайд этиб бориши билан ҳам белгиланган. Бу девонларни девонбеги бошқарган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, девонбеги муҳим масалалар, мол-мулк, ер-сув, молия масалалари юзасидан хонга ҳисботларни тайёрлаш бўйича ҳам масъул бўлган.

Хон саройида ҳукмдор сулола аъзоларига тегишли мол-мулк, ер-сувларни бошқарувчи ва назорат қилувчи девон – девони хосса ҳам бўлганлиги маълум. Гарчи “Абдулланома” асарида вазирлар тўғрисида баён этилган бўлса-да, аммо уларнинг вазифалари ва саройдаги мавқеи хусусида аниқ фикр айтилмаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, вазирлар бирор-бир девон доирасида фаолият олиб борган бўлишлари ҳам мумкин.

Маъмурий тузилиши ва маҳаллий бошқарув. Бухоро хонлигидаги маҳаллий бошқарув тизими ҳақида гапиришдан олдин, хонликнинг маъмурий тузилишига тўхталиб ўтиш зарур. Бухоро хонлиги маъмурий жиҳатдан

Вилоятлардан ташкил топган бўлиб, манбаларда Самаринд, Насаф (Қарши), Кеш (Шахрисабз), Термиз, Балх, Марв, Коракўл, Миёнқол, Шош (Тошкент), Туркистон, Фаргона, Ўратепа каби қатор вилоятлар тилга олинади. Вилоятлар ўз навбатида туманларга бўлинган, улар эса навбатида кичик маъмурий бирликлар - хазораларга, мавзеларга бўлинган. Қишлоқ оқсоқоли томонидан бошқриладиган қишлоқ жамоаси маҳаллий бошқарув тизимининг энг қуий бўғини ҳисобланган.

Вилоятларни хон томонидан тайинланган ҳокимлар бошқарган. Вилоят ҳокими ўз қўшинига ва турли ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорлардан иборат ўз бошқарув тизимига эга бўлган. Шайбонийлар ва аштархонийлар даврида хонликдаги вилоятлар ичida Балх вилоятининг мавқеи юқори бўлиб, Бухоро тахти меросхўри Балх ҳокими этиб тайинланарди. Кейинги даврларда тахт меросхўрига Қарши ва Кармана вилоятлари ҳокимлиги берилиб, олий ҳокимиятга тайёрлаш одат тусига кирган.

Пойтахт шаҳар ва унга тегишли туманлар хон томонидан бошқарилган. Вилоят ҳокимига одатда хоннинг яқин на ишончли кишилари, қариндошлари, йирик ўзбек уруғлари бошлиқлари, ҳарбий юришларда ўзини кўрсатган ўзбек султонлари муносиб кўрилган. Маълумки, Мовароуннаҳр ва Хурсонни эгаллаган Шайбонийхон бу ўлкаларни ўз яқин қариндошларига, ўзбек султонларига суюргол сифатида тақсимлаб берган. Шу тариқа ўзбек султонлари ҳарбий-маъмурий амалдорга айланиб, ўзига тегишли бутун бошли вилоятга якка ҳокимлик қилган. Бухоро хонлигининг маъмурий тузилиши ва маҳаллий бошқарув тизими ҳақида гапирганда ундаги давлат чегаралари ва маъмурий бирликлар ҳудудлари доимий бўлмай, сиёсий вазиятга боғлиқ равишда ўзгариб турганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Баъзи вилоятларда марказий ҳокимиятга қарши чиқишлар тез-тез содир

бўлиб, улар маълум вақт амалда вилоят ҳокимлари то монидан мустақил бошқарилиб турилган. Бу ҳолат Бухоро хонлигига мукаммал шаклланган маъмурий тизим ва маҳаллий бошқарувга эришилмаганлигидан да лолат беради.

Мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви ва маъмурий тизимда жиддий ўзгаришлар кўзни ташланмайди. Бухоро амирлигига энг олий ҳукмдор ами бўлиб, у чекланмаган ҳукуққа эга эди. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, диний масалалари пойтахт Бухоро шаҳридаги бошқароргоҳ - Аркда ҳал этиларди. Амирликдаги бошқарув усули Туркия, Эрон, Афғонистон ва бошқа мусулмон давлатларидан анча фарқланар эди. Амир давлатни сарой даги марказий ижроия ҳокимииятига ва маҳаллий бошқарув аппаратига таяниб бошқарар эди. Марказий ижроия ҳокимиияти сарой аъёнларидан ташкил топган. Унга амирнинг бош вазири – қушбеги бошчилик қилиб, девонбеги, парвоначи, кўкалдош, оталик, додхоҳ, шайх ул – ислом мирзабоши, ясовулбоши, қози Калон, Худойчи, Дастурхончи ва бошқа мансабдорлар кирган.

Бухоро амирлиги мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида маъмурий жиҳатдан 28 та бекликка бўлинган. Улар қўйидагилардир: Қарши, Фузор, Чироқчи, Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Бойсун, Денов, Шеробод, Ҳисор, Қоратегин, Дарвоз, Балжуон, Шуғнон, Рушон, Қўлоб, Қўргонтепа, Қобадиён, Калаф, Керки, Бурдалик, Қалакчи, Наразм, Чоржуй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота ва Ҳатирчи. Бекликлар амир тайинлаган бек томонидан идора қилиниб, ҳар бир бек ўз бошқарув аппаратига эга эди. Уларга солик йигувчи, раис (шариат қонунларининг тўғри бажарилишини назорат қилувчи) ва миршаббошилар кирган. Бекликлар, ўз навбатида, кичик ҳудудий бўлинма - амалдорликларга бўлинган. Уларни амлокдор ёки оқсоқол бошқарган.

**Бухоро хонлигидаги марказий ва
махаллий бошқарув тизими**

Хон

Марказий бошқарув

Даргоҳ

Ҳарбий бошқарув

Сарой амалдорлари

Диний бошқарув

Нуён
Тугбеги
Тавочи
Жевачи
Кутвол
Доруга
Курчибоши
Мингбоши
Қози аскар
Қози муфти
Чухра боши

Қўқалдош
Оталиқ
Нақиб
Парвоначи
Девонбеги
Вазир
Мушриф
Хазиначи
Шиговул

Шайх ул-ислом
Қози калон
Аълам
Муфти
Раис (Мухтасиб)

Маҳаллий бошқарув

Вилоят ҳокими

Кўшин бошлиги

Солик йигувчи
амалдорлар

Туман ҳокими
Касаба ҳокими


Кишлоқ оқеоқоли

Диний бошқарув

Қози, муфти,
раис

Бухоро амирлигидаги сарой унвони ва мансаблари

АМИР



4.2. Хива хонлиги: худуди, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари

Ташкил топиши. Темурийлар давлати таркибига кирган Хоразм воҳаси 1505 йилда Шайбонийлар давлати таркибига қўшиб олинди. Шайбоний Абдуллахон ўлимидан ўнг (1598 й.) Хоразм мустақил бошқарила бошлайди. Лекин Бухоро хонлари Хоразмга бўлган таъсирларини бирмунча сақлаб қолдилар. XVII асрда Араб Муҳаммад (1602-1623 й.), Асфандиёр (1623 - 1643 й.), Абулғозихон (1643 - 1663 й.)лар бирин-кетин Хива таҳтига ўтирдилар.

Абулғозихон умрининг охирида ҳокимиятни ўғли Анушахонга (1663-1687) бериб, ўзи илм билан шуғулланади, “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” тарикий асарларини ёзди. Абулғозихон ва Анушахонлар бир неча марта Бухоро сарҳадларига бостириб кирдилар. Бу ўзаро муносабатларни янада чигаллаштириди. Кейинги даврларда Бухоронинг Хоразмга таъсири кучайди. Хива таҳтини Бухоро ҳукмдори Субҳонқулихон ёрдамида Ӯрнак (1687-1688) эгаллаган бўлса, 1688-1707 йилларда Шоҳниёз таҳтга ўтириди. У Бухорога қарамликдан қутулиш учун Россияга - Пётр I га вакил юбориб, Хивани Россия таркибига қўшиб олинишини сўрайди. Араб Муҳаммад (1707-1714 йиллар)дан кейин таҳтга ўтирган Шерғозихон даврида (1715-1725 йиллар) русларнинг Бекович-Черкасский бошчилигига Хивага уюштирган ҳарбий экспедицияси тор-мор этилди. Ундан кейинги даврда Хивада марказий ҳокимият анча заифлашди. Элбарсандан (1728-1740 йиллар) сўнг ҳокимият бир неча қозоқ хонлари (Абулхайрхон, Таибхон, Абдуллахон) қўлига ўтди. 1763 йилдан бошлаб ўзбекларнинг кўнгирот қабиласидан бўлган иноқлар Хивада амалда ҳукмрон бўлиб қолдилар. Иноқ Муҳаммад Амин (1763-1790 йиллар) дав-

рида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотни ривожланди. Иноқлардан Элтузархон (1804-1806 йиллар) расман қўнгиротлар сулоласининг 1-хони ҳисобланади. Унинг вориси Муҳаммад Раҳим 1 (1806-1825 йиллар) даврида Хива хонлигини бирлаштириш ниҳоясига етка зилди. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиб, соликлар тартибга солинди, олтин тангалар зарб қилинди. Оллоқулихон даврларида (1825-1842 йиллар) яна ўзаро низолар кучайди. Туркман қабилаларининг мавқеи ошди. Хиваликлар Хурросонга ҳарбий юришлар уюштириб турдилар. Муҳаммад Аминхон (1845-1855 йиллар) Хурросон ва Марига 100 дан ортиқ юришлар уюштирди. 1855-1856 йилларда Абдуллахон ва Қутлумуродхонларнинг қисқа хонлик давридан сўнг, Саид Муҳаммад (1806-1865 йиллар) таҳтни эгаллайди. Унинг вориси Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910 йиллар) даврида руслар Хива хонлигини бўйсундириб, уни Россиянинг вассалига айлантиридилар (1873.). У “Феруз” таҳаллуси билан ижод қилиб, ўзбек классик адабиёти ривожига катта ҳисса қўицди.

Хиванинг сўнгги давр хонлари Асфандиёрхон (1910-1918 йиллар) ва Саид Абдуллахон (1918-1920 йиллар) бўлган. Хонлик 1920 йилда большевиклар томонидан бутунлай тугатилди.

Давлат тизими, маъмурий тузилиши, унвон ва мансаблар.

Хива хонлиги хон томонидан сарой амалдорлари ёрдамида бошқариладиган, якка ҳокимчиликка асосланган давлат бўлиб, унинг тизими Бухоро ва Қўқон хонликларидан деярли фарқ қилмаган. Хонликдаги энг олий унвон хон бўлиб, у маъмурий-сиёсий, ҳарбий ва диний ваколатларга эга эди. Бухоро ва Қўқон хонлигидан фарқ қилиб, Хива хони ҳузурида доимий фаолият курсатувчи Кенгаш (Девон) мавжуд бўлган. Энг юқори мансаб ва унвондаги амалдорлар аъзо бўлган бу кенгашнинг вако-

нати чекланган, барча қарорлар амалда хон томонидан қабул қилинган бўлса-да, лекин йирик сарой амалдорларининг, қабила бошликларининг, маҳаллий ҳокимларининг давлат бошқарувига кўрсатадиган таъсирини эътироф этиш зарур.

Давлат бошқарувида хондан кейин иноқ, оталиқ ва бий муҳим аҳамиятга эга амалдорлар ҳисобланар эдилар. Инокларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеининг ошиши XVII аср ўрталарида бошланди. Абулғози Баҳодирхон Хива тахтини эгаллагандан кейин ўзаро уруш ва жангларни бартараф қилиш учун давлат бошқаруви бўйича ислоҳотлар ўтказди. Амударё қуи кисмида яшаётган барча аҳоли тўрт гурухга (тўпга) - уйгур-найман, қўнғирот-қиёт, нукус-манғит ва қанғли-қипчокга бўлинди. Ҳар тўпга алоҳида ҳудуд, сугориладиган ариқ ва каналлар аниқлаб берилди. Ҳар бир тўпдан 4 тадан, яъни ҳар бир қабила иттифоқидан битта намоянда давлат бошқаруви ва маъмурий ишларга жалб қилинди. Давлат бошқарув тизими ҳам ўзгартирилди. Ўзбек зодагонларидан 360 нафар киши турли давлат мансаблари ва амалларига тайинланди. Қабила бошликларидан 30 нафар киши хон ноиблиги ва ёрдамчилигига жалб қилинди ва уларга турли унвон ва вазифалар берилди. Иноклар мавқеининг ошиб бориши ҳам шу даврга тўғри келади.

Хива хонлигига нақиб, амир ул-умаро, меҳтар, (саройдаги хизматкорлар бошлиғи) қушбеги, беклар беги, девонбеги, оталиқ, бек, парвоначи, дастурхончи, эшик оғаси, шотир, ясовулбоши, удайчи, мингбоши ва бошқа бир қанча мансаблар ҳам мавжуд бўлган. Хонликдаги барча мансабларни қўшни ўзбек хонликларидағи сингари ҳарбий, ҳарбий-маъмурий ва диний унвонларга бўлиш мумкин.

Хива хонлигига барча фармонлар ўзбек тилида эълон қилинган, давлат ишлари, ҳужжатларининг барчаси

ўзбек тилида ёзилган. Бу билан у ҳужжатлар юритиш форс-тожик тилида юритилган Бухоро ва Кўқон хонликларидан фарқ қилган.

Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XVI-XVII асрларда вилоятларга бўлинган бўлса, XVIII аср охири XIX аср бошларидан бошлаб, давлатдаги асосий маъмурий бекликлар – бекликлар деб юритила бошлади. Бу даврда хонликда 16 та беклик ва иккита ноиблик машжуд эди. Улар Хазорасп, Гурлан, Хонқа, Кўхна Урганч, Кўшқўприк, Питнак, Газовот, Қиёт, Шоббоғ (Шоҳаббоз), Шавот, Тошқовуз, Амбарманақ, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва Қўнғирот бекликлари ҳамда Бешарниқ ва Қиёт-Қўнғирот ноибликлариdir. Бекликни ноибликларни хон тайинлайдиган беклар ва ноиблар бошқарган. Хива шаҳри эса бош вазир – инокнинг шахсан измида бўлган.

Хива хонлиги ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларининг бир қисмини ўз ичига олган давлат эди.


Ижтимоий тизим. Якка ҳокимликка асосланган ўрта аср мусулмон давлатларида бўлганидек, хон ва унинг аъёнлари катта ижтимоий ҳуқуқларга эга эди. Лекин бу мустаҳкам қонунлар билан кафолатланмаган бўлиб, ҳокимииятга, яъни чекланмаган ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлишга интилувчи кучлар томонидан доимий равишда хон ҳокимииятига катта хавф мавжуд эди.

Сарой амалдорлари, марказий ва маҳаллий бошқарувнинг юқори поғоналарини эгаллаб турган ижтимоий табақалар, ҳарбий маъмурий амалдор ва мансаб эгалиари катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга ижтимоий табака эди.

Дахлсиз ҳуқуқларга, аҳолининг барча ижтимоий табақаларига катта таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган оқсуяқ табака – маҳаллий шайхлар ва хожалардан Сайд

та, Дарвиш шайхлар авлодлари хонликдаги энг нуфуз-и ижтимоий табақа ҳисобланарди. Катта миқдордаги күсусий ер, мулкларга әгалик қилишдан ташқари улар өдатда вақф ерлардан келадиган даромадларни назорат қилишда ҳам күпгина имтиёзларга эта әдилар. Уларнинг қуқуқлари ва имтиёзлари мутлақо дахлсиз бўлиб, бошқа ижтимоий табақалардан фарқли равишда, сарой фитналари, ўзаро урушлар, ҳукмдор ва ҳукмрон суолла алмашишларига қарамасдан тўлалигича сақланиб колинарди.

Хива хонлигидаги сарой унвон ва мансаблари



4.3. Кўқон хонлиги: маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари

Бухорода ҳукм суроётган ва парокандаликка юз туған аштархонийлар давлатининг шарқий чегаралариди XVIII аср бошларида янги мустақил хонликка асос солинди. Тарихга Кўқон хонлиги номи билан кирган бу давлатнинг асосчиси ӯзбекларнинг минг қабиласи бошлиги Шоҳруҳбий ҳисобланади. Фарғона водийсида Бухоро хонига қарши кўтарилган қўзғолон натижасида 1710 йилда Шоҳруҳбий мустақил давлат тузиб, ҳокимияти эгаллайди (1710-1721 йиллар). Унинг вориси Абдураҳимбий (1721-1733 йиллар) даврида бу давлат ҳудуди кенгайиб, бутун Фарғона водийси бўйсундирилди. У янги шаҳар – Кўқон (Қалъаи Раҳимбий)га асос солди. Абдукаримбий даврида (1733-1752 йиллар) пойтахт Кўқонга кучирилди, ундан сўнг тахтда тез-тез ҳукмдорлар алмасиб турдилар. 1755 йилда тахтга Эрдонабий ўтириди. Ундан сўнг Шодибек (1769-1770 йиллар) ва Норбўтабек (1770-1801 йиллар)лар ҳукмронлик қилдилар. Бу даврида марказий ҳокимият анча мустаҳкамланди. Олимхон ҳукмронлиги даврида (1801-1810 йиллар) Кўқоннинг сиёсий мавқеи анча ошди. Дастреб у ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб, қўшинни анча мустаҳкамлади. Тошкент воҳаси, Чимкент ва Туркистонни бўйсундириди ҳамда Россия империяси билан бевосита савдо-сотиқ олиб бориш имконини берадиган карvon йўллари устидан назорат ўрнатишга эришди. Хонликнинг кучайиб бориши билан унинг сиёсий мавқеи ҳам ўзгарди. 1805 йилда Олимхон расмий равища “хон” унвонини олди ва бу давлат Кўқон хонлиги деб атала бошланди. Олимхон фитначилар томонидан ўлдирилгандан сўнг тахтни унинг укаси Умархон (1810-1822) эгаллади. Кўқонда катта Жоме масжиди курдиргани ва дин пешволарига раҳнамолик қилгани учун

унга “амир ал-муслимин” унвони берилди. Унинг даврида Кўқон адабий мухити ҳам анча юксалди. 1822-1841 йилларда тахтга унинг ўғли Мұхаммад Алихон (Мадалихон) ўтирди. У хонлик ҳудудини бир мунча кенгайтирди. Қошгар учун хитойликлар билан урушлар олиб борди. Бухоро амирлари билан ҳам чегара шаҳарлари учун тез-тез урушлар бўлиб турди. Умрининг сўнгги йилларида айшу ишратга берилиб, давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқарганлиги сабабли сарой амалдорлари орасида унга қарши фитна уюштирилди. Бундан фойдаланган амир Насрулло 1841 йилда Кўқонга юриш қилиб, уни эгаллади. Мадалихон ва унинг оила аъзолари, шу жумладан, машҳур шоира Нодирабегим қатл этилди. Кўқон тахтига амирнинг вассали Иброҳим Додҳо ўтқазилди. Лекин 1842 йилда қўзголон кутарилиб, у тахтдан ағдарилиди. Қипчоклар қўшини ёрдамида Шералихон тахта чиқди (1842-1845 йиллар). 1845-1875 йилларда Кўқонни Худоёрхон бошқарди. Гарчи у сарой фитналари оқибатида 3 марта Кўқон тахтидан маҳрум бўлган бўлса-да, ҳар гал Бухоро амирлари ёрдамида тахтни қайтариб олишга муваффақ бўлди. 1875-1876 йилларда Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек ҳокимиятни бошқариб турди ва 1876 йилда Кўқон хонлиги ҳудуди руслар томонидан бутунлай ишғол этилиб, хонликка барҳам берилди. Хонлик ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига бутунлай қўшиб олинди.

Давлат тизими, маъмурий тузилиши. Сарой унвонлари. Кўқон хонлиги Ўрта Осиёning катта ҳудудини эгаллаган давлат эди. Унинг шимолий чегаралари XIX аср бошларида Россия билан, гарбда - Хива хонлиги, жанубда - Бухоро амирлиги, шарқда Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган. Давлатни дастлаб “бий” унвонига эга ҳукмдорлар, 1805 йилдан, яъни Олимхон давридан бошлаб хон бошқарган. Хон расман чекланмаган

хуқуққа эга бўлса-да, аммо шунга қарамасдан у саройда катта нуфузга эга амалдорлар фикри билан ҳисоблишишга мажбур эди. Сарой амалдорлари ва қўшин бошлиқларининг хонга таъсири кучли эди. Бу ҳолат, айниқса, Худоёрхоннинг тахтда ўтирган биринчи даврида Мусулмонқул қипчоқнинг мингбоши ва оталиқ лавозимиши эгаллаган йилларида (1845-1852) ва Алиқулнинг амири лапкарлиги ва вазирлиги даврида (Султон Сайдхон хон бўлган вақти, 1863-1865 йиллар) яққол кўзга ташланди. Бу хоннинг сиёсий куч-қудрати маълум иқтисодий асосларга ва ижтимоий гуруҳларга боғлик эди дейишга асос беради. Асосан Олимхон, Умархон ва Мухаммад Алихон даврларида бир қатор ривожланган хонлик XIX аср ўрталарига келиб инқирозга учради. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, Бухоро амирлиги билан бўлган урушлар, сарой амалдорларининг фитнакорлиги бу инқирознинг сабаби эди.

Маъмурий жиҳатдан хонлик бекликларга бўлиниб, уларни Кушбеги мансабида турган одам бошқарган. Марғилон, Наманган, Андижон, Ўш, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент ва Туркистон бекликлари хонликнинг асосий маъмурий бирликлари эди.


Давлатни бошқаришда сарой амалдорлари катта роль ўйнаганлар. Мулло Олим Махдум Ҳожи “Тарихи Туркестоний” асарида хонликдаги амалдорларни қўйидаги 24 даражага бўлади: мингбоши ва амирилашкар (ҳарбий вазир), қушбеги - хон маслаҳатчиси ёки вилоят ҳокими, парвоначи - хон маслаҳатчиси, шифовул - вазири илмиа, қози, мударрис, аълам, шайх ул-машойихлар ишини назорат қилган, худойчи - хонга бериладиган ариза ва шикоятларга масъул шахс, тункатор - хон кароргоҳига тунги посбон, ноиб - сарбозлар бошлифи, оталиқ, додхоҳ, меҳтарбоши, шарбатдор, дастурхончи, хазиначи.

махрамбоши, эшикоғаси, понсадбоши, тұқсабо, девонбеки, мирза боши, саркар, мирохурбоши, юзбоши, баковулбоши, дахбоши.


Бу мансаблардан ташқари яна бир қанча маъмурий, ҳарбий ва диний мансаблар мавжуд эди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, хон саройида муҳим ишларни кўриб чиқадиган Кенгаш тузилган бўлиб, унга мингбоши бошчилик қилган. Аъзолари дастурхончи, рисолачи ва яна баъзи муҳим амалдорлар бўлган. Давлатни бошқаришда бу кенгашнинг ҳам ўрни катта эди. Сарой амалдорлари ичидаги мингбоши (бош вазир) ва амири лашкар (ҳарбий вазир), қушбеги – хон маслаҳатчиси ёки вилоят ҳокими, парвоначи (хон маслаҳатчиси), - шиговул (вазири илмия), худойчи, тунқатор, ноиб (сарбозлар бошлиғи) оталиқ, додхоҳ, меҳтарбоши, дастурхончи, тұқсабо, девонбеки, мирза боши, саркор ва бошқалар муҳим амалдорлар ҳисобланади. Улар ўз хизматлари эвазига йиллик маош олганлар. Бундан ташқари уларга тегишли ер-мулклар ҳам берилган.

Қўқонда ҳам худди Бухоро ва Хива хонликлари даги-дек ерга эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлиб, аҳолидан олинадиган соликлар деярли бир хил бўлган.



Құқон хөнлигидеги ҳарбий-маъмурый мансаблар ва уивонлар



Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Асарлар тўплами. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халиқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., “Шарқ”, 1998.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
4. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т., “Шарқ”, 1998.
5. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т., “Фан”, 1968.
6. Абулғози. Шаҳараи турк. Т., “Чўлпон”, 1990.
7. Ариян. Поход Александра. Перевод М.Е.Сергеенко. М.-Л., 1962.
8. Аҳмедов Б.А. Улугбек. Т., “Камалак”, 1989.
9. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., “Ўқитувчи”, 1991.
10. Аҳмедов Б.А. Амир Темурни ёд этиб. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
11. Аҳмедов Б. Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. Т., “Университет”, 1999.
12. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., “Фан”, 1960.
13. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегенидов. М., “Наука”, 1986.
14. Бухоро тарихи. Муаллифлар груҳи. Т., “Фан”, 1974.
15. Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., “Faфур Гулом”, 1991.
16. Зиеёв X.З. Ўрта Осиё ва Сибир (XV-XIX асрлар). Т., “Фан”, 1962.
17. Зиеёв X.З. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Т., “Фан”, 1965.
18. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I ва II китоб. Т., “Мехнат”, 1992.

19. Исҳоқов М. Унтуилган подшоликдан хатлар. Т., “Фан”, 1992.
20. Йулдошев М.И. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т., “Фан”, 1959.
21. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Под. Ред. В.С. Соколова. М., “Наука”, 1963.
22. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Т., “Чўлпон”, 1994.
23. Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. “Гулистон”, 1999, 4-5-сонлар.
24. Мир Муҳаммад Амин Бухорий. Убайдулла Наме. Т., “Фан”, 1957.
25. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., “Фан”, 1993.
26. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т., “Faфур Фулом”, 1989.
27. Наршахий Муҳаммад. Бухоро тарихи. Т., “Фан”, 1966.
28. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Т., 1990.
29. Низомиддинов И. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Т., “Фан”, 1966.
30. Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
31. Ртвеладзе Э.В. Ўрта Осиёning қадимги тангалари. Т., “Фан”, 1987.
32. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., “Адолат”, 2001.
33. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
34. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т., “Университет”, 2004.
35. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., “Академия”, 2000.
36. Сулаймонов Р., Исҳоқов М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар. “Ўзбекистон тарихи”, 1999, 1-сон.

37. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., “Фан”. 1991.
38. Темур тузуклари. Т., “Faфур Ғулом”, 1997.
39. Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
40. Толстов С.П. Қадимги Ҳоразм маданиятини излаб. Т., “Фан”, 1964.
41. Чехович О.Д. XVII-XIX асрларда Бухоро ҳонлигига аграр муносабатлар тарихига доир ҳужжатлар. Т., “Фан”, 1954.
42. Эшов Б. Сўғдиёна тарихидан лавҳалар. Т., “Университет”, 2002.
43. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қангликлар. Т., “Фан”, 1990.
44. Якубов Б. Шаҳрисабз ва Китоб тарихидан. Қарши “Насаф”, 1996.
45. Қудратов С. Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. Гулистон, 1998.
46. Ғуломов Я.Ғ. Ҳоразмнинг сугорилиши тарихи. Т., “Фан”, 1959.
47. Ғуломов Я.Г. Археология – тарих фани хизматида. Т., “Фан”, 1976.
48. Ғуломов Ҳ.Ғ. Россиянинг Бухоро ҳонлиги билан XVII асрда элчилик муносабатларига доир. Т., “Фан”, 1992.
49. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Т., “Чўлпон”, 1993.
50. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллақома. Нашрга тайёрловчи академик Б.Аҳмедов. I, II жиллар. Т., “Шарқ”, 1999, 2000.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Илк давлатлар даври	
1.1. Ёзма ва археология манбалари	5
1.2. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши	23
1.3. Қадимги давлатчилик турлари ва бошқарув шакли	37
1.4. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталариғача)	57
II боб. Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув	
2.1. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши. Мовароуннаҳрда бошқарув	67
2.2. Сомонийлар давлати: ташкил топиши, ҳудуди, бошқарув тартиблари	73
2.3. Қорахонийлар даврида Ўрта Осиё, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари	80
2.4. Хоразмшоҳ - ануштегинийлар давлати: ҳудуди, маъмурий тузилиши, бошқарув тартиблари	85
2.5. Чигатой улуси: маъмурий тузилиши ва бошқарув тартиблари	89
III боб. Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда давлатчилик ривожи	
3.1. Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва марказлашган давлат асосларининг яратилиши	98
3.2. Амир Темур давлатининг маъмурий тузилиши ва бошқарув тартиблари	99
IV боб. Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви	
4.1. Бухоро хонлиги (амирлиги): марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари	113
4.2. Хива хонлиги: ҳудуди, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари	127
4.3. Кўқон хонлиги: маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари	132
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	138

А.Сагдуллаев, Ү.Мавлонов

**Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи
(кадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталариға қадар)**

Ўқув кўлланма

Akademiya
Тошкент 2005

Муҳаррир М.Умирова
Мусаҳҳих Г.Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Курбонова
Нашир учун масъуллар Б.Умаров, Д.Қобулова

Теришга берилди 29.06.06. Босишга рухсат этилди 04.07.06.
Бичими 84x108¹/32. Офсет босма. Шартли босма табоги 8,75.
Нашиёнт хисоб табоги 8,75. Адади 500.
Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳкӯчаси, 45.